

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Ҳ.Аюбжонов, Б.Х.Маматқулов, С.Н.Сайфуллаев

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ВА
ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ҚУЛАЙ УСУЛЛАРИНИ ЯРАТИШ

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ - 2017

Тақризчилар:

Ў.С.Исмоилов –Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи”

Р.О. Холбеков –ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудир, профессор, иқтисод фанлари доктори.

Аюбжонов А.Х., Маматқулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. Соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг қулай усулларини яратиш. Тошкент, 2017, 187 б.

Ушбу монография соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг қулай усулларини яратишга бағишланган. Монографияда соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновацион жараёнларни молиялаштириш масалалари, соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновацион жараёнларни молиялаштириш кўрсаткичларини статистик таҳлили, соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновацион жараёнларни молиялаштиришни қулай статистик таҳлил қилиш усуллари ёритилган.

Монография олий ўқув юртларининг иқтисодий соҳаларидаги профессор-ўқитувчилари, докторантлар, магистрантлар, талабалар, малака ошириш курслари тингловчилари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари учун мўлжалланган.

Кириш

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришнинг барқарор тизими яратилди. Мамлакатда салоҳиятли илмий мактаблар яратилди, илмий лаборатория ва кафедралар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, вазирлик ва идоралар ҳамда республика миқёсидаги илмий-техник ва эксперт кенгашлари шаклидаги кўп тармоқли илмий-ташкилий инфратузилма фаолият юритмоқда.

Илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини молиялаштириш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд. Натижада, илмий фаолият нуфузи бирмунча пасайиб, иқтидорли ёшларнинг бошқа соҳаларга кетиб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда, илмий кадрларнинг ўртача ёши ортиб бориши тенденцияси сақланиб қолмоқда. Шу муносабат билан, давлат илмий-техника дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва мониторингини юритиш жараёнларини мувофиқлаштирувчи ягона тизимнинг мавқеи ва салоҳиятини тиклаш, олимларга кенг кўламли илмий изланишларни амалга оширишлари учун барча зарур шароитларни яратиш бугунги куннинг ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Таъкидлаш лозимки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган

Бундан ташқари, республика вилоятларида бўлиб ўтаётган халқ билан бевосита мулоқот пайтида Президентимиз томонидан барча ҳудудларда илм-фан салоҳиятини тиклаш, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини

таъминлашда мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий изланишларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олимларнинг илмий-технологик ишланмаларини амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини яратиш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Давлат бюджетининг харажатларида соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш орқали аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш таъминланмоқда. Бюджетдан ажратилган маблағларнинг самарадорлигини ошириш, тизимда инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни мақбуллаштириш, бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлик, ўз вақтида амалга ошириш, тўлов интизомини мустақкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда

Ижтимоий соҳада соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш ҳамда унинг ўзига хос жиҳатларини статистик тадқиқ қилиш; сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг илғор хорижий тажрибаларини ўрганиш ва уларни республикамиз амалиётида ижодий қўллаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш; Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатини илмий баҳолаш ва тенденцияларини статистик таҳлил қилиш; соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг тутган ўрнини статистик баҳолаб, соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнлари амалиётидаги муаммоларни аниқлаб ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиб тегишли хулосалар берилди.

Ўтган йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида юртимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган даволаш муассасаларининг мукамал тизими вужудга келди. “Соғлом она ва бола йили” дастури асосида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғуруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиётмарказлари ташкил этилди. Бугунги кунда улар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлиғини сақлаш мақсадида 2015-йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Республикаимизда 2016-йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилди. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилди. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари 2015 йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпайди.

Мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан

қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Юртимизда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мустаҳкам асоси яратилган. Жумладан, бу соҳага оид бир қанча халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортиқ қонун қабул қилинган. Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси талаблари, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий қилиш ва қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилаяпти.

Мамлакатимизда Оила йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустаҳкам оила йили номлари билан аталган йилларда кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди. Ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми ҳисобланган жорий Соғлом бола йилида бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида жуда катта куч ва маблағ сарф этилаяпти. Биргина тиббиёт соҳасининг ўзида ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар кўлами буни яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида глобал жараённинг фаол иштирокчиси сифатида 2000 йилда БМТнинг Мингйиллик саммитида мамлакатлар олдига қўйилган вазифаларни изчил амалга ошираётгани, уларни бажаришда кўплаб кўрсаткичлар бўйича етакчи ўринлардан бирида ҳисобланади.

Юртимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган улкан эътибор ҳақида кенгрок тасаввур қилиш учун айрим рақамларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўларди. Авваламбор, бу — соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағ ва инвестициялар мисолида кўзга яққол ташланади. Агар 2012 йилда ушбу мақсад учун республикамиз давлат бюджети ҳисобидан 2,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2013 йили бу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди.

2014 йилда эса соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида давлат бюджетидан 4,4 триллион сўм ажратилди.

Жорий йилда Инвестиция дастурига асосан, қарийб 407 миллиард сўмдан зиёд давлат бюджети маблағи ҳисобидан 137 та замонавий тиббиёт муассасасини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 60 ўринли болалар хирургия бўлими, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида даволаш корпуси каби ўнлаб шифохоналар тубдан реконструкция қилинган тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далолат беради.

Тошкент шаҳрида замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Ушбу марказни ишга тушириш 2017 йилга мўлжалланган бўлиб, бунинг учун жами 102,8 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда лойиҳада қуйидаги вазифалар бажарилди:

- соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш ҳамда унинг ўзига хос жиҳатлари статистик тадқиқ этилди;

- соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг илғор хорижий тажрибаларини ўрганиш ва уларни республикамиз амалиётида ижодий қўллаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати баҳоланди ва тенденциялари статистик таҳлил қилинди;

- Соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг тутган ўрни статистик баҳоланди;

- Соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнлари амалиётидаги муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Соғлиқни сақлаш тизимида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришнинг қулай усуллари аниқланиб, илмий ва инновацион ишларнинг натижалари самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

I боб. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнлар мониторингини ташкил этиш

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини иқтисодий жиҳатидан ўрганиш, яъни ҳар бир илмий лойиҳалар ва уларнинг молиялаштириш орасидаги боғланишларни миқдорий ифодалаб уларнинг тўпларида намоён бўладиган иқтисодий қонуниятларни аниқлаш учун дастлаб улар ҳақида, ўрганилаётган объектлар тўғрисида бошланғич маълумотлар ёки бошқа сўз билан айтганда ҳам материалларни тўплаш керак.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнлар мониторингини ташкил этиш учун биринчи навбатда улар ҳақида бошланғич маълумотларни тўплаш зарур. У ўрганилаётган объектларни ва уларнинг унсурларини ҳисобга олиш билан боғлиқ. Ҳисоб – бу бирор предмет миқдорини санаб ёки ўлчаб аниқлаш, бирор кимса ёки нарса мавжуд миқдорини белгилаш учун махсус ҳужжатда у ҳақидаги маълумотларни қайд қилишдир.

Дастлаб, тўпланадиган маълумотлар учта талабга жавоб бериши керак, яъни: 1) аниқлик ва тўғрилиқ; 2) тўлалик ва ҳар тарафламалиқ; 3) таққосламалиқ, солиштирмалиқ.

Иқтисодий маълумотларнинг таққосламалигини таъминлаш учун миллий ва халқаро стандартларни (андозаларни) ишлаб чиқиш ва уларга тўла амал қилиш муҳим роль ўйнайди. Миллий стандартлар мамлакат миқёсида объектларни таснифлаш, кўрсаткичларни тузиш ва ҳисоблаш, маълумотларни қайд қилиш жараёнида риоя қилиниши зарур бўлган талаблар, тартиб қоидалар, концепциялар мажмуасидир. Улар одатда халқаро стандартларга асосланади. Халқаро андозалар деганда ўрганилаётган ҳодисаларни таснифлашда, иқтисодий кўрсаткичларни тузиш ва ҳисоблашда, маълумотларни қайд қилиш ва олиш жараёнида бутун дунё миқёсида ёки маълум мамлакатлар бирлашмаси


чегарасида қўллаш учун тавсия этиладиган умумий тартиб қоидалар, талаблар концепциялар мажмуаси тушунилади. Миллий стандартларга риоя қилиш мажбурийдир.

Бизнинг илмий лойиҳада кузатиш объекти - бу соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва инновацион жараёнлардир. Уларнинг муҳим белгилари ҳақида маълумотлар тўпланади ва улар асосида тўпламни таърифлайдиган умумлаштирувчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Кузатиш объектининг аниқ миқёсини, кўламини белгилаётганда вақт, фазо, моддий тузилиш ва ўлчов бирлиги жиҳатидан унинг ўлчамларини аниқлашимиз лозим.

Кузатиш бирлиги деганда, кузатилаётган объектнинг мустақил бўлинмас таркибий унсури, бирлиги тушунилади. Кузатиш жараёнида унинг муҳим белгилари ҳақида маълумотлар олинади.

Айрим масалаларни кузатишда кузатиш бирлиги билан бирга ҳисоб бирлиги ҳам белгиланади. Бу ҳолда илмий-амалий тиббий марказлар кузатиш бирлиги бўлса, унинг ўрганилаётган ҳар бир предмети ҳисоб бирлигидир. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнларини молиялаштириш текширилаётганда ҳар бир тиббиёт муассасаси ва илмий тадқиқот институтлари кузатиш бирлиги ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнларини молиялаштиришда статистик кузатиш қўйидаги мақсад ва вазифаларни кўзлайди (1.1.1-чизма).



1.1.1-чизма. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнларини молиялаштиришда статистик кузатишнинг мақсад ва вазифалари¹.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнларини молиялаштиришда барча статистик ишларнинг умумий мақсади—мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолининг саломатлигини яхшилаш, мамлакатимизни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва уларни амалга ошиш жараёни устидан назоратни кучайтириш учун манба яратиш. Бу умумий мақсаддан ташқари ҳар бир кузатиш ўзининг хусусий мақсади ва вазифаларига эга.

Масалан, аҳоли рўйхатининг вазифаси аҳоли сони ва тузилишини аниқлашдир. Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги маълумотлар Давлат статистика

¹Чизма муаллифлар тамонидан ишлаб чиқилган.

органларига 1-тиббиёт йиллик, 2-тиббиёт йиллик, 3-тиббиёт йиллик, 4-тиббиёт йиллик, 5-тиббиёт йиллик, 6-тиббиёт йиллик, 7-тиббиёт йиллик каби ҳисобот шакллари орқали тўпланади. Аҳоли рўйхатининг маълумотлари, ўз навбатида мамлакатимизни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш учун керак бўлса, соғлиқни сақлаш тўғрисидага статистик ҳисобот шаклларида олинган маълумотлар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолининг саломатлилик даражасини ошириш каби масалаларни ечишда муҳим роль ўйнайди(1-2-иловаларга қаранг).

Кузатиш дастури (программаси) деб ўрганилаётган ҳодиса, объект ҳақида маълумот тўпланадиган белгилар рўйхати тушунилади. Бошқачароқ айтганда, кузатиш дастури кузатиш жараёнида жавоблар олинishi лозим бўлган саволлар тўплами (рўйхати)дир. У қанчалик тўғри тузилса, текшириш натижалари шунчалик яхши чиқади.Тўғри тузилган дастур ва маълумотлар аниқлигини таъминлаш, булар – статистиканинг муваффақиятли бўлиши учун энг муҳим устундир. Дастур тузиш статистик кузатишнинг энг оғир ва энг маъсулиятли босқичи ҳисобланади. Дастур текширишдан кўзланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ тузилади. Бу ишни амалга ошираётганда қуйидагиларга эътибор бериш керак: биринчидан дастур энг муҳим ўзгарувчан белгиларни ўз ичига олиши керак. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнларини молиялаштиришни ўрганмоқчи бўлсак, у ҳолда дастурда у молиялаштирилган маблағлар қайси тиббиёт институтларига йўналтирилган ва қанча деган саволларни ёзиш мумкин бўларди; иккинчидан, дастурда шундай саволларни (белгиларни) акс эттириш керакки, улар ёрдамида кузатилаётган ҳодисани чуқурроқ ўрганиш ва олинган маълумотларни текшириш имкониятлари яратилади. Масалан, ҳар бир тиббиёт муассасаси ва илмий текшириш марказларининг ҳисоботида ҳар бир илмий лойиҳа турини,унинг ушбу лойиҳа бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари берилиши билан бирга жами молиялаштириш суммаси ҳам келтирилади. Тиббиёт ва илмий марказларнинг йиллик ҳисоботида ҳар бир илмий тадқиқот ишларида қатнашаётган мутахассисларга тўғри келаётган маблағ миқдори

билан бирга уларнинг умумий ҳажми ҳақидаги маълумот акс эттирилади. Натижада масалаларни кенгроқ ўрганиш ҳамда маълумотларни текшириш имкони туғилади; учинчидан, дастурдаги саволлар (белгилар номи) аниқ ва қисқа, ҳаммага тушунарли қилиб ифодаланиши керак; тўртинчидан, кузатиш дастурини тузиш ишига кенг жамоатчилик, илмий ходимлар ва йирик мутахассислар жалб қилиниши лозим, уни махсус кенгашларда ва матбуотда ҳар томонлама муҳокама қилиш айни муддао.

Йўриқнома кузатиш дастурида кўзланган белгиларни бир хил ташкил этиш ва тушунишни таъминлаш мақсадида тузилади. Унда кузатиш мақсади ва вазифалари, унинг объекти ва бирлиги, маълумотни қаердан ва кимдан олиш, кузатиш муддати, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, маълумотлар тегишли бўлган давр (ҳисобот даври) кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби ва шунга ўхшаш кузатилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар ёритилади. Йўриқномалар одатда кўп мутахассислар иштирокида пухта тузилади.

Йўриқнома ҳар бир иқтисодий формуляр учун алоҳида тузилади. Кузатиш маълумотлари қайд қилинадиган ҳужжат иқтисодий формуляр деб аталади. У ҳар хил ном билан юритилади, жумладан ҳисобот формаси, рўйхатга олиш варақаси, сўроқнома (анкета), табел, накладной, йўл варақаси ва ҳоказолар.

Кузатиш жойи деганда макон ёки бошқа сўз билан айтганда ўрганилаётган ҳодиса рўй бераётган жой тушунилади.

Ҳисоботда, асбоб-ускуналар рўйхатида ва бошқа иқтисодий ресурсларни ҳар хил шакли ҳисобланади.

Умуман кенг маънода қаралганда, кузатиш вақти ҳодисани ўрганиш давридир, яъни уни текшириш бошлангандан, то маълумотларни олиш ниҳоясига етгунча ўтган вақт оралиғи (давр)дир. Бу ҳолда у маълумотлар тегишли бўлган вақтни ҳам, уларни тўплаш вақтини ҳам ўз ичига олади.

Ҳодисани ҳисобга олиш, қайд қилиш тенглаштирилган бундай пайт кескин фурсат (критик момент) деб аталади.

Кузатишни ўтказиш бир қатор тайёргарлик ва ташкилий ишларни бажариш билан боғлиқдир. Биринчидан, кузатиладиган бирликларнинг тахминий рўйхати тузилади ва кузатиш жойлари белгиланади. Иккинчидан, кузатиш формулярлари, бланкалар, варақалар, уларни тузиш йўриқномалари тайёрланади ва жойларга етарли миқдорда тарқатилади. Учинчидан, кузатиладиган макон ҳудуди участкалар (қисмлар)га бўлинади, керакли кадрлар сони ва аниқ шахслар белгиланади. Тўртинчидан, кузатишга жалб қилинган маъсул шахслар билан махсус машғулотлар олиб борилади.

Шундай қилиб соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнларини молиялаштиришни статистик кузатиш орқали бизга керакли бўлган маълумотларга эга бўламиз. Ушбу маълумотлар орқали кейинги параграфларда турли хил статистик таҳлилларни амалга оширамиз.

1.2. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнлар тўғрисида маълумотларни жамлаш ва гуруҳлаш

Соғлиқни сақлаш тизимидаги гуруҳлашлар узоқ давр давомида қўлланиб, жорий ва йиллик статистик текширишлар учун замин бўлиб хизмат қилади. Улардан фарқли ўлароқ, гуруҳлаш муайян текшириш мақсадлари учун, айрим масалаларни унда ёритиш учун амалга оширилади. Кўпинча гуруҳлаш миқдорий белгилар асосида тузилади. Улар атрибутив белгилар асосида ҳам қурилади, аммо бу ҳолда кўпроқ тақсимот қаторлари шаклига эга бўлади, муқобиллик принципи асосида тузиш ҳам тез-тез учраб туради.

Маълумотларни гуруҳлаш деб ўрганилаётган ҳодисаларни (объектларни, бирликларни) муҳим белгиларига асосланиб турдош (сифатдош) гуруҳларга (тўпламларга) бирлаштириш юритилади. Масалан, тиббий-илмий марказларда бажарилаётган илмий-тадқиқот лайиҳаларини молиялаштириш даражасига қараб гуруҳларга ажратиш мумкин.

Агарда тўпланган маълумотларни жамғариб умумий кўрсаткичлар олиш билан чегаралансак, у ҳолда улар турли тўпламларга тегишли бўлиши мумкин, натижада уларнинг тузилиши ва хусусиятларини аниқлай олмаймиз.

Гуруҳлашнинг аҳамияти шундаки, у маълумотларни умумлаштириш ва тасаввур қилиш учун ихчам, яққол шаклда тақдим этишни таъминлайди. Бундан ташқари, гуруҳлаш маълумотларга турли жиҳатдан ишлов бериш ва таҳлил қилиш учун асос яратади. Бунинг учун гуруҳларни бунёд этиш белгиси ёки белгиларини танлаш, тузиладиган гуруҳлар сони ва уларнинг чегараларини аниқлаш илмий тартиб-қоидаларга таяниши керак.

Гуруҳлаш белгилари қилиб кўзланган мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан муҳим белгилар яъни ўрганилаётган ходисаларнинг туб боғланишларини ифодаловчи белгилар олинishi керак. Шу билан бирга гуруҳлашни конкрет шароитга мослаштириш, яъни шароит ўзгаришига қараб гуруҳлашни туслантириб, унинг белгиларини ўзгартириш - бир шароитда гуруҳларни бир белги асосида тузиб, иккинчи шароитда бошқа унга мос келадиган белгиларга таяниш зарур.

Юқоридаги фикрларимизга мисол қилиб, соғлиқни сақлаш тизимининг асосий кўрсаткичларини кўриб чиқамиз. Яъни, жадвалдан кўриниб турибдики 2-устунда шифохона муассасалари сони олинган, 3-устунда эса шифохоналардаги ўринлар сони, 4-устунда эса барча мутахассисликдаги шифокорлар сони, 5-устунда эса 10 000 аҳолига нисбатан тўғри келадиган шифокорлар сони, 6-устунда эса барча мутахассисликдаги аёл шифокорлар сони, 7-устунда эса ўрта тиббиёт ходимлари сони, 8-устунда эса 10 000 аҳолига тўғри келадиган ўрта тиббиёт ходимлари сони, 9-устунда эса болалар поликлиникалари (бўлимлари) сони муҳим белги қилиб олинди.

1.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлашнинг 1997-2016 йиллардаги асосий кўрсаткичлари (йил охирига)²

Йиллар	Шифохона муассасалари сони ¹	Шифохоналардаги ўринлар сони* (минг бирлик)	Барча мутахассисликдаги шифокорлар сони, минг киши	10 000 аҳолига нисбатан тўғри келадиган шифокорлар сони, киши	Барча мутахассисликдаги аёл шифокорлар сони, минг киши	Ўрта тиббиёт ходимлари сони, минг киши	10 000 аҳолига тўғри келадиган ўрта тиббиёт ходимлари сони, киши	Болалар поликлиникалари (бўлимлари) сони
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1997	1230	155,3	81,6	34,3	41,9	256,4	107,9	2018
1998	1175	140,5	81,8	33,9	42,8	254,2	105,3	2072
1999	1178	138,1	81,2	33,2	41,8	256,9	104,9	2205
2000	1162	138,6	81,5	32,8	41,5	259,7	104,7	2519
2001	1159	140,1	81,4	32,4	41,9	263,1	104,7	2505
2002	1174	147,0	81,0	31,9	41,7	265,9	104,6	2515
2003	1173	146,7	80,4	31,4	41,5	265,3	103,8	2536
2004	1165	142,9	77,9	29,9	40,5	266,0	102,2	2587
2005	1149	142,4	76,5	29,1	41,0	271,0	103,0	2417
2006	1150	143,6	75,8	28,4	40,9	274,4	102,9	2379
2007	1133	138,8	76,9	28,4	41,4	283,8	104,8	2339
2008	1139	137,5	77,1	28,0	41,5	291,3	105,8	2219
2009	1162	139,6	80,4	29,0	41,5	301,9	107,8	2322
2010	1158	139,6	79,9	27,4	41,2	310,2	106,5	2341
2011	1181	139,8	81,7	27,7	43,2	319,7	108,2	2402
2012	1225	138,3	81,3	27,1	42,7	324,6	108,2	2418
2013	1128	134,0	81,7	26,8	42,9	327,4	107,4	2315
2014	1058	130,9	82,0	26,4	42,7	332,4	107,2	2104
2015	1071	129,7	83,4	26,4	43,1	336,4	106,5	1997
2016	1106	132,0	84,1	26,2	43,2	341,3	106,3	1783

*Кундузги қатновчилар ўрнисиз

1.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1997-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг асосий кўрсаткичлари келтирилган. Унга кўра 1997 йилда барча мутахассисликдаги аёл шифокорлар сони 41,9 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 43,2 минг кишини ташкил қилиб, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда 103,1 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Ўрта тиббиёт ходимлари сони 1997 йилда 256,4 минг

²Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

кишини ташкил қилган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 341,3 минг кишини ташкил этган. Яъни, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда 133,1 фоизга ошганини кўришимиз мумкин.

Айрим гуруҳлар учун ҳисобланадиган умумий кўрсаткичлар типик ва барқарор бўлишини таъминлаш учун ҳар бир гуруҳга тегишли бирликлар сони етарли миқдорда (5 бирликдан кам бўлмаслиги) бўлиши керак, чунки бу ҳолда умумий кўрсаткичларда тасодифий кучлар таъсири ўзаро қирқилади ва қонуният, типик жиҳат яхшироқ намоён бўлади.

Гуруҳлар сонини тўғри белгилаш гуруҳлаш самарали бўлиши учун муҳим гаровдир. Бу масалани кўпвариантлик қоидага таяниб ечиш энг яхши йўл ҳисобланади.

Гуруҳлар оралиғининг чегараси масаласига келсак, уни икки шаклда ечиш мумкин: бири - ҳамма гуруҳлар учун ораликни тенг миқдорда белгилаш, иккинчиси - уни тенгмас шаклда, кўпайиб ёки озайиб келувчи миқдорларда ифодалаш. Биринчи ҳолда гуруҳ оралиғи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$i = \frac{X_{\max} - X_{\min}}{K}$$

Бу ерда:

X_{\max} - гуруҳлаш белгисининг энг катта қиймати;

X_{\min} -унинг энг кичик қиймати;

K -тузиладиган гуруҳлар сони.

Гуруҳлар оралиғи тенг бўлмаган шаклда белгиланаётганда уларни тенг миқдорда бирликлар билан тўлдириш айти муддао ҳисобланади. Бу ҳолда берилган тўплам гуруҳларга тенг сонда бирликларни тақсимлаш йўли билан ажратилади, яъни

$$m = \frac{N}{k}$$

Бу ерда:

m - ҳарбир гуруҳга тегишли birlikлар сони;

N-умумий тўплам birlikлари сони;

k-тузиладиган гуруҳлар сони.

Бунинг учун дастлаб тўплам birlikлари гуруҳлаш белгисининг қийматлари асосида ранжлаштирилади, яъни тартиб сони бўйича уларнинг қатори (рўйхати) тузилади, сўнгра ҳар «*m*» та birlikлар саналиб, улардан биринчи, кейин иккинчи ва ҳ.к. гуруҳлар тузилади.

Агарда гуруҳлаш белги дискрет (бутун) сон билан ифодаланиб жуда кам сонли қийматларга эга бўлса (масалан 1 дан 10 ёки 15 гача), у ҳолда гуруҳлаш муайян қийматли белгига эга бўлган birlik сони ҳисоблаш йўли билан тузилади. Сўнгра ҳар қайси гуруҳ тегишли кўрсаткичлар билан тасвирланади. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш суммаси лойиҳаларда қатнашувчи ходимларга тўғри келишини ўрганмоқчи бўлсак, у ҳолда 1, 2, 3 ва ҳ.к. лойиҳаларда иштирок этаётган ходимларнинг айрим гуруҳларни ташкил этади. Уларнинг ҳар бир гуруҳга тегишли сони аниқланади ҳамда мазкур лойиҳаларга ажратилган маблағ миқдори, ушбу маблағ ҳар бир иштирокчи ходимга тўғри келиши ҳисобланади.

1.2.2-жадвал

2009-2011 ва 2012-2014 йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши ва ходимлар сони³

2009-2011 йиллар			2012-2014 йиллар		
Молиялаш-тирилган маблағи, минг сўм	Илмий тадқиқот ишларидан иштирок этаётган ходимлар сони, киши	Ўртача бир ходимга молиялаштирилган маблағ тўғри келиши, минг сўм	Молиялаш-тирилган маблағи, минг сўм	Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони, киши	Ўртача бир ходимга молиялаштирилган маблағ тўғри келиши, минг сўм
23 112 928	1 286	1797,3	41 920 086	1 182	35465,4

³Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

Юқорида соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнларини молиялаштириш тўғрисида маълумотлар келтирилган (1.2.2-жадвал).

1.2.2-жадвалдан кўриниб турибдики, соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши ва ходимлар сони тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотларни икки гуруҳга бўлдик, яъни 2009-2011 йиллар ва 2012-2014 йилларга. 2009-2011 йилларда соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши 23 112 928 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012-2014 йилларда ушбу кўрсаткич 41 920 086 минг сўмни ташкил этиб, 2009-2011 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда 18 807 158 (1,8 мартага) минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Ушбу лойихаларда иштирок этган ходимлар сони эса, 2009-2011 йилларда 1286 кишини ташкил этган бўлса, 2012-2014 йилларда 1182 кишини ташкил этиб, 2009-2011 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда ходимлар сони 104 (8,1 фоизга) кишига камайганини кўришимиз мумкин. Ўртача бир ходимга молиялаштирилган маблағ тўғри келиши 2009-2011 йилларда 1797,3 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012-2014 йилларда ушбу кўрсаткич 35465,4 минг сўмни ташкил қилган, яъни, 2009-2011 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда ўртача бир ходимга тўғри келадиган маблағ 19,7 мартага ошганини кўришимиз мумкин.

Гуруҳлаш белгиси узлуксиз ўзгарувчанли қийматларга эга бўлган, гуруҳ оралиғи куйи ва юқори чегарали, яъни “ ” дан “ ” гача қилиб берилади. Ҳар қайси кейинги гуруҳнинг куйи чегараси ўзидан олдинги гуруҳнинг юқори чегарасига тенг (масалан, 10.0-20.0; 20.1-30.0; 30.1-40.0 ва ҳ.к.) шаклда бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда биринчи гуруҳнинг куйи чегараси (20 гача, 20.1-30) ва охириги гуруҳнинг юқори чегараси очиқ ҳолда берилади. Гуруҳлаш услуги жиҳатдан бундай умумий қоидадан четлашишларга йўл қўймаслик керак.

Гуруҳлаш иқтисодий боғланишлар ва қонуниятларни аниқлаш, ўрганилаётган тўпламнинг тузилишини ўрганиш ва лойиҳаларнинг социал-иқтисодий типларини тасвирлаш мақсадида бажарилади. Унинг ҳар хил турлари ва шакллари мавжуд.

Гуруҳлаш мақсад ва вазифаларига қараб уч турга бўлинади:

- 1) типологик;
- 2) аналитик;
- 3) тузилмавий гуруҳлаш.

Типологик гуруҳлаш деганда - ўрганилаётган маълумотлар тўпламини социал-иқтисодий типларга тақсимлаш тушунилади. Тип сўзи қуйидаги луғавий мазмунга эга: 1) бир турдаги нарса учун умумий бўлган намуна; 2) биологик ҳайвон ва ўсимликлар систематикасидаги ўзаро ўхшаш синфларни бирлаштирадиган олий бўлинма 3) бир қатор ички ёки ташқи белгилар яғонавийлиги асосида бирлашган кишилар категорияси.

Социал-иқтисодий тип - деганда жамиятда, иқтисодиётда бажарадиган функциялари ва тутган ўрни умумийлигига асосланган лойиҳаларда иштирок этувчи субъектлар, шахслар, тўплами тушунилади.

Амалиётда ўрганиётган тўпламни қандай типларга ажратиш масаласини статистик текширишда кўзланган мақсад ва вазифаларга қараб мутахассис-экспертлар фикрлари асосида ечилади.

Типологик гуруҳлашни тузиш алгоритми қуйидаги кетма-кет операцияларни бажаришдан иборат:

1. Ўрганилаётган ҳодисаларни қандай типларга ажратиш дастлаб белгилаб қўйилади;

2. Типлар тасвирини шакллантирувчи гуруҳлаш белгилари сайлаб олинади;

3. Гуруҳларнинг оралиқ чегаралари аниқланади;

4. Гуруҳлаш белгилари бирикмаси асосида ҳар қайси тип гуруҳига тегишли тўплам birlikлари сони аниқланади;

5. Айрим типларни тасвирлаш учун тегишли бирликлар ҳақидаги бошланғич маълумотлар асосида умумий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Мисолда кўриб чиқайлик. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган институт, илмий марказлар, илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион жараёнларини молиялаштиришни (тип) шаклланиш жараёнини типологик гуруҳлаш жараёнида таҳлил қилиш мақсад қилиб белгиланган.

Соғлиқни сақлаш тизимида асосий типлари: тиббиёт институтлари, тиббиёт илмий марказлари, касалхона муассасалари, диспансерлар, амбулатория-поликлиника муассасалари ва бошқалар ҳисобланади. Демак гуруҳлаш белгиси қилиб, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида 2012-2014 йилларда бажарилган лойиҳаларни олишимиз керак.

1.2.3-жадвал

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида 2012-2014 йилларда бажарилган лойиҳаларга ажратилган молиявий маблағ (фоизда)⁴

	2012 йил	2013 йил	2014 йил
1-лойиҳа	10,6	10,6	10,6
2-лойиҳа	18,8	18,8	18,8
3-лойиҳа	15,9	15,9	15,9
4-лойиҳа	13,0	13,0	13,0
5-лойиҳа	17,1	17,1	17,1
6-лойиҳа	10,0	10,0	10,0
7-лойиҳа	14,7	14,7	14,7
Жами:	100	100	100

Тузилмавий гуруҳлаш одатда маълум бир белгига қараб тўплам тузилишини таърифлайди. Бунинг учун дастлаб бир белги асосида тақсимот қатори тузилади, сўнгра ҳар қайси гуруҳ учун тузилмани таърифловчи тўплама кўрсаткичлар, масалан гуруҳлаш белгисининг гуруҳлардаги йиғма ҳажми ва у билан яқиндан боғлиқ бўлган белгилар тўплама миқдорлари ҳисобланади ва ниҳоят уларга асосланиб айрим гуруҳларнинг умумий тўпламдаги ҳиссалари аниқланади. Тузилмавий гуруҳлаш икки ва ундан ортиқ гуруҳлаш белгилар

⁴Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

асосида ҳам тузилиши мумкин. Бу ҳолда белгиларни бирикма шаклда ёки кўп ўлчовли миқдор ёрдамида ифодаланadi. Белгилар бирикма шаклида олинганда дастлаб бир белгига қараб йирик тузилмалар барпо этилади, сўнгра ҳар бири чегарасида (ичида) иккинчи белги асосида кичик тузилмалар яратилади, демак улар икки белги таъсири остида шаклланади. Тузилмалар - катталари ҳам, кичиклари ҳам - юқорида баён этилган тартибда ҳисобланган кўрсаткичлар белги таърифланади.

Тузилмавий гуруҳлаш кўп ўлчовли белгиларга қараб тузилганда ҳар бир тузилма кўп омиллар таъсири остида шаклланади. Бундай гуруҳлаш турли йўллар билан амалга оширилади.

Тузилмавий гуруҳлашлар билан тақсимот қаторлари бир бирига ўхшашиб кетади, аммо улар вазибалари ва тузилиш жиҳатидан бир биридан фарқ қилади. Тузилмавий гуруҳлашда кўзланган мақсад - тўплам тузилишини ўрганиш. Бунинг учун ҳар бир тузилма бир тўда кўрсаткичлар ёрдамида тавсифланиши керак, шу ҳолда унинг турли жиҳатлари ойдинлашади. Тақсимот қаторлари эса статистик тўплам тавсифларини ва қонуниятларини аниқлаш учун хизмат қилади.

Тузилмавий гуруҳлашлар тизилишидаги ўзгаришларни динамика ва фазо жиҳатидан статистик ўрганиш ва миқдорий баҳолаш имконини беради. Бунинг учун икки усулдан фойдаланиш мумкин: бири - ҳар бир тўпламнинг ичидаги фарқларни миқдорий баҳолашга асосланади, иккинчиси эса - тўпламлар тузилиши орасидаги фарқларни баҳолашга таянади.

Биринчи ҳолда ҳар бир тўплам ички тузилмавий фарқлари уларнинг ўртача абсолют қиймати ва ўртача квадратик қиймати ҳамда уларнинг коэффициентлари ёрдамида баҳоланади. Агарда айрим гуруҳлар учун ўрганилаётган кўрсаткич m_i бўлса, уларнинг тўпламдаги салмоғи (улуши,

қисми)
$$d_i = \frac{m_i}{\sum m_i}$$

у холда: ўртача абсолют салмоқлар фарқи
$$\Delta d = \frac{\sum |d_i - \bar{d}|}{K} \quad (1)$$

(ишораси ҳисобга олинмайди)

унинг коэффиценти
$$K\Delta = \frac{\Delta d}{\bar{d}} \quad (2)$$

салмоқларнинг ўртача квадрат фарқи
$$\sigma_d = \sqrt{\frac{\sum (d_i - \bar{d})^2}{K}} \quad (3)$$

ва унинг коэффиценти
$$K_\sigma = \frac{\sigma_d}{\bar{d}}$$
 бу ерда:
$$\bar{d} = \frac{\sum d_i}{K} \quad (4).$$

Бу кўрсаткичлар тўпламлар тузилишини динамика ёки фазо жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиш учун ҳисобланади.

Иккинчи ҳолда икки қиёсланаётган тўпламлар тузилишини ифодаловчи тузилма салмоқлари (d_i) орасидаги фарқлар асосида ҳисобланадиган ўртача арифметик ва ўртача квадратик фарқлар қиймати ва уларнинг коэффицентлардан миқдорий баҳолаш кўрсаткичлари ташкил топган.

$$\theta = \frac{\sum |d_{i1} - d_{i0}|}{K} \quad (5)$$

$$S = \sqrt{\frac{\sum (d_{i1} - d_{i0})^2}{n}} \quad (6)$$

$$K_\theta = \frac{\theta}{d_1} \quad (7)$$

$$K_S = \frac{S}{d_{i1}} \quad (8)$$

Бу ерда: d_{i1} - жорий даврдан (ёки таққосланувчи) тўплам гуруҳлари (тузилма) нинг салмоқлари;

d_{i0} - ўтган даврдаги (ёки таққослангич) тўплам гуруҳларининг салмоқлари;

Q - икки тўплам тузилишидаги фарқларнинг ўртача абсолют қиймати (ишораси инобатга олинмайди);

S - икки тўплам тузилишидаги фарқларнинг ўртача квадратик қиймати;

K - ўртача абсолют фарқлар даражаси;

K_S - ўртача квадратик фарқлар даражаси.

Иккинчи шаклдаги (5-8) кўрсаткичлардан фақат гуруҳлаш асослари (гуруҳлар оралиғи) ва гуруҳлар сони бир хил бўлган тўпламлар тузилишини қиёсий ўрганишда фойдаланиш мумкин. Биринчи шаклдаги (1-4) кўрсаткичларни қўллаш учун бундай чегарага эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг илмий лойиҳалари бўйича тузилиши ҳақидаги маълумотлар асосида юқорида баён этилган кўрсаткичларни ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз.

1.2.4-жадвал

2009-2011 ва 2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши, фоизда⁵

Ижрочи ташкилот гуруҳлари	2009-2011 йиллар	2012-2014 йиллар	2009-2011 йиллар		2012-2014 йиллар		2012-2014й й – 2009-2012йй фарқи	
	d_{i0}	d_{i1}	$(d_i - d_1)$	$(d_i - d_1)^2$	$(d_i - d_1)$	$(d_i - d_1)^2$	$(d_{i1} - d_{i0})$	$(d_{i1} - d_{i0})^2$
Тошкент тиббиёт академияси	10,5	7,9	6,5	42,25	3,9	15,21	-2,6	6,76
Тошкент педиатрия тиббиёт институти	4,6	4,7	0,6	0,36	0,7	0,49	0,1	0,01
Тошкент фармацевтика институти	2,1	2,4	-1,9	3,61	-1,6	2,56	0,3	0,09
Тошкент врачлар малака ошириш институти	4,0	3,4	0	0	-0,6	0,36	-0,6	0,36
Андижон Давлат тиббиёт институти	0,4	0,6	-3,6	12,96	-3,4	11,56	0,2	0,04
Самарқанд тиббиёт институти	1,0	0,6	-3	9	-3,4	11,56	-0,4	0,16
Бухоро тиббиёт институти	0,3	0,3	-3,7	13,69	-3,7	13,69	0	0
Республика Онкология Илмий Маркази	4,4	4,7	0,4	0,16	0,7	0,49	0,3	0,09
Л.М.Исаева номидаги	0,7	0,7	-3,3	10,89	-3,3	10,89	0	0

⁵Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

паразитология илмий тадқиқот институти								
Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ	4,7	5,3	0,7	0,49	1,3	1,69	0,6	0,36
Вирусология илмий текшириш институти	3,3	3,3	-0,7	0,49	-0,7	0,49	0	0
Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ	5,3	5,1	1,3	1,69	1,1	1,21	-0,2	0,04
Травматология ва ортопедия ИТИ	4,2	4,6	0,2	0,04	0,6	0,36	0,4	0,16
Гематология ва қон қуйиш ИТИ	6,7	7,0	2,7	7,29	3	9	0,3	0,09
Педиатрия РИИАТМ	6,6	6,4	2,6	6,76	2,4	5,76	-0,2	0,04
Акушерлик ва гинекология РИИАТМ	4,5	5,1	0,5	0,25	1,1	1,21	0,6	0,36
Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ	4,2	4,1	0,2	0,04	0,1	0,01	-0,1	0,01
Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ	3,3	3,6	-0,7	0,49	-0,4	0,16	0,3	0,09
Дерматология ва венерология РИИАТМ	3,2	4,0	-0,8	0,64	0	0	0,8	0,64
Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказ	3,3	3,1	-0,7	0,49	-0,9	0,81	-0,2	0,04
Республика ихтисослашган хирургия маркази	8,2	8,1	4,2	17,64	4,1	16,81	-0,1	0,01
Республика ихтисослашган кордиалогия маркази	5,6	6,9	1,6	2,56	2,9	8,41	1,3	1,69
Республика ихтисослашган урология маркази	0,4	0,4	-3,6	12,96	-3,6	12,96	0	0
Республика Шошилишч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази	6,9	6,6	2,9	8,41	2,6	6,76	-0,3	0,09
Республика неврохирургия маркази	1,6	1,3	-2,4	5,76	-2,7	7,29	-0,3	0,09
Жами	100	100	48,8	158,92	48,8	98	10,7	11,22

$$\bar{d} = \frac{\sum d_i}{6} = \frac{100}{6} = 16,7\%$$

$$2009 - 2011 \Delta d = \frac{48,8}{25} = 1,95\%, \delta_d = \sqrt{\frac{158,92}{25}} = 2,5\%, K_\Delta = \frac{1,95}{4} = 0,49, K_\delta = \frac{2,5}{4} = 0,63$$

$$2012 - 2014 \Delta d = \frac{48,8}{25} = 1,95\%, \delta_d = \sqrt{\frac{98}{25}} = 1,97\%, K_\Delta = \frac{1,95}{4} = 0,49, K_\delta = \frac{1,97}{4} = 0,49$$

$$2009 - 2011 / 2012 - 2014 \text{ фарк } \theta = \frac{10,7}{25} = 0,43\%, S = \sqrt{\frac{11,2}{25}} = 0,67\%,$$

$$K = \frac{0,43}{4} = 0,11, K_s = \frac{0,67}{4} = 0,17$$

Демак, 2009-2011 йилларда 2012-2014 йилга нисбатан соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиш тоифаси тузилишида деярлик ўзгариш бўлмаган.

Аналитик гуруҳлаш деб икки ва ундан ортиқ белгилар орасидаги ўзаро боғланишларни таърифловчи гуруҳлаш аталади. Қуйида 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳланган. 2012-2014 йилларда молиялаштириш суммаси ва ушбу тиббиёт муассасаларига қўйилган баллари ҳам гуруҳланган.

1.2.5-жадвал

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳлашжадвали⁶

Бирходимгамол иялаштирилган суммалари бўйича гуруҳлар, млн. сўм	Ижрочи ташкило тлар сони	Молиялаштирилган сумма, млн. сўм		Олган баллари, балл	
		Жами	Ўртача бир ташкilotга тўғрикелиш и	Жами	Ўртача бир ташкilotга тўғрикелиш и
1	2	3	4=3/2	5	6=5/2
8,8 – 17,76	3	35,6	11,87	3060	1020
17,76 – 26,72	4	96,1	24,03	11440	2860
26,72 – 35,68	7	212	30,29	39 363	5623,29
35,68 – 44,64	4	161,3	40,33	14550	3637,5
44,64 – 53,6	7	346,6	49,51	45590	6512,86
Жами	25	851,6	34,06	114003	4560,12

Демак, молиялаштириш суммаси ошган сари тиббиёт муассасаларининг олган баллари ҳам ошиб бормоқда. Лекин 35,68-44,64 млн. сўмга эга балган тиббиёт муассасаларининг олган баллари 26,72-35,68 млн. сўм бўлган тиббиёт муассасаларидан камлигини кўришимиз мумкин.

Аналитик гуруҳлашда икки тоифадаги белги иштирок этади: бири - омил белгилар, иккинчиси - натижавий белгилар. Натижавий белги деб бошқа белгилар таъсири остида ўзгараётган белги аталади, омил белги эса унга таъсир этаётган, уни ўзгаришига сабаб бўлаётган белги ёки белгилардир. Масалан, 1.2.5-жадвалда молиялаштириш суммаси омил белгидир, тиббиёт муассасалари олган баллар эса натижавий белги ҳисобланади. Белгиларни бундай икки тоифага ажратиш маълум боғланиш шароитига қараб бошқарилади. Бир шароитда омил белги ҳисобланган белгилар иккинчи шароитда натижавий белги бўлиши мумкин.

Аналитик гуруҳлаш одатда омил белги ёки белгилар асосида тузилади, ҳар қайси гуруҳ эса натижавий белгилар билан таърифланади. Аммо бундай гуруҳлашни натижавий белги (ёки белгилар) асосида ҳам бажариш мумкин. Бу

⁶Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

ҳолда айрим гуруҳлар учун омил белгиларнинг кўрсаткичлари (қийматлари) ҳисобланади. Бундай гуруҳлаш қандай омиллар таъсири остида натижавий белги шаклланаётгани, улар орасидан қайси омиллар устунроқ рол ўйнаётгани ва қайси бирлари салбий таъсир этаётганини кузатиш имконини беради. Аммо лекин натижавий белги асосида тузилган гуруҳлашлар барча омиллар ҳаракати ва таъсир кучи ҳақида тўғри маълумот берилмайди, чунки омиллар бевосита натижавий белгига таъсир этиши билан бир қаторда бир бирлари билан ҳам ўзаро боғлангандир, оқибатда ижобий омиллар таъсир кучи салбий омиллар ҳисобига қирқилиб сустлашади. Шунинг учун бундай гуруҳлашларни омил белгилар асосида гуруҳлашлар билан бирга олиб бориш керак.

1.3. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

Статистика соғлиқни сақлаш тизимидаги оммавий ҳодиса ва жараёнларни миқдоран сон шаклида ифодалайди. Аммо, статистикада ишлатиладиган “сонлар” математикадаги абстракт сонлар эмас. Агарда математикадаги сонлар умуман катта кичикликни, шаклларни белгилар орқали ифодаланиши бўлса ва улар бутун ва каср, мавҳум ва ҳақиқий, рационал ва ирроционал ва ҳ.к. сонлардан ташкил топса, соғлиқни сақлаш статистикасидаги қўлланиладиган “сонлар” бундай тартибдаги сонлар бўлмасдан, балки улар кўрсаткичлар, аниқроғи статистик кўрсаткичлардир.

Кўрсаткич сўзи қуйидаги луғавий маъноларга эга: 1) кўрсатиш учун хизмат қилувчи ёзув, ишора; 2) бирор нарсанинг ривож, даражаси, ишнинг бориши, бажарилиши ва шу кабиларни билдирувчи белги ёки нарса.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ифодаловчи кўрсаткичлар деб маълум вақт шароитида илмий-тадқиқот ва инновацион жараёнларнинг ҳолатини, ривожланишини, тузилишини, молиялаштиришини ва ўзаро боғланишларини ифодаловчи меъёрлар тушунилади.

Соғлиқни сақлаш тизимида кўрсаткичлар тизими деганда илмий-тадқиқот ва инновацион жараёнларнинг ҳамда уларнинг белгиларини ўзаро боғланишда акс эттирувчи бир-бири билан боғланган кўрсаткичлар мажмуаси тушунилади.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги статистик кўрсаткичлар 1-тиббиёт (йиллик) ҳисобот шаклида акс эттирилган. Масалан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар фаолияти тўғрисида 2016 йил учун ҳисоботи деб номланган.

Ушбу ҳисобот шакли 9 бўлимдан иборат бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

I бўлим. Шифохона муассасалари тармоғи ва фаолияти.

- Шифохона муассасалари- жами

улардан:

- республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари (филиалларни қўшган ҳолда);

- республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари(филиалларни қўшган ҳолда);

- республика илмий-тиббиёт марказлари;

- республика тиббиёт марказлари (вилоят перинатал марказларини қўшган ҳолда);

- республика кўп тармоқли шифохоналар;

- реабилитация марказлари стационарлари;

- олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари клиникалари;

- вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

- болалар учун вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

- вилоят шифохоналари;

шу жумладан болалар учун;

- марказий туман (шаҳар) шифохоналари;

- туман шифохоналари;

- қишлоқ участка шифохоналари;

- темир йўл транспортидаги шифохоналар;

- фуқаро авиацияси шифохоналари;

- госпиталь;
- ихтисослаштирилган шифохоналар;
- республика шошилинч тиббий ёрдам марказлари (филиалларни қўшган холда);

- диспансерлар (стационари мавжуд бўлгани);

Бундан ташқари:

- кундузги стационари мавжуд шифохоналар сони;
- туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибидаги шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари сони.

II бўлим. Амбулатор-поликлиникамуассасалари тармоғи ва фаолияти

Амбулатор-поликлиника муассасалари - жами

улардан:

- вилоят (шаҳар) тиббиёт диагностика марказлари;
- марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалар ;
- шаҳар поликлиникалари;

шу жумладан болалар учун;

- шаҳар болалар диагностика марказлари;
- тиббий санитария қисми;
- оилавий поликлиникалар;
- стоматологик поликлиникалар;

шу жумладан болалар учун;

- мустақил стоматологик кабинетлар;
- мустақил врачлик тиббиёт пунктлари;
- темир йўл ва ҳаво йўли транспортидаги поликлиникалар;
- қишлоқ врачлик пунктлари (шаҳар ва маҳалла врачлик пунктлари);
- поликлиника бўлимлари мавжуд диспансерлар;
- поликлиника бўлими мавжуд марказлар;
- поликлиника бўлимлари мавжуд стационар ва клиникалар;

Бундан ташқари:

- мустақил ва бошқа даволаш профилактика муассасалари таркибидаги акушер-гинекологик бўлимлар (кабинетлар);

- мустақил ва бошқа даволаш профилактика муассасалари таркибидаги болалар поликлиникалари (бўлимлар, кабинетлар);

- қишлоқ врачлик пунктларининг филиаллари;

- фельдшерлик тиббиёт пунктлари;

- кундузги стационари мавжуд амбулатор-поликлиника муассасалари сони;

- стоматологик бўлимлари (кабинетлари) мавжуд даволаш профилактика муассасалари;

- мустақил ва бошқа даволаш профилактика муассасалари таркибидаги тиш протезлаш бўлимлари (кабинетлари);

III бўлим. Бошқа тиббиёт муассасалари

- Давлат санитария-эпидемиологик назорат марказлари (ДСЭНМ) сони, бирлик;

- Дезинфекция станциялари сони, бирлик;

- Карантинли ва ўта хавфли юқимли касалликларни даволаш марказлари сони, бирлик;

- Санатория-курорт муассасалари сони, бирлик;

- Тез тиббий ёрдам станциялари (бўлимлари) сони, бирлик;

- Бажарилган чақириқлар сони, бирлик;

- Тиббий ёрдам кўрсатилган шахслар сони, киши.

IV бўлим. Тиббиёт ходимлари (ҳисобот даври охирига) (дипломдаги мутахассислиги ёки охирги олинган ихтисослиги бўйича (қайта тайёрланган тақдирда) жисмоний шахслар тўғрисида маълумотлар келтирилади)

Шифокорлар - жами (тиш шифокорларисиз);

- улардан аёллар

- терапевтлар (пульмонологлар, кардиологлар, ревматологлар, гастроэнтерологлар, нефрологлар, эндокринологлар, аллергологлар, иммунологлар, гематологлар, диетологлар, физиотерапевтлар, профпатологлар,

функционал ва ультратовушли диагностика бўйича терапевтлар, тез ёрдам шифокорлари, генетиклар, лаборант-генетиклар, трансфузиологлар, инфекционистларни қўшган холда);

- жисмоний тарбия ва спорт бўйича шифокорлар;

- жарроҳлар (болалар, юрак-қон томир, торакал жарроҳлари, нейрожарроҳлар, анестезиолог - реаниматологлар, травматологлар, ортопедлар, урологлар, эндоскопистлар, проктологларни қўшган холда);

- акушер-гинекологлар;

- педиатрлар (неонатологларни қўшган холда);

- офтальмологлар;

- отоларингологлар;

- фтизиатрлар;

- невропатологлар;

- психиатрлар (психотерапевтлар, сексопатологлар, гериатрларни қўшган холда);

- наркологлар;

- дерматовенерологлар;

- стоматологлар (стоматолог-терапевтлар, стоматолог-ортопедлар, стоматолог-ортодонтлар, юз-жағ жарроҳларини қўшган холда);

- санитария-эпидемиология гуруҳ шифокорлари (токсикологлар, бактриколог ва вирусологлар, эпидемиологлар, дезинфекционистлар, паразитологлар, санитария шифокорларини қўшган холда);

- рентгенологлар ва радиологлар;

- онкологлар;

- умумий амалиёт шифокорлари;

- бошқалар (ижтимоий гигиенистлар, паталогоанатомлар, суд-тиббиёт шифокорлар, лаборантлар, интернлар, ТМЭК шифокорлари, тиббиёт статистикаси шифокорларини қўшган холда);

- 401 сатрдан ҚВПда шифокорлар сони;

Ўрта тиббий ходимлар – жами

- олий ҳамширалик маълумоти бўлган ҳамширалар;
- тиш врачлари;
- фельдшерлар;
- санитария фельдшери;
- доялар;
- санитария врачлари ва эпидемиологлар ёрдамчиси;
- ҳамширалар;
- йўриқчи дезинфекторлар;
- лаборантлар (фельдшер-лаборантлар);
- тиш техниклари;
- оптометристлар;
- рентген-техниклари;
- рентген-лаборантлар;
- бошқалар.

V бўлим. Поликлиника фаолияти(ҳисобот даврида)

- Жами;
- шу жумладан қишлоқ жойларида.

VI бўлим. Аҳолининг касалликларга чалиниши (ҳисобот даврида)

Жами шахслар

улардаги касалликлар – жами;

шу жумладан;

-Айрим юқумли ва паразитар касалликлар;

- Янги пайдо бўлган ўсмалар;

улардан:

- хавфсиз ўсмалар;

- хавфли ўсмалар;

- Ички секреция безлари касалликлари, овқатланиш ва модда

алмашувининг бузилиши;

улардан:

- қалқонсимон без касалликлари;

- қанд касаллиги;
- семизлик;
- Қон ва қон яратиш аъзолари касалликлари, иммун механизмига алоқадор айрим бузилишлар;
- улардан камқонлик;
- Рухият ва хулқ-атвор бузилиши;
- улардан:
- наркологаик касалликлар;
- рухий бузилишлар;
- асаб тизими касалликлари;
- улардан болалар мия фалажи;
- кўз ва унинг қўшимталари касалликлари;
- қулоқ ва сўрғичсимон ўсимта касалликлари;
- қон айланиш тизими касалликлари;
- улардан:
- юқори қон босими билан кечадиган касалликлар;
- юрак ишемик касаллиги;
- нафас олиш аъзолари касалликлари;
- овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари;
- улардан ўт тош касаллиги;
- сийдик-таносил тизими касалликлари;
- улардан:
- сийдик-тош касаллиги;
- бочадон яраси ва этропион;
- ҳайз бузилиши;
- аёллар бепуштлиги;
- ҳомиладорлик, туғиш ва туққандан кейинги давр;
- тери ва тери ости тўқималари касалликлари;
- суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима касалликлари;

- туғма аномалиялар (ривожланиш нуқсонлари), деформация ва хромосом бузилишлар;

- перинатал даврда пайдо бўладиган айрим ҳолатлар;

- бошқа рукнларда таснифланмаган, клиник ва лаборатория тадқиқотларида аниқланган аломат, белги ҳамда меъёрдан чекинишлар;

- жароҳатланиш, заҳарланишлар ва айрим ташқи сабаблар билан боғлиқ асоратлар.

VII бўлим. Стационар фаолияти(ҳисобот даврида)

- Жами;

- шу жумладан ўринлар йўналишлари бўйича;

- терапевтик (кардиологик, кардиоревматологик, гастроэнтерологик, аллергологик, тикланадиган даволаниш, эндокринологик, гематологик, нефрологик, ревматологик, пульманологикларни қўшган ҳолда);

- жарроҳлик (нейрохирургик, торакал жарроҳлиги, кардиожарроҳлик, томирлар жарроҳлиги, травматологик, куйиш касаллиги, ортопедик, урологик, стоматологик, проктологик, йирингли жарроҳликни қўшган ҳолда);

- онкологик (радиологик ва рентгенологикларни қўшган ҳолда);

- гинекологик (аборт учун мўлжалланганларни қўшган ҳолда);

- сил касаллигига;

- инфекцион;

- офтальмологик;

- отоларингологик;

- дермато-венерологик;

- руҳий касалланганлар учун (психосоматикларни қўшган ҳолда);

- наркологик;

- неврологик;

- ҳомиладор ва туғадиганлар учун (ҳомиладорлик патологиясини қўшган ҳолда);

- педиатрик;

- умумий;

- бошқалар;

701 сатрдан:

- қишлоқ жойларида;

- шошилинч тиббий ёрдам марказлари (ШТЁ) (филиаллари);

- шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари (ШТЁ).

VIII бўлим. Жарроҳлик иши(ҳисобот даврида)

- Жами;

шу жумладан:

- қорин бўшлиғи аъзолари операциялари;

- кўриш аъзолари операциялари;

- кулок, томоқ, бурун аъзолари операциялари;

- чакка-юз операциялари;

- томир операциялари;

- аёллар жинсий аъзолари операциялари;

- улардан аёллар стерилизацияси операциялари;

- акушерлик операциялари;

- улардан:

- қисқич кўйиш;

- вакуумли экстракция;

- кесарев усулида кесиш (кичик қиндан ташқари);

- ҳомилани парчалайдиган операция;

- тери ва тери ости тўқимаси операциялари;

- стоматология операциялари;

- бошқа операциялар.

IX бўлим. Даволаш - ташҳис иши(ҳисобот даврида)

- Жами;

шу жумладан:

- рентген текширувлари;

- ультратовуш;

- эндоскопия;

- функционал ташҳис текширувлари;
- улардан ЭКГ;
- умумий клиник;
- гематология;
- биокимёвий;
- иммунология;
- цитология;
- серологик таҳлил;
- микробиология;
- жисмоний тарбия билан даволаш;
- игнарerefлекс даволаш;
- мануал терапия;
- гемодиализ;
- физиотерапия муолажалари;
- улардан уқалаш;
- лазер билан даволаш;
- компьютер томографияси;
- бошқалар;

Юқоридаги ҳисобот шаклини тўлдириш орқали соғлиқни салаш тизимидаги статистик кўрсаткичларнинг мутлоқ кўрсаткичлари йиғилади. Мутлоқ кўрсаткичлар ўрганилаётган ҳодисалар ва уларнинг белгиларини бир хиллигини, монандлигини, ўхшашлигини ифодалайди. Улар ҳодисалар ва уларнинг белгиларининг кўлами, сони, ҳажми, даражаси макон ва замонда тақсимланиш шаклида намоён бўлади. Мутлоқ миқдорлар ҳодисалар тўплами ёки бир бутун қисмини таърифлашига қараб макро ва микро кўрсаткичларга, олиш усулига асосан оқим ва заҳиравий кўрсаткичларга бўлинади. Оқим кўрсаткичлари маълум давр давомида содир бўлган ҳодисаларнинг абсолют миқдорини таърифлайди, заҳиравий кўрсаткичлар эса уларнинг муайян ҳолатини, айти фурсатда мавжуд бўлган миқдорини аниқлайди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги мутлоқ кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда келтирилган (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 1997-2016 йилларда айрим юқумли касалликларга чалиниши (касалланиш ҳолатлари сони, минг)⁷

Йиллар	Ўткир ичак касалликлари	Бактериал дизентерия	Юқумли сальмонелез	Ичтерлама ва А,В,С паративлар, ҳолатлари	Вирусли гепатит	Грипп, юқори ва қуйи нафас олиш йўллариининг ўткир инфекциялари	Терлама	Кўкйўтал ҳолатлари	Қизамиқ ҳолатлари
1997	84,6	9,8	2,7	0,4	143,4	1306,9	1,1	0,2	0,3
1998	70,7	8,7	2,1	0,3	57,9	1250,7	1,0	0,03	1,0
1999	57,9	7,4	1,7	0,3	38,5	992,3	0,8	0,05	1,2
2000	44,6	4,9	1,5	0,2	57,8	1035,3	0,5	0,07	0,07
2001	42,4	4,8	1,3	0,2	40,2	858,3	0,7	0,06	0,02
2002	40,0	4,8	1,5	0,1	33,4	802,1	0,9	0,08	0,03
2003	34,2	3,9	1,3	0,1	29,4	769,9	0,9	0,04	0,1
2004	33,2	3,5	1,2	0,1	37,7	679,8	0,8	0,04	0,1
2005	36,6	3,8	1,4	0,1	30,3	594,8	0,9	0,1	0,7
2006	35,5	3,4	1,6	0,1	29,9	560,2	0,9	0,1	0,9
2007	32,5	3,1	1,7	0,1	34,0	547,3	0,6	0,1	0,9
2008	33,4	2,9	1,4	0,1	32,2	513,4	0,4	0,03	0,0
2009	32,7	2,6	1,1	0,1	37,5	515,3	0,4	0,03	-
2010	33,8	2,9	1,3	0,1	36,4	332,5	0,5	0,03	0,1
2011	31,8	2,7	0,9	0,05	32,6	312,8	0,6	0,04	0,5
2012	33,2	2,3	0,8	0,05	29,5	340,4	0,5	0,06	-
2013	35,1	2,2	0,7	0,08	41,7	381,0	0,4	0,04	-
2014	38,2	1,9	0,8	0,02	37,9	372,1	0,4	0,07	0,005
2015	39,0	2,1	0,5	0,016	25,8	368,0	0,5	0,08	0,005
2016	37,5	1,6	0,7	-	38,1	436,3	0,5	0,1	-

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ўткир ичак касалликлари 1997 йилда 84,6 минг касалланиш ҳолатлари аниқланган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 37,5 минг касалланиш ҳолатлари рўйхатла олинган. яъни, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда 47,1 минг касалланиш ҳолатлари камайганлигини кўришимиз мумкин. 1997 йилда 9,8 минг бактериал дизентерия касалланиш ҳолатлари сони аниқланган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 1,6 ни ташкил қилган. Яъни, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда 8,2 минг касалланиш ҳолатлари камайганлигини кўришимиз мумкин. 1997 йилда юқумли сальмонелез 2,7 минг

⁷Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

камалланиш ҳолатлари аниқланган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 0,7 ни ташкил қилиб, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда 2 минг касалланиш ҳолатлари камайганлигини кўришимиз мумкин. 1997 йилда ичтерлама ва А,В,С паративлар, ҳолатлари сони 0,4 мингни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 0,016 мингни ташкил қилиб, 1997 йилга нисбатан 2015 йилда 0,348 мингга камайганлигини кўришимиз мумкин. 1997 йилда вирусли гепотет 143,4 мингни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 38,1 мингни ташкил қилиб, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда 103,3 мингга камайганлигини кўришимиз мумкин. 1997 йилда грипп, юқори ва қуйи нафас олиш йўллариининг ўткир инфекциялари 1306,9 мингни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 436,3 мингни ташкил қилиб, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда 870,6 мингга камайганлигини кўришимиз мумкин. 1997 йилда терлама 1,1 мингни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 0,5 мингни ташкил қилиб, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда 0,6 мингга камайганлигини кўришимиз мумкин. 1997 йилда кўкйўтал, ҳолатлар 0,2 мингни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 0,1 мингни ташкил қилиб, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда 0,1 мингга камайганлигини кўришимиз мумкин. 1997 йилда қизамиқ, ҳолатлар 0,3 мингни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 436,3 мингни ташкил қилиб, 1997 йилга нисбатан 2016 йилда ушбу касаллик билан мурожат қилганлар йўқлигини кўришимиз мумкин.

Мутлоқ миқдорлар ўрганилаётган воқелик қандай тезликда ривожланаётганлигини, унинг такрорланиш интенсивлигини аниқламайди. Бунинг учун нисбий миқдорлар қўлланади. Улар қиёсий таҳлилни чуқурлаштириш ва тафаккуримизни бойитиш учун хизмат қилади. Таққослаш статистик кўрсаткичларни шакллантиришнинг муҳим усулидир. У солиштирилаётган ҳодисалар ва белгиларнинг ўхшашлик томонлари ва фарқларини аниқлаш имконини беради. Таққослашнинг турли йўллари ва шакллари мавжуд.

Демак, таққослашлар турли миқдорларни (кўрсаткичларни) бир-бири билан айирма ёки нисбат шаклида солиштиришни билдиради, яъни:

$$\Delta = K_1 - K_0$$

$$T = K_1 / K_0$$

Бу ерда:

K_1 - таққосланувчи кўрсаткич;

K_0 -таққословчи кўрсаткич;

Δ - айириш натижасида олинган янги кўрсаткич;

T -бўлиш натижасида олинган янги кўрсаткич.

Айирмалар шаклидаги таққослаш натижаси (Δ) номли кўрсаткич бўлиб, у ўрганилаётган ҳодиса миқдорлари ўлчов бирлигида ифодаланади. У бир ҳодиса иккинчисига нисбатан мутлоқ ўлчамда қанчага катта-кичиклигини белгилайди. Нисбий таққослаш натижаси (T) номсиз (абстракт мавҳум) кўрсаткич бўлиб, ҳодисанинг сифат моҳиятини назардан соқит қилади. У жараён тезлигини, интенсивлигини акс эттиради. Бундай тартибдаги таққослаш натижалари нисбий статистик кўрсаткичлар деб аталади. Бу ҳолда таққосланувчи (бўлинувчи) кўрсаткич (K_1) жорий миқдор, таққословчи (бўлувчи) кўрсаткич (K_0)эса заминий миқдор деб номланади.

Нисбий кўрсаткичлар ҳар хил шаклларда ифодаланади.

Нисбий кўрсаткичларни турли тартибда таққослаш йўли билан олиш мумкин.

Биринчи тартибли таққослашларда бевосита ҳодисалар, уларнинг белги қийматлари таққосланган бўлса, иккинчи тартибли таққослашлар биринчи тартибли таққослаш натижаларига асосланади, яъни бу ҳолда улар бир-бири билан солиштирилади. Иккинчи тартибли таққослашлар натижасида вужудга келадиган нисбий кўрсаткичлар оммавий ҳодиса ривожланиш жараёнларининг янги қирраларини очиш, таҳлилни чуқурлаштириб воқеликнинг ич-ичидаги мунособатларни ўрганиш учун хизмат қилади.

Нисбий миқдорларнинг мазмуни, яъни воқеликнинг қандай томонини таърифлаши ва ҳисоблаш усулига қараб уларни қуйидаги тасниф гуруҳларига ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ нисбий кўрсаткичлари мураккаб объект ёки тўпламнинг тузилиши ва унинг фарқларини умумлаштириб таърифлайди. Тузилиш нисбий миқдорлари айрим унсур (қисм)ларнинг умумий тўпламдаги (мураккаб объект ҳажмидаги) салмоғи ёки ҳиссаси қандай эканлигини аниқлайди. Бунинг учун айрим унсур (қисм) ҳажми умумий тўплам ҳажми билан таққосланади, яъни:

$$S_i = n_i / \sum n_i \text{ Бухолда } \sum S_i = 1.$$

Тузилиш ва унинг фарқларини таърифловчи кўрсаткичлар қаторига қуйидаги ларҳамкиради:

а) координация нисбий миқдорлари: улар айрим унсур (қисм)ларнинг бири-бирига нисбатини таърифлайди, яъни:

$$K_i = n_i / n_{i-1} = S_i / S_{i-1}$$

K_i - координация нисбий миқдорлари (бир унсурни иккинчисига нисбати);

б) тўплам тузилишининг мураккаблик даражасини, ҳиссаларнинг нотекислик даражасини таърифловчи ўртача абсолют ва ўртача квадратик тафовут кўрсаткичлари ҳамда уларнинг нисбий кўрсаткичлари, яъни:

$$d_i = \sum (S_i - \bar{S}_i) / \bar{N}; \quad \sigma_s = \sqrt{\sum (S_i - \bar{S}_i)^2 / N};$$

$$d_{ds} = d_s / S_0; \quad V_{ds} = d_s / S;$$

Бу ерда:

d_s - ҳиссаларнинг ўртача абсолют тафовути.

σ_s - ҳиссаларнинг ўртача квадратик тафовутлари.

V_{ds} - ўртача абсолют тафовутнинг нисбий кўрсаткичи.

V_{Gs} - ўртача квадратик тафовутнинг нисбий кўрсаткичи.

\bar{S}_i - ўртача ҳисса даражаси, яъни $\bar{S}_i = \sum S_i / N$

N - тўплам ҳажми, яъни $N = \sum n_i$;

в) икки тўплам тузилишидаги фарқларни умумлаштириб таърифловчи кўрсаткичлар, масалан

$$\bar{K}_{sA-sB} = \sqrt{\sum (S_{iA} - S_{iB})^2 / \sum (S_{iA}^2 + S_{iB}^2)};$$

Бу ерда: S_{iA} - А тўпламдаги айрим унсур (бўлак)лар ҳиссаси;

S_{iB} - Б тўпламдаги айрим унсур (бўлак)лар ҳиссаси.

Нисбий кўрсаткичларнинг иккинчи гуруҳи ўрганилаётган ҳодиса ва жараённинг динамикасини, вақт бўйича ўзгаришини таърифлайди. Улар жорий даврдаги ҳодиса кўрсаткичини ўтган даврдаги миқдорига бўлиши йўли билан аниқланади ва одатда фоизда ҳисобланиб, ўсиш суръатлари деб аталади. Агар даврлар сони уч ва ундан ортиқ бўлса, уларни ҳисоблаётганда таққослаш асосини ўзгармас ёки ўзгарувчан кўринишда олиш мумкин. Биринчи ҳолда ҳамма даврлар кўрсаткичлари бир давр (заминий давр), масалан, бошланғич давр кўрсаткичи билан таққосланади. Олинган натижалар заминий ўсиш суръатлари деб номланади. Иккинчи ҳолда ҳар бир кейин келадиган давр кўрсаткич ўзидан олдинги давр кўрсаткичи билан солиштирилади. Олинган нисбий миқдорлар занжирсимон ўсиш суръатлари деб аталади. Агарда таққосланувчи давр кўрсаткичини $-Y_i$, бошланғич давр кўрсаткичини $-Y_0$ ва олдинги давр кўрсаткичини $-Y_{i-1}$ деб белгиласак, у ҳолда занжирсимон ўсиш суръати ($T_{зан}$)

$$T_{зан} = Y_i * 100 / Y_{i-1}$$

заминий ўсиш суръати ($T_{зам}$) эса

$$T_{зам} = Y_i * 100 / Y_0$$

Ўрганилаётган ҳодисалар динамикасини таърифловчи нисбий кўрсаткичлар гуруҳига ўсиш суръатларидан ташқари яна кўшимча ўсиш суръатлари, Тренд тенгламаларининг кўрсаткичлари (озод ҳадлар ва регрессия ва корреляция коэффицентлари), динамикада тебранувчанлик ва барқарорлик кўрсаткичлари, динамик индекслар ва ҳ.к. киради.

Нисбий миқдорларнинг учинчи гуруҳи ҳодисалар орасидаги ўзаро боғланишларни ёки ҳамда ҳодисанинг омил (сабаб) белгилари билан натижавий (оқибат) белгилар ўртасидаги боғланишларни таърифлайди. Улар, масалан, соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши билан уларда иштирок этаётган ходимлар сони боғланишларни тавсифлайди.

Юқоридаги фикрларимизни қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз (1.3.2-жадвал).

1.3.2-жадвал

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши ва ходимлар сони, фоизда⁸

№№	Ижрочи ташкилот ном	Молиялаштирилган маблағи	Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар
1	Тошкент тиббиёт академияси	7,9	10,0
2	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	4,7	6,3
3	Тошкент фармацевтика институти	2,4	3,0
4	Тошкент врачлар малака ошириш институти	3,4	4,5
5	Андижон Давлат тиббиёт институти	0,6	1,2
6	Самарқанд тиббиёт институти	0,6	0,9
7	Бухоротиббиёт институти	0,3	1,3
8	Республика Онкология Илмий Маркази	4,7	3,6
9	Л.М.Исаева номидаги паразитология илмий тадқиқот институти	0,7	2,3
10	Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар ИТИ	5,3	4,7
11	Вирисология илмий текшириш институти	3,3	3,0
12	Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ	5,1	5,1
13	Травматология ва ортопедия ИТИ	4,6	3,2
14	Гематология ва қон қуйиш ИТИ	7,0	4,7
15	Педиатрия РИИАТМ	6,4	7,8
16	Акушерлик ва гинекология РИИАТМ	5,1	4,0
17	Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ	4,1	3,8
18	Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ	3,6	3,0
19	Дерматология ва венерология РИИАТМ	4,0	5,2
20	Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказ	3,1	2,1
21	Республика ихтисослашган хирургия маркази	8,1	5,5
22	Республика ихтисослашган кордиология маркази	6,9	5,2
23	Республика ихтисослашган урология маркази	0,4	0,4
24	Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази	6,6	7,0
25	Республика неврохирургия маркази	1,3	2,3
	ЖАМИ:	100,0	100,0

⁸Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

Нисбий кўрсаткичларнинг яна бир катта гуруҳи ҳодиса ва жараёнларни фазода олиб таққослаш натижалари бўлиб, турли мамлакатлар, минтакалар, маъмурий-ҳудудий бўлинмалар, ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар ва объектларга тегишли мазмундош статистик кўрсаткичларнинг ўзаро нисбатларини тавсифлайди. Мазкур гуруҳ кўрсаткичларини қисқача қилиб фазовий (ҳудудий) таққослаш нисбий кўрсаткичлари деб аташ мумкин.

Нисбий кўрсаткичларни бошқа гуруҳи бир объект (ҳодиса) га тегишли турли белгиларнинг ўзаро нисбатларини таърифлайди. Одатда улар интенсивлик нисбий кўрсаткичлари деб юритилади ва ўрганилаётган объектларнинг иккиламчи белгиларини умумлаштиради. Айрим ҳолларда бу белгиларни сифат белгилари деб ҳам аташади. Меҳнат унумдорлиги даражаси, иқтисодий ўсиш даражаси, аҳоли зичлиги, моддий ва табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги (маҳсулдорлиги) ва ҳоказо сифат белгиларини ўлчаш учун тўғри ва тесқари кўрсаткичлардан фойдаланамиз.

Ва ниҳоят, нисбий кўрсаткичларнинг алоҳида гуруҳини соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш жараёнларини олдинги йилларга нисбатан қандай ошганини кўрсатиб беришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

II боб. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

2.1. Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг ҳозирги ҳолати

Жамияттаракқиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир жамият аъзосининг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналганлиги билан ҳам ўлчанади. Шу мақсадда Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ижтимоий сиёсат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Иқтисодий ислоҳотлар кечган йиллар мобайнида мамлакатимиз ҳукумати ҳалқаро кузатувлар ва ҳалқаро молия институтлари экспертлари томонидан давлатнинг иқтисодга ўта аралашувчанлиги нуқтаи назаридан баъзан танқид қилиб келинди. Иккинчи томондан, бир қанча таниқли ҳалқаро экспертлар ва институтлар миллий ҳукумат танлаган бозор иқтисодиётига ўтиш моделини қўллаб-қувватлашди.

Соғлиқни сақлаш миллий ҳисоблари (ССМХ) – соғлиқни сақлаш тизимида давлат маблағларини, нодавлат маблағларини ва ташқи дунё маблағларини ўз ичига олувчи молиявий оқимларни кузатиб бориш учун маълумотларни йиғиш ва таснифлашни аниқлаш бўйича дунё миқёсидаги стандартдир.

ССМХ деганда, мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги молиявий оқимларини доимий, ҳар томонлама изчиллик билан олиб бориладиган мониторингги тушунилади. У соғлиқни сақлаш соҳасида самарали сиёсатни юритиш тўғрисидаги ҳаққоний маълумотларни олиш имконини берувчи махсус ишлаб чиқилган восита ҳисобланади. Бу ҳисоблар соғлиқни сақлаш тизимида мазкур сиёсатни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва тартибга солиб туришда ҳамда ўтказиладиган тадбирлар мониторингини юритиш ва баҳолашда ёрдам беради.

ССМХ аҳоли соғлигини сақлаш заруратининг барча даражаларида – давлат даражасидан тортиб, токи мамлакат фуқароси даражасигача молиявий

маблағлар шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг тўлиқ ва ҳақиқий таҳлилини ўтказишни таъминлайди.

ССМХ асосида раҳбарлар соғлиқни сақлаш соҳасида бўлаётган жараёнларни характерлайдиган аниқ маълумотларга таяниб, тизим фаолиятини яхшилаш учун самарали қарорларни қабул қилишлари мумкин. ССМХни ишлаб чиқишдан асосий мақсад соғлиқни сақлаш тизимида мавжуд муаммовий аниқ масалалар ечимини топишдир. Улар ёрдамида мунтазам равишда соғлиқни сақлашдаги ҳисоб-китоблар таъминланади ва харажатлар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлиб турилади. Улар қанча харажат қилинган, қаерда, нима учун ва ким учун харажатлар вақт ўтиши билан қандай кўринишда ўзгаради ва ўхшаш шароитдаги мамлакатлар харажатлари билан солиштиришга имконият яратилади.

ССМХ асосий жадвалларидаги маълумотлар билан реал демографик кўрсаткичлар (касалланиш, ўлим сони, туғилиш ва бошқалар)ни таққослаб, жуда ҳам фойдали бўлган ахборот – молиявий оқимларнинг самарали тақсимоти ва улардан фойдаланишни сифатли ҳамда миқдорий баҳолашга эришиш мумкин.

ССМХ асосида ва уларни аналитик қайта ишлаш натижасида шаклланадиган ахборот, тиббий ёрдам ташкилотларининг барча бошқарув бўғинлари бўйича ва унинг ҳар бир кўриниши бўйича илмий асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун жуда муҳим.

ССМХнинг доимий равишда амалиётга киритилиши, унинг ёрдамида харажатлар тенденцияларини кузатиш, молиялаштиришнинг серхаражат йўналишларини аниқлаш, шунингдек, ижтимоий-муҳим йўналишлар бўйича пул маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин. Ўз вақтида олинган сифатли ва объектив маълумот, уни эпидемиологик, демографик маълумотлар билан бирга таҳлил қилиш – соғлиқни сақлаш тизимини баҳолаш ва мониторингини юритишда асосий элемент ҳисобланади.

Ўзбекистонда ССМХ 2005 йилдан бошланган, 2010 йилдан жорий этишнинг интенсив босқичида таснифлагичлар ва ҳисоботларнинг ихтисослаштирилган шакллари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш миллий ҳисобларини киритиш бўйича ишчи гуруҳни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши асосида мамлакатда ССМХ ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича Давлат статистика қўмитаси раҳбарлигида идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ишчи гуруҳ таркибига соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва статистик ахборотни йиғишда иштирок этувчи асосий вазирликлар, жумладан, Молия, Иқтисодиёт, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликларидан вакиллар киритилди.

ССМХни институтционаллаштиришга қўмаклашиш учун "Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш миллий ҳисоблари тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ҳаракат Дастури" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Соғлиқни сақлаш ҳисобларининг халқаро классификацияси (ССХХК) қўлланмасига мувофиқ ССМХ асосий классификацион категорияларининг таққослама таҳлилий жадваллари тузилди. Худудлар кесимида республика бўйича соғлиқни сақлаш йўналишидаги нодавлат сектори муассасалари регистри маълумотларининг дастлабки таҳлили ўтказилди.

2015 йил август ойида ишчи гуруҳ томонидан соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғига асосан соғлиқни сақлаш соҳасида илмий фаолият олиб бораётган бир қатор институтлар, илмий марказлар иш фаолияти юзасидан мониторинг олиб борилди.

Мониторинг натижалари орқали шу нарса аниқландики, тиббий-илмий марказларда қуйидаги илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Нейрохирургия Республика илмий маркази. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси билан 1997 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №583 Қарорига биноан нейрохирургия Илмий Маркази ташкиллаштирилди.

Илмий Марказ таркибида турли бўлим ва лабораториялар ташкил этилган, буларга: поликлиник-диагностика бўлими, нейроонкология бўлими, бош суяк-мия бирикуви бўлими, умуртка-орқа мия патологияси бўлими, марказий асаб тизими томирлари патологияси бўлими, функционал ва эндоскопик нейрохирургия бўлими, болалар нейрохирургияси бўлими, шунингдек нейроанестезиология ва нейрореанимация бўлимлари.

Марказнинг 450 та ходимлари орасида 5 нафар фандокторлари, профессорлар, 17 та фан номзодлари фаолият юритади. Шифокорларларнинг аксарияти олий маълумотли, юқори малакали шифокорлардир.

Илмий Марказ ва кафедра ходимлари охириги йилларда 22 та монография, 650 та илмий ишлар, 34 та услубий тавсиялар, 40 дан ортиқ рационализатор таклиф ва патентларини чоп этдилар.

Республика онкология илмий маркази. Республика онкология илмий Маркази РОИМ ЎзССВ 1962 йилда онкология ва радиология бўйича ўзбек илмий-тадқиқот институти (АН РЎз) сифатида ташкил топган. 2000 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлигининг Республика онкология илмий маркази (РОИМ) сифатида фаолият юритади.

РОИМ ЎзССВ нинг асосий вазифаларидан бири – клиник радиология ва онкология бўйича ординатор, магистр, стажёр-тадқиқотчиларни тайёрлаш бўйича асосий ўқув базани тайёрлаш ҳисобланади.

РОИМ ЎзССВ асосида 14.00.14 рақами остидаги “Онкология” ва 14.00.19 рақами остидаги “Нурли диагностика, нурли терапия” мутахассисликлари бўйича докторлик ва номзодлик илмий ишларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш ташкил этилган. 2001 йилдан бери ушбу кенгаш 94 та диссертация ишларини, улардан 14 таси докторлик, 80 таси номзодлик илмий ишларини кўриб чиқди. Бугунги кунда РОИМ ЎзССВ да 18 та тиббиёт фанлари докторлари, улардан 6 таси профессорлар, 55 та тиббиёт фанлари номзодлари фаолият кўрсатмоқда.

Марказнинг илмий фаолияти жуда кенг кўламли бўлиб, у назарий, экспериментал ва клиник бўлимларни ўз ичига олади. Барча илмий тадқиқотлар

замонавий асбоб-ускуналар, компьютер техникалари билан таъминланган бўлиб, тўғри ташкиллаштирилган хизмат юқори малакали жамоа билан амалга оширилади ва бу жараён РОИМ ЎзССВ директори-профессор С.Н.Наврұзовнинг раҳбарлиги остида Илмий Кенгаш томонидан назорат қилинади.

Охирги йилларда РОИМ ЎзССВ нинг клиник бўлинмалари қўйидаги ютуқларга эришди:

- гастрэктомиянинг кенгайишидан сўнг ингичка ичакда бир дақиқали резервуарнинг ҳосил бўлиши (Патент рақами №IAP20070260);

- аналь йўли саратонида тўғри ичакни операция қилишдан кейин неосфинктеранинг юзага келиши;

- онкологияда органсақловчи операциянинг олиб борилишида гармон ва онкомаркерларнингасосли тарзда илмий қўлланилиши;

- кўкрак саратонида мастэктомиядан кейин пластик операциянинг олиб борилиши;

- бўйрак саратонида органсақловчи операциянинг олиб борилиши;

- қовуқ саратонида цистэктомия дан кейин сунъий қовуқни ташкиллаштириш бўйича операция олиб борилиши;

- абдомин-цервикал экстирпациясидан кейин қизилўнгач саратонида эзофаго-еюно анастомозасининг янги усулларида фойдаланиш (Патент рақами № 20050156);

Онкоторакал бўлими илмий раҳбари профессор Н.Ф.Кротов томонидан видеоторакоскопик операциясининг ўтказилиши;

- суяк-томирлари ўсмалари пайдо бўлганда янги турдаги эндопротезларнинг ташкил этилиши ва органсақловчи операциянинг олиб борилиши.

Онкологиянинг назарий омиллари ва уни тажрибадан ўтказиш бўйича илмий ютуқлар:

- канцерогенез лабораторияси ва саратоннинг биринчи профилактикаси

Бугунги кунда Г.В Киреева раҳбарлигида лаборатория “Ўзбекистонда ошқазон, қизилўнгач ва ўпка раклари бўйича чора- тадбирлар тизимини ўрганиш ва ишлаб чиқиш” мавзусидаги ИТСС-9-5 грантини амалга ошириш бўйича, 2009-2011 йиллар давомида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш Республика илмий маркази. Шошилинч ёрдам кўрсатиш хизмати (ШЁКХ), мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимида ташкил этилган етакчи, мустақил тузилма ҳисобланиб, 1998 йилнинг 10 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПҚ-2107 Қарорига мувофиқ барпо этилди ва 2011 йилда ўз фаолиятини бошлади.

Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш Республика илмий марказининг илмий фаолияти янги, самарали профилактика технологиясини, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш диагностикаси ва даъвоси бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради, ҳамда уларни соғлиқни сақлаш амалиётида жорий этади.

2001 йилдан бери ШЁКРИМда клиник ординатура, 2005 йилдан бери аспирантура ва докторантура орқали мутахассисларни тайёрлаш ишлари олиб борилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг долзар муаммолари бўйича 25 та аспирант, 3 та докторант ўз ишларини якунладилар.

Вирусология илмий-текшириш институти. Вирусология илмий-текшириш институти 1978 йил 27 декабрда СССР Фанлар академияси Вирусология институти филиали сифатида ташкил топган.

Институтнинг асосий йўналиши вирусология соҳасида илмий-методик ва координацион фаолиятни амалга ошириш, аҳолига вирусли инфекция касалликлари бўйича ташҳис қўйиш, даволаш ва профилактика ишларида юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Институт томонидан қуйидагилар ташкиллаштирилган:

- 2009 йил 15-16 сентябр, Тошкент ш., “Инфекцион ва паразитли касалликларнинг диагностика, даволаш ва профилактикасининг долзарб муаммолари” V-халқаро Илмий-амалий конференцияси.

- 2010 йил 21-22 сентябр, “Инфекцион касалликларнинг долзарб муаммолари ” Илмий-амалий конференцияси.

Вирусология илмий-тадқиқот институти ходимларининг илмий тадқиқот ишларининг натижалари бир қатор халқаро конгресс ва конференцияларида маъруза қилинган (2009 й. Германияда, 2010 й. Туркияда, 2010 й. Японияда ва ХХР).

Санитария, гигиена ва профессионал касалликлар илмий-тадқиқот институти. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлигининг Санитария, гигиена ва профессионал касалликлар илмий-тадқиқот институти 1934 йил 16 июлда Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Кенгашиининг № 685 фармониға мувофиқ ташкил этилган.

Институтнинг асосий вазифалари гигиенанинг турли йўналишларида, жумладан пестицид ва минерал ўғитларнинг гигиена ва токсикологияси; болалар ва ўсмирлар гигиенаси; коммунал гигиена; меҳнат ва касбий касалликлар гигиенаси; озиқ-овқат гигиенаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

Институтнинг илмий бўлими тузилмасида 12 та йўналишли лабораториялар мавжуд; Клиника тузилмасида 100 койкали стационар бўлиб, бир йилда 33000 та беморлар даволанадиган диспансер бўлими ташкиллаштирилган. Бундан ташқари 3 та лаборатория ва дорихоналар фаолият кўрсатади. Институтда жами 231 нафар ходим ишлайди, улардан 45 нафари илмий ходимлар, 33 нафари шахсий шифокорлар, жумладан 7 нафари фан докторлари, 21 нафари фан номзодлари, 17 нафари олий тоифали шифокорлар ва 7-нафари биринчи тоифали шифокорлар ҳисобланади.

Лабораториянинг асосий илмий йўналиши - яшаш жойлар, жамоатчилик бинолар планировкасидаги гигиеник ҳолатларни текширишга қаратилган бўлиб, бунда яшаш ва умум яшаш жойларини маданий-маиший, спорт, даволаш-профилактик шароитларини ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштиришга қаратилган. Саноат токсикологияси ва меҳнат гигиенаси лабораториясининг илмий йўналиши - янги саноат кимёвий моддаларининг токсик хавфлилигини гигиеник баҳолашга қаратилган. Саноат муҳитининг зарарлилик ва хавфлилик даражасини текшириш мақсадида турли касб

гурухларининг меҳнат шароитларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Жисмоний омиллар лабораториясида организмга саноат ишлаб чиқаришнинг салбий омилларининг таъсири хусусияти ва даражасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилади. Инфратовуш, овоз, вибрация, электр майдонлари, электромагнит майдонлари, радио ва саноат частоталарининг меъёрий ҳажмлари ишлаб чиқилди.

Пестицидлар, ўғитлар таксикологияси ва гигиенасининг асосий фаолияти атроф-муҳит объектларида янги пестицидларни ва уларни регламентга солиш жараёнларини ўрганиш бўйича гигиеник-токсикологик тадқиқотларини ўтказишдан иборат. Заҳарли моддаларнинг таҳлилий кимё лабораториясида газли суюқликлар, юпқа қатламли, хроматографик услублар таҳлили ҳавода, сув, ер ва озиқ-овқат маҳсулотларидаги кимёвий моддаларнинг миқдорини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

Овқатланиш гигиенаси лабораториясида саноат, идорлар ва давлат даражасида озиқ овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлик менежменти тизимини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси лабораториясида санитар-гигиеник мезонларнинг, тарбия, таълим ва жисмоний меҳнатга таъсирлари; ўсаётган организмга экологик гигиеник, тиббий-биологик, ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

Институтдаги илмий тадқиқотлар атроф-муҳитнинг зарарли омилларини гигиеник меъёрлаш қоидалари, услубларини асослаш, шунингдек саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига ижобий таъсир кўрсатувчи шароитлар яратиш, шунингдек инсон ҳаёти тарзи, озиқ овқати ва маиший ҳаётига, шунингдек болаларни ўраб турган муҳитга эътибор қаратиш мақсадида олиб борилади.

1990-2011 йилларда институтда қўйидагилар ишлаб чиқилди ва нашр қилинди:

- 77 та монографиялар, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланма ва брошюралар;

- 129 та санитар қоидалар, расмий қурилиш меъёрлари;
- 315 та услубий ва гигиеник тавсияномалар ва кўрсатмалар.

Бундан ташқари 7 та патент олинди, (жумладан 2 таси Ўзбекистоннинг истиқболли кашфиётлари тўпламини ўз ичига олган), охириги 3 йил ичида патент олиш учун 4 та ариза топширилди.

Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти.

Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти 1932 йилда ташкил топган. Мустақиллик даврида институт илмий-амалий конференциялар, семинаралар, услубий қўлланма ва монографияларни чоп этиш, очиқ операциялар ўтказиш орқали травматология ва ортопедияга оид касалликларига ташхис қўйишда ва уларни даъволашда янги услубларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўпроқ эътибор қаратилди. Охириги 20 йил ичида Ўзбекистон травматолог-ортопедлар учун 7 та амалий конференция ва 3 съезд ўтказилди.

Ҳозирда институтда 7 нафар фан докторлари ва 35 нафар фан номзодлари фаолият юритади. Институт клиникасида 27 нафар олий тоифали шифокорлар ишлайди.

Мустақиллик йилларида ТО ИТИ (НИИТО МЗ РУз) ходимлари томонидан 8 та монография нашр этилиб, 100 дан ортиқ брошюра ва услубий тавсияномалар чоп этилди, 80 дан ортиқ фойдали моделлар ва тадқиқотлар учун патентлар олинди, 5 нафар фан докторлари ва 36 нафар фан номзодлари тайёрланди.

Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти. Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти 1961 йилда, Ўзбекистон Иттифоқ Республикалари Вазирлар Кенгашининг 1959 йил 7 декабрдаги № 900 рақамли Қарори ва 1961 йил 29 октябрда Ўзбекистон Иттифоқ Республикалари Вазирлар Кенгашининг № 1777-Р. Фармонига мувофиқ ташкил этилган.

Институт - Ўзбекистон Республикасида эпидемиология, микробиология, инфекция ва паразитар касалликлари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни мувофиқлаштириш маркази ҳисобланади.

Институт ўлкадаги болалар ва TORCH инфекциялари, паразит касалликларини бошқарувчи холера, бруцеллеза, дизентерия кўринишидаги, алоҳида шигеллэз, сальмонеллезлар, қорин тифининг эпидемиология, этиология, патогенеза, клиника, диагностика, даъволаш ва профилактикаси хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади.

Илмий тадқиқотлардан олинган натижалар юқумли ва паразитар касалликларни даволашда ва унга ташҳис қўйишдаги янгича ёндошувларни амалиётга татбиқ этмоқда.

Республика Она ва бола скрининг маркази. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногирон болалар туғилишини барвақт олдини олиш мақсадида янги туғилган болаларда ва ҳомиладор аёлларда туғма патологиянинг юзага келиш сабабларини аниқловчи «Она ва бола Скрининги» Давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 01.04.1998 йилдаги 140-сонли Қарорига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикасида тиббий-генетикани келажакда ривожлантириш тўғрисида”ги 07.07.1998 йилдаги 334/117-сонли Қарорига мувофиқ ташкил этилган. Мазкур Қарор ижроси 1998 йилда “Соғлом авлод учун” Халқаро Нодавлат Хайрия Жамғармаси томонидан амалга оширилди. Ушбу жамғарма кўмагида ирсий касалликларга эга бўлган болаларда ақлий заифликнинг ривожланишини олдини олиш борасида ҳамда ҳомиланинг юрак илллати билан туғилиш эҳтимолини аниқлаш мақсадида ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Оилада тиббий маданиятни, аёллар соғлиғини, соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланишини ривожлантириш каби муҳим йўналишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги” 05.07.2002 йилдаги 242-сонли Қарорига мувофиқ 2003 йилдан-2007 йил қадар “Она ва бола скрининги” Давлат дастурининг иккинчи босқичи амалга оширилди.

Республика патологик анатомия маркази. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1989 йил 21

апрелдаги «Республика патологик анатомия марказини ташкил қилиш тўғрисида» ги (РПАМ) № 454 буйругига асосан ташкил этилди.

Марказнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- 1) «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш» буйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;
- 2) Шифокорлик фаолиятида тажрибалар ўтказиш;
- 3) Патологик анатомия соҳа мутахассисларининг малакаларини ошириш.

Директор: М.С Абдуллахужаев - тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎзР Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистон Қаҳрамони. Марказда 25 нафар шифокор фаолият олиб боради, булардан: 1 нафари академик, 2 нафари профессор, 8 нафари тиббиёт фанлари номзоди, 8 нафари олий тоифали шифокор ва 4 нафар I- тоифали шифокорлардир.

Нашрлар: 29 та услубий тавсия, 12 та монография, 7 та китоб, 328 та мақола, 568 та тезис, 16 та патент.

Республика перенатал маркази. ЎзР ССВ Республика перенатал маркази 2002 йилда ҳомиладор ва янги туғган аёллар ва уларнинг чақалоқларига юқори малакали ёрдам кўрсатиш мақсадидаташкил этилган. Ушбу марказда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидан келган беморлар даволанади.

РПМ жамоаси эндигина 9 ёшни қарши олди. Шундай бўлсада, жамоа жуда салоҳиятли. У ерда ҳаммаси бўлиб, 65нафар шифокор фаолият юритиб, улар орасида: акушер гинекологлар, реониматолог-анестезиологлар, неонатал-реониматологлар, неонатологлар, неонатал-жарроҳлар, шифокор-лаборантлар, 2 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 12 нафари тиббиёт фанлари номзодлари мавжуд.

РПМ халқаро экспертлар иштирокида перенатология бўйича барча ҳудудлардаги мутахассис ва ходимларни мунтазам тайёрлаб боровчи таълим тизимининг ягона миллий маркази ҳисобланади. Ҳозиргача бу ерда 1500 дан ортиқ тиббиёт ходимлари таълим олишган.

Республика СПИД га қарши кураш маркази. Ўзбекистон Республикасида илк бора Вазирлар Маҳкамасининг 1987 йил 13 августда №1124 буйруғига асосан Тошкент шаҳрида Республика СПИД ташҳис маркази ва Самарқанд шаҳрида ташҳис лабораторияси ташкил этилди. 1988 йилдан бошлаб Республикаимизнинг барча маъмурий ҳудудларида СПИД ташҳис лабораториялари очилди.

1989 йилдан бошлаб марказ Республика СПИДга қарши кураш номи билан юритила бошлади.

Марказининг илмий салоҳияти қўйидагилардан иборат: 1- профессор, 3-фан доктори, 1- доцент, 7- тиббиёт фанлари номзоди.

2010 йилда Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ОИВ/ОИТСнинг тарқалишига қарши кураш тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Қарорига мувофиқ СПИДга қарши кураш Республика маркази таркибида илмий бўлим ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №350 рақамли Қарорига мувофиқ ОИВ/ОИТС бўйича илмий тадқиқот ишларини кўриб чиқувчи ва тасдиқловчи илмий-техник Кенгаш ташкил этилди.

Ушбу Кенгаш тасдиқланган муддатдан бошлаб, тиббиёт фанлари доктори унвонини олиш учун 2 нафар, тиббий фанлари номзодлигини олиш учун 5 нафар тадқиқотчиларнинг илмий иши тасдиқланди.

Республика маркази ходимлари томонидан 150 илмий мақола, 300дан ортиқ тезислар нашр қилинган бўлса, 4 та қўлланма, 10 дан ортиқ услубий кўрсатма ва тавсиялар чоп этилди.

Ҳар йили халқаро ва маҳаллий илмий - амалий конференциялар ташкиллаштирилади ва ўтказилади. Охириги 5 йилликда “ЛПУда инъекцияларнинг ҳавфсизлиги ва Ўзбекистон Республикасида миллий даражада инъекция воситаларини тўғри жорий этиш” мавзусида халқаро мутахассислар иштирокидаги маҳаллий конференция, “ОИВ инфекцияларига тўғри ташҳис қўйиш, уларнинг профилактикаси ва даволашда замонавий

ёндошувлар” мавзуидаги Республикада ОИВ инфекцияларини тарқалишининг эпидемиологик назоратни кузатиш бўйича 2 та конференция ўтказилди.

Республика Офтальмология шифохонаси. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика офтальмология шифохонаси Республикада энг янги тиббий технологиялар асосида аҳолига юқори сифатли ёрдам кўрсатиб келади. 1977 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг №923 сонли буйруғи асосида офтальмология шифохона мақомини олди ва Республика офтальмология шифохонаси дея номлана бошланди.

Хозирда клиникада 2 нафар тиббиёт фанлари доктори, 7 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 27 нафар олий тоифадаги шифокорлар фаолият кўрсатади. Шифохона ходимлари Республика ва халқаро миқёсида ўтказилган офтальмология соҳасига оид конференция ва симпозиумларда иштирок этиб, фахрли дипломларни қўлга киритишган.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиникаси. 1978 й. 12.04.да ЎзССР нинг Вазирлар Маҳкамасининг №199 Қарорига мувофиқ Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институтининг даволаш корпусини ўқув база сифати лойиҳалаштириш учун 15га ер ажратилди. Клиника даволаш корпусининг қурилиши 1985 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарор билан фойдаланишга топширилди.

Клиника институтнинг ягона ўқув-илмий-даволаш комплексининг тузулмавий бўлими ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи турли ёшдаги аҳолига кўпқиррали, ихтисослаштирилган, стационар ва консултатив-ташҳис қўйиш бўйича кўмак кўрсатиш учун мўлжалланган.

Бугунги кунда клиникада жами 241 нафар шифокор фаолият кўрсатиб, улардан 23 нафари фан докторлари, 54 нафари фан номзодлари, 48 нафари доцент, 59 нафари олий тоифадаги шифокорлар, 27 нафари 1- тоифали шифокорлар ҳисобланади.

Институтда йилига ўртача 16 та диссертация мавзулари, улардан 5 таси докторлик, 11 таси кандидатлик бўлиб, 6 та диссертация ҳимоя қилинади ва 273 та илмий нашрлар чоп этилади.

Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургик маркази. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 2 февралдаги № ПФ-3214 сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартдаги Қарорига мувофиқ Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази ташкил этилди.

2008 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Академик В.Воҳидов номи РИЖМ қошидаги кордеохирургия бўлимларини жиҳозлаш ва лойиҳани қайта ташкиллаштириш тўғрисида” №85 сонли Қарорини амалга жорий этиш бўйича чора тadbирлар Араб иқтисодий ривожланиш Қувайт жамғармасидан 12,9 млн. доллар ҳажмида ва Кореянинг ЭКСИМБАНК дан 10 млн. доллар миқдорида кредит маблағи жалб қилиниш орқали амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 март ойидаги №ПФ-1309 сонли Фармони бўйича ушбу лойиҳа амалга оширилмоқда.

Марказ базасида 9 нафар профессор, 23 нафар фан докторлари, 64 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 84 нафар олий маълумотли жарроҳлар, фаолият кўрсатиб келмоқда.

РИЖМда кандидатлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича Махсус уюшган кенгаш ташкил этилган. “Хирургия”, “Юрак-томир хирургияси” ва “Болалар жарроҳлиги” мутахассислиги бўйича 300 ортиқ диссертациялар ҳимоя қилинди.

Марказда 361 та клиник ординаторлар, врачлар малакасини ошириш институти тизими бўйича 1500 дан ортиқ шифокорлар, 40 ортиқ мутахассислар ўз илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Жарроҳлик маркази томонидан 48 та халқаро ва республика миқёсидаги конференциялар ташкиллаштирилди. 248 та номзодлик, 63 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Марказ ходимлари томонидан 53 та

монография чоп этилиб, 116 та авторлик тадқиқотлари патенти олинди, шунингдек 103 та услубий тавсияномалар нашр қилинди. Илмий нашрларнинг умумий миқдори 15000 та мақола ва тезисларни ташкил қилади.

Академик В. Воҳидов номли РИЖМнинг илмий олимлари фанга қўшган ҳиссалари учун, давлат мукофотлари, “Фахрий доктор”, “Фахрий профессор” дипломлари ва МДХ давлатлари ва яқин хориж мамлакатларидаги бошқа турдаги мукофотларга сазовор бўлдилар. Уларнинг меҳнатлари 6 та орден, 12 та “Соғлиқни сақлаш аълочиси” нишони, 6 та “соғлиқни сақлаш бўйича хизмат кўрсатган фаолият арбоби” нишони билан баҳоланди.

Республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази. Марказ 2007 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича Давлат Дастурини амалга оширишга доир асосий чора тадбирлар тўғрисида” ги № ПФ – 3923 сонли Фармони ва 2007 йил 2 октябрда Ўзбекистон Президентининг “Республика тиббиёт муассасалар фаолиятининг ташкиллаштирилишини такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги №ПҚ -700 сонли Қарорига мувофиқ ташкил этилди. Марказ Ўзбекистонда эндокринология йўналиши бўйича ягона замонавий даволаш диагностикаси, илмий тадқиқот ва педагогик муассаси ҳисобланади.

Марказнинг 77% клиник ходимлари олий тоифали шифокорлар ҳисобланиб, мустақилликнинг 20 йили давомида эндокринология маркази ихтисослаштирилган кенгашида 21 та докторлик, 101 та номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Эндокринология маркази мутахассислари ва олимлари эндокринология соҳасида долзарб бўлган муаммоларга доир мунтазам равишда илмий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг самарси улароқ соҳа бўйича 8 та монография, 116 та услубий ва амалий тавсиялар 1201 та илмий мақолалар чоп этилди. Шунингдек, илмий тадқиқотлар олиб борилиб уларни амалда жорий этиш учун 29 та патент олинди.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази. Республика ихтисослашган акушерлик ва

гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази 19.09.2007 йилда “Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш бўйича Давлат дастурини чуқур ислоҳ этиш ва уни амалга оширишга қаратилган асосий йўналишлар тўғрисида”ги №ПФ-3923 сонли Фармон ва 02.10.2007 йилдаги “Республикадаги тиббий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг акушерлик ва гинекология Илмий-тадқиқот институти қошида ташкил этилди.

РИАГИАТМ илмий тадқиқот ва услубий марказ сифатида Ўзбекистон Республикасининг барча турдаги тиббиёт муассасаларида профилактика, ташхис қўйиш, даволашнинг энг илғор инновацион технологияларини ва услубларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этади. Ҳозирда марказ республикада энг йирик илмий-амалий марказлардан бири бўлиб, унинг таркибида 8 та бўлимни бирлаштирувчи илмий бўлинма ҳамда илмий кенгаш мавжуд.

РИАГИАТМ да жами 880 нафар ходим бўлиб, улардан 9 нафари тиббиёт фанлари доктори, 47 нафари фан номзодлари; 4 нафари профессор, 16 нафари катта илмий ходимлар, 120 нафари 1 -тоифали олий шифокорлар ҳисобланади. РИАГИАТМ тузилмасига Қарши, Жиззах, Наманган ва Нукус шаҳарларда фаолият кўрсатаётган 4 та филиаллари киради.

РИАГИАТМ репродуктив саломатликни яхшилаш мақсадида акушерлик ва гинекологияда турли патологияларнинг профилактика, диагностика, даволашдаги инновацион технологияларни ишлаб чиқади. Шу жиҳати билан у мамлакатдаги етакчи муассасалардан бири ҳисобланади. Марказ фаолияти давомида юртимизда мавжуд бўлган бошқа йўналишлардаги илмий-амалий марказлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик алоқаларини амалга оширади. Охирги 20 йил ичида Марказда 10 та докторлик, 168 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шунингдек, марказ Жанубий Корея, Буюк Британия, Россиянинг етакчи клиникалари билан илмий тадқиқотлар олиб бориш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Бу ерда жаҳон тиббиётининг

янги ютуқлари ўзлаштирилмоқда ва мамлакатимизда акушер-гинекология соҳасида фаолият кўрсатаётган муассасалар амалиётига жорий қилинмоқда.

Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази. 1930 йилнинг мартада Республика дерматология ва венерология илмий тадқиқот институти ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги №145 сонли Қарорига мувофиқ ЎЗР ССВ қошида Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббий маркази (РИДВИАТМ) ташкил этилди. Бугунги кунда марказ Республикада дермотовинерология фаолиятини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи илмий- ташкилий, услубий муассаса ҳисобланади. Марказ фаолиятининг асосий мақсади дермотовенерология мактабларини шакллантириш, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган юқори даражадаги диагностика амалиётини олиб бориш, даволаш ва профилактика борасида юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида дерматолог-винерологларнинг учта съезди (1997, 2002, 2008 йиллар) ўтказилди. Шунингдек, Республика миқёсида дермотовинеролог ва тиббий косметолог мутахассисларининг 15 та илмий амалий конференциялари юксак даражада ташкиллаштирилди. Бугунги кунда диагностика даволаш ишлари марказида 10 нафар доктор, 27 нафар фан номзоди ҳамда 20 нафар олий тоифадаги шифокорлар фаолият юритади.

РИДВИАТМнинг етакчи мутахассислари халқаро съездлар, конференциялар, конгрессларда иштирок этиб, дермотовинерологияда ва косметологиянинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар билан яқиндан танишдилар.

2009 йилдан бери марказда замонавий дермотовенерология и косметологиянинг илмий ва амалий муаммоларига бағишланган “Дермотовинерология ва эстетик тиббиёт” илмий амалий журнали чоп этилади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги №ПФ-3214 сонли

Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартдаги №140 сонли Қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Марказ ходимлари салоҳияти: 12 та фан доктори, 36 та фан номзодлари фаолият юритмоқдалар.

РИКМ маркази қошида 14.00.06 рақами бўйича ихтисослаштирилган Д.087.21.01 Кенгашида 25 та докторлик диссертацияси жумладан, уларнинг 11таси РИКМ ходимлари, 154 та номзодлик диссертациядан, 68 таси РИКМ ходимлари томонидан ҳимоя қилинди.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралда чиқарилган ПФ 3214 сонли Фармони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартдаги №140 сонли Қарорига мувофиқ Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази ташкил этилди.

РИКММ офтольмологик касалликларни даволаш, илмий услубий фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига юқори малакада ихтисослаштирилган офтальмологик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (РИПИАТМ) — ёш авлодни даволашда даволов-профилактика ва илмий-амалий фаолият олиб боровчи мустақил ихтисослаштирилган тиббиёт маркази.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (РИПИАТМ) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Педиатрия илмий тадқиқот институти қошида 2009 йил 21 майдаги "Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини ташкиллаштириш масалалари тўғрисида"ги 145-сонли Қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Илмий тадқиқотлар йўналиши:

-ёш авлодга тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш;

-янги туғилган чақалоқлар ва кичик ёшли болалар касаликларига ташхис қўйиш, даволаш, реабилитация қилиш ва касалликларни прогнозлаш масалалари;

-кичик ёшли болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ЖССТнинг халқаро мезонлари бўйича ўсаётганлигини баҳолаш ва оғир аҳволда туғилган чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш;

-болаларда нафас олиш ва ҳазм қилиш аъзоларининг сурункали ва ўткир касалликларини даволаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, шаклланиш механизмини ўрганиш;

-соғлом ва бемор болаларда иммун тизимини мустаҳкамлаш.

Бугунги кунда марказда 11 нафар тиббиёт фанлари доктори, 20 нафар тиббиёт фанлари номзоди фаолият кўрсатмоқда.

Соғлиқни сақлаш амалиётида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги ишланмалар жорий этилди:

- болаларда сепсис касалигига тўғри ташхис қўйиш ва даволаш йўллари;

- сурункали В гепатити касалигига чалинган болаларнинг тиббий психологик реабилитацияси;

- болаларда ингичка ичак энзимопатиясига ташхис қўйиш ва уни даволаш услублари;

- болаларда целиакция касалигини даволаш йўллари;

- республиканинг даволаш профилактика муассасаларидаги клиникдиагностика лабораторияларининг текширувлар сифатини ошириш, ташқи ва ички назорат қилиш йўлларини ўрганиш;

- ўта кам вазн билан туғилган болаларни реабилитация ва муҳофаза қилиш принциплари.

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази. Республика Ихтисослаштирилган Терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази (РИТТРИАТМ) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат Дастурини амалга оширишга доир

асосий чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги “Республика ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт марказларини ташкиллаштириш масалалари тўғрисида”ги №145 сонли Қарори асосида ЎзР ССВнинг терапия ва тиббий реабилитация илмий тадқиқот институти ва гастроэнтерология илмий маркази қошида ташкил этилди. РИТТРИАТМ терапия ва тиббий реабилитация илмий-тадқиқот институти гастроэнтерология илмий маркази базасида ташкиллаштирилган бўлиб, 90 йилдан бери мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келмоқда ва бугун янги тиббиёт технология ва терапия ва тиббий реабилитациясининг замонавий йўналишлари бўйича доимий амалий ва назарий тадқиқотлар ўтказиб уларни ҳаётга жорий қилмоқда.

Марказда 4 нафар профессор, 7 нафар тиббиёт фанлари докторлари, 17 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 15 нафар илмий ходим, 32 нафар ординаторлар фаолият кўрсатадилар. Жами грант бўйича 52 нафар ходим ишлайди.

Марказда 4 та илмий бўлим фаолият кўрсатиб: булар - юрак –томир касаликлари патологияси, нафас олиш органлари патологияси, хазм қилиш органлари патологияси, ҳаракатланиш органлари патологияси.

Марказнинг барча ходимлари охириги 20 йил ичида 130 дан ортиқ Халқаро ва МДХ давлатларида ўтказилган конференцияларда иштирок этиб, 9 та докторлик, 44 та номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишга мушарраф бўлишган.

Жами бўлиб 1100 та илмий ишлар, улардан 10 та монография, 15 та ахборот хатлар, 67 та услубий қўлланмалар, 44 та патентлар ва ЭВМ учун дастурлар чоп этилди. Охириги 10 йилда 8 та йирик конференциялар, съездлар ўтказилди ва халқаро экспертлар билан ҳамкорликда ички орган касалликларини даволаш ва профилактика қилиш масалаларига бағишланган мавзулар муҳокама қилинди.

Республика ихтисослаштирилган урология маркази. Республика ихтисослаштирилган урология маркази Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2003 йил 26 февралдаги № ПФ-3214 сонли Фармони ва 2003 йил 17 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада соғлиқни сақлаш тизимини янада чуқурлаштириш мақсадида илғор тиббий технологияларнинг кенг жорий этилиши, жаҳон талабларига жавоб берувчи юқори технологияли, ихтисослаштирилган тиббий марказларни ташкиллаштириш учун ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни ташкил этиш тўғрисидаги ” № 140 Қарорига биноан ташкил этилди.

Ходимлар салоҳият: Марказда 55 нафар шифокор-урологлар, жумладан 3 нафар доктор, 16 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 23 нафар олий тоифали шифокорлар фаолият кўрсататди.

Илмий – тадқиқот ишлари:Марказда 6 та докторлик ва 12 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Давлат грантлари асосида Орол бўйи ҳудудларида урологик касалликларнинг эпидемиологик ҳолатларини ўрганиш бўйича буйрак ва сийдик йўлларида эндоскопик перкутан аралашуви техникасини такомиллаштириш бўйича, эркаклар саломатлигини яхшилашга доир илмий лойиҳалар ишлаб чиқарилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий маркази. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий маркази 2007 йил 19 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПФ-3923 сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги №145 сонли Қарорига мувофиқ фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти қошида барпо этилди.

Марказнинг салоҳияти ўта юқори бўлиб, у ерда 40 дан ортиқ илмий ходим, олий маълумотли шифокорлар, 10 та фан докторлари ва профессорлар, фан академиклари, илмий ва техника соҳасида хизмат кўрсатган фан арбоблари ҳамда 13 нафар фан номзодлари фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йиллари даврида марказ хорижий мутахассислар ёрдамида 9 та илмий амалий конференциялар, шулардан 4 таси сеъезд, 2 та халқаро

конференция, 2 та юбилей конференциялар, 2 та Республикалардаги кенгаш, 3 та илмий сессиялар, 12 та кўчма, 8 та ёшлар учун мўлжалланган конференциялар ташкил этди.

Марказ ходимлари томонидан 8 та монографиялар, 6 та илмий тўплам, 62 та услубий хужжатлар 68 та брошюралар, рус тилида “Туберкулёз”, ўзбек тилида “Сил касаллиги” номли клиник қўлланма, “Туберкулёз” номли формуляр тизими, Институт ҳақида альманах, 2 та библиографик кўрсатмалар чоп этилди. Институт ходимлари 1,5 мингдан ортиқ илмий ишларни чоп этиб, улардан 300дан ортиғи журналларда нашр қилинди.

1996 йилдан бери марказ “Ўрта Осиё пульмонологлар Ассоциацияси ахборотномаси” номли илмий амалий журналини чоп этиб келмоқда. Ҳозиргача журналнинг 14 сони чиқди.

Марказ ходимлари ўз тадқиқотлари учун 12 та муаллифлик гувоҳномалари ва патентларини қўлга киритдилар.

2.2. Республика соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ишларини молиялаштириш кўрсаткичларини иқтисодий таҳлили

Мамлакатимиз мутақилликка эришган илк кунлардан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолисининг саломатлиги бир неча баробар яхшиланди. Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар мустақилликга эришган кунимиздан буён доимо давлатимиз раҳбарияти диққат марказида бўлиб келмоқда.

Юқоридаги фикрларимизни исботи сифатида бир қанча статистик рақамларни келтириб ўтамиз. Масалан биргина ўтган 2015 йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди. Кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингга чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11

тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Мухтарам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ва замонавий диагноз ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди”⁹.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамкасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Маълумки, биз ижтимоий соҳада аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз.”¹⁰

Мамлакатимизда ҳар бир йилни маълум бир ном билан, яъни, Оила йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустақкам оила йили номлари билан аталиши бежизга эмас. Ушбу йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида бир қанча ютуқларга эришилди.

⁹“Бошмақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси\ UzA.uz.

¹⁰ Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017, 18-бет.

Мамлакатимиз аҳолисининг саломатлиги сезиларли даражада ўзгарди. Ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми ҳисобланган жорий Соғлом бола йилида бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида жуда катта куч ва маблағ сарф этилаяпти. Биргина тиббиёт соҳасининг ўзида ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар кўлами буни яққол тасдиқлайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида тўхталиб ўтди: “Албатта, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди”¹¹.

Дарҳақиқат юқоридаги фикрларни исботи сифатида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштириш кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилиб чиқамиз.

¹¹Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараккиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси (07.12.2016 22:34)\\ UzA.uz.

2.2.1-жадвал

**2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги
институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий
тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши (минг сўм)¹²**

	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2012 йилга нисбатан 2014 йилда ўзгариши, минг сўмда
Республика ихтисослаштирилган илмий амалий педиатрия тиббиёт маркази	585 030	717 832	851350	266 320
Республика Ихтисослаштирилган Хирургия Маркази	788 000	966 876	1 146 714	358 714
Республика Шошилинч тиббий ёрдам Илмий Маркази	694 666	852 355	1 010 893	316 227
Республика Онкология Илмий Маркази	380 000	466 260	552 985	172 985
Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказ	350 183	429 675	509 595	159 412
Гематология ва қон қуйиш Илмий текшириш институти	619 023	759 541	900 816	281 793
Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази	359 105	440 622	522 578	163 473
Вирусология илмий текшириш институти	330 000	404 910	480 224	150 224
Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти	426 000	522 702	619 925	193 925
Тошкент тиббиёт академияси	541 010	663 819	787 290	246 280
Тошкент педиатрия тиббиёт институти	469 768	576 405	683 617	213 849
Республика Патанотомия Маркази	71 500	87 731	104 049	32 549
Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази	557 000	683 439	810 559	253 559
Жами:	6 171 285	7 572 167	8 980 595	2 809 310

¹²Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

2.2.1-жадвалдан кўриниб турибдики, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт марказида 2012 йилда 359 105 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 522 578 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 163 473 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Вирусология илмий текшириш институтида 2012 йилда 330 000 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 480 224 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 150 224 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтида 2012 йилда 426 000 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 619 925 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 193 925 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Тошкент тиббиёт академиясида 2012 йилда 541 010 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 787 290 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 246 280 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 2012 йилда 469 768 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 683 617 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 213 849 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Республика Патанотомия Марказида 2012 йилда 71 500 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 104 049 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 32 549 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида 2012 йилда 557 000 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 810 559 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 253 559 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин.

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Республика ихтисослаштирилган илмий амалий педиатрия тиббиёт марказида 2012 йилда 585 030 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 851 350 минг

сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 266 320 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Республика Ихтисослаштирилган Хирургия Марказида 2012 йилда 788 000 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 1 146 714 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 358 714 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Республика Шошинч тиббий ёрдам Илмий Марказида 2012 йилда 694 666 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 1 010 893 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 316 227 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин (2.2.1-жадвал).

Республика Онкология Илмий Марказида 2012 йилда 380 000 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 552 985 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 172 985 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказида 2012 йилда 350 183 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 509 595 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 159 412 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Гематология ва қон қуйиш Илмий текшириш институтида 2012 йилда 619 023 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 900 816 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 281 793 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин (2.2.1-жадвал).


2.2.2-жадвал

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида 2012-2014 йилларда бажарилган лойиҳаларга ажратилган молиявий маблағ (минг сўм)¹³

	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2012 йилга нисбатан 2014 йилда ўзгариши, минг сўмда
1-лойиҳа	73 034	89 613	106281	33 247
2-лойиҳа	130 000	159 510	189 179	59 179
3-лойиҳа	110 000	134 970	160 074	50 074
4-лойиҳа	90 000	110 430	130 970	40 970
5-лойиҳа	118 000	144 786	171 716	53 716
6-лойиҳа	69 023	84 691	100 444	31 421
7-лойиҳа	102 000	125 154	148 433	46 433
Жами:	619 023	759 541	900 816	281 793

2.2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида 2012-2014 йилларда 7 та лойиҳа бажарилган бўлиб, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида жами лойиҳалар 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 281793 минг сўмга ошган. Шундан: 1-лойиҳа 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 33247 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. 2-лойиҳа 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 59179 минг сўмга ошган. 3-лойиҳа 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 50074 минг сўмга ошган. 4-лойиҳа 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 40970 минг сўмга ошган. 5-лойиҳа 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 53176 минг сўмга ошган. 6-лойиҳа 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 31421 минг сўмга ошган. 7-лойиҳа 2012 йилга нисбатан 2014 йилда 46433 минг сўмга ошган.

¹³Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.



2.2.1-расм. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида 2012-2014 йилларда бажарилган лойиҳаларга ажратилган молиявий маблағ (минг сўм)¹⁴

2.2.1-расмдан кўриниб турибдики, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида 2012-2014 йилларда 7 та лойиҳа бажарилган бўлиб, 2012 йилда энг кўп ҳажмдаги лойиҳа 2-лойиҳа ҳисобланади, яъни, 130 000 минг сўмлик, энг кам эса 6-лойиҳа ҳисобланиб, 69 023 минг сўмни ташкил қилади.

¹⁴Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

2.2.3-жадвал

**2009-2011 ва 2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш вазирлиги
тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга
оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши ва
ходимлар сони¹⁵**

№	Ижрочи ташкилот номи	2009-2011 йиллар		2012-2014 йиллар	
		Молиялаштирилган маблағи, минг сўм	Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони, киши	Молиялаштирилган маблағи, минг сўм	Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони, киши
1	Тошкент тиббиёт академияси	2 424 070,0	130	3 292 740,0	118
2	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	1 057 666,0	76	1 951 111,0	75
3	Тошкент фармацевтика институти	485 176,0	33	1 000 824,0	35
4	Тошкент врачлар малака ошириш институти	926 458,0	59	1 408 574,0	53
5	Андижон Давлат тиббиёт институти	102 238,1	8	232 120,9	14
6	Самарқанд тиббиёт институти	229 502,0	22	254 221,0	11
7	Бухоротиббиёт институти	58 000,0	6	132 030,8	15
8	Республика Онкология Илмий Маркази	1 025 573,0	52	1 955 098,0	42
9	Л.М.Исаева номидаги паразитология илмий тадқиқот институти	157 468,0	35	276 492,0	27
10	Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ	1 078 579,0	57	2 233 309,0	56
11	Вирисология илмий текшириш институти	762 689,0	42	1 376 666,1	35
12	Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ	1 226 225,0	76	2 126 155,0	60

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

13	Травматология ва ортопедия ИТИ	976 641,0	38	1 931 779,0	38
14	Гематология ва қон қуйиш ИТИ	1 552 042,0	58	2 948 694,0	55
15	Педиатрия РИИАТМ	1 533 629,0	86	2 695 920,0	92
16	Акушерлик ва гинекология РИИАТМ	1 044 499,0	55	2 129 770,0	47
17	Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ	977 384,0	39	1 732 130,0	45
18	Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ	763 050,0	45	1 524 884,0	35
19	Дерматология ва венерология РИИАТМ	749 438,5	63	1 685 599,0	62
20	Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказ	752 517,0	40	1 291 739,0	25
21	Республика ихтисослашган хирургия маркази	1 891 854,0	77	3 381 439,0	65
22	Республика ихтисослашган кардиология маркази	1 288 000,0	64	2 886 600,0	62
23	Республика ихтисослашган урология маркази	83 857,0	6	151 242,9	5
24	Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази	1 606 196,0	86	2 769 101,0	83
25	Республика неврохирургия маркази	360 176,3	33	551 846,2	27
	ЖАМИ:	23 112 928	1 286	41 920 086	1 182

2.2.3-жадвалдан кўриниб турибдики, Тошкент тиббиёт академиясида 2009-2011 йилларда 2424070,0минг сўмлик илмий тадқиқот ишларимолиялаштирилган бўлса, 2012-2014 йилларда эса ушбу кўрсаткич 3292 740,0минг сўмни ташкил қилиб, 2009-2012 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда 135,8 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони эса ушбу даврларда мос равишда

9,2 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 2009-2011 йилларда 1 057 666,0 минг сўмлик илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилган бўлса, 2012-2014 йилларда эса ушбу кўрсаткич 1 951 111,0 минг сўмни ташкил қилиб, 2009-2012 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда 184,5 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони эса ушбу даврларда мос равишда 1,3 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Тошкент фармацевтика институтида 2009-2011 йилларда 485176 минг сўмлик илмий тадқиқот ишларимолиялаштирилган бўлса, 2012-2014 йилларда эса ушбу кўрсаткич 1000824 минг сўмни ташкил қилиб, 2009-2012 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда 206,2 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар сони эса ушбу даврларда мос равишда 6,1 фоизга ошганини кўришимиз мумкин.

2.2.4-жадвал

2009-2011 ва 2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши ва ходимлар сони, фоизда¹⁶

№№	Ижрочи ташкилот номи	2009-2011 йиллар		2012-2014 йиллар	
		Молиялаштирилган маблағи	Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар	Молиялаштирилган маблағи	Илмий тадқиқот ишларида иштирок этаётган ходимлар
1	Тошкент тиббиёт академияси	10,5	10,1	7,9	10,0
2	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	4,6	5,9	4,7	6,3
3	Тошкент фармацевтика институти	2,1	2,6	2,4	3,0
4	Тошкент врачлар малака ошириш институти	4,0	4,6	3,4	4,5

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

5	Андижон Давлат тиббиёт институти	0,4	0,6	0,6	1,2
6	Самарқанд тиббиёт институти	1,0	1,7	0,6	0,9
7	Бухоротиббиёт институти	0,3	0,5	0,3	1,3
8	Республика Онкология Илмий Маркази	4,4	4,0	4,7	3,6
9	Л.М.Исаева номидаги паразитология илмий тадқиқот институти	0,7	2,7	0,7	2,3
10	Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар ИТИ	4,7	4,4	5,3	4,7
11	Вирусология илмий текшириш институти	3,3	3,3	3,3	3,0
12	Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ	5,3	5,9	5,1	5,1
13	Травматология ва ортопедия ИТИ	4,2	3,0	4,6	3,2
14	Гематология ва қон қуйиш ИТИ	6,7	4,5	7,0	4,7
15	Педиатрия РИИАТМ	6,6	6,7	6,4	7,8
16	Акушерлик ва гинекология РИИАТМ	4,5	4,3	5,1	4,0
17	Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ	4,2	3,0	4,1	3,8
18	Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ	3,3	3,5	3,6	3,0
19	Дерматология ва венерология РИИАТМ	3,2	4,9	4,0	5,2
20	Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказ	3,3	3,1	3,1	2,1
21	Республика ихтисослашган хирургия маркази	8,2	6,0	8,1	5,5
22	Республика ихтисослашган кардиология маркази	5,6	5,0	6,9	5,2
23	Республика ихтисослашган	0,4	0,5	0,4	0,4

	урология маркази				
24	Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази	6,9	6,7	6,6	7,0
25	Республика неврохирургия маркази	1,6	2,6	1,3	2,3
	ЖАМИ:	100,0	100,0	100,0	100,0

2.2.4-жадвалдан кўриниб турибдики, 2009-2011 ва 2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштирилиши ва ходимлар сони тўғрисида маълумотлар келтирилган. 2009-2011 йилларда илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш ҳажми бўйича энг юқори ўринларда Тошкент тиббиёт академияси 10,5 фоизни, Республика ихтисослашган хирургия маркази 8,2 фоизни, Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази 6,9 фоизни, Гематология ва қон қуйиш ИТИ 6,7 фоизни, Педиатрия РИИАТМ 6,6 фоизни, Республика ихтисослашган кордиалогия маркази 5,6 фоизни, Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ 5,3 фоизни ташкил қилган. Энг пастларига эса, Андижон Давлат тиббиёт институти ва Республика ихтисослашган урология маркази 0,4 фоизни ташкил қилмоқда.

2012-2014 йилларда илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш ҳажми бўйича энг юқори ўринларда Тошкент тиббиёт академияси 7,9 фоизни, Республика ихтисослашган хирургия маркази 8,1фоизни, Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази 6,6 фоизни, Гематология ва қон қуйиш ИТИ 7 фоизни, Республика ихтисослашган кордиалогия маркази 6,9 фоизни, Педиатрия РИИАТМ 6,4 фоизни, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ 5,3 фоизни ташкил қилган. Энг пастларига эса, Бухоро тиббиёт институти 0,3 фоизни, Республика ихтисослашган урология маркази 0,4 фоизни ташкил қилмоқда (2.2.4-жадвал).

Шбоб. ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

3.1. Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг статистик таҳлили

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилигимиз ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг турмуш тарзини яхшилишда соғлиқни сақлаш тизими муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимиз аҳолисини соғлиғини янада мустаҳкамлашга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида фармонида ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, ушбу фармоннинг 1-илоvasи 4.2-банди “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” деб номланиб, унда қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган:¹⁷

- аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

¹⁷Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда

- аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;
- оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимининг камайиши бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенг амалга ошириш;
- хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;
- пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришни статистик усуллар ёрдамида

Ўрганиш бирмунча мураккаб жараён ҳисобланади. Оммавий ҳодиса ва жараёнлар ҳар хил соҳаларда кузатилади ва турли тумандир, уларнинг кечиш шароитлари ҳам, тузилиши ҳам турличадир. Демак, соғлиқни сақлаш соҳасида бундай ҳодиса ва жараёнлар кўпдан кўп шаклларга ва турларга эга. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизими ўзининг мураккаблиги ва кўп ўзаро боғланишларга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу сабабли статистик қонуниятлар ҳам уларда ҳар хил кўринишларда намоён бўлади ва турли жиҳатларини таърифлайди. Ўз-ўзидан маълумки, уларни қандайдир ягона бир усул ёрдамида ўрганиб бўлмайди. Бунинг учун бир неча усуллар ёрдамида ўрганиш зарур.

Соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштиришни ўрганишда статистикада асосан қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Статистик кузатиш.
2. Статистик жамлаш ва гуруҳлаш.
2. Вариацион таҳлил.
3. Корреляцион-регрессион таҳлил.
4. Динамика қаторлари таҳлили.

Шундай экан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган илмий текшириш институтлари, тиббиёт институтлари ва тиббиёт марказлари томонидан амалга оширилаётган илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштириш маблағларини қулай статистик усуллар ёрдамида статистик таҳлил қилишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган 25 та турли хил тиббиёт объектларини ҳар бирини ўртача бир кишига тўғри келадиган молиялаштириш суммаси, лойиҳада иштирок этаётганлар сони ва ушбу лойиҳаларни бажариш жараёнида қилинган илмий ишларига берилган балларини маълумот сифатида олдик. Статистик маълумотларни таққослаш мақсадида лойиҳаларни икки даврга (1-давр 2009-2011 йиллар ва 2-давр 2012-2014 йилларни) олдик.

3.1.1-жадвал

2009-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш лойиҳаларида иштирок этаётган ташкилотлар ҳамда ходимлар тўғрисида маълумот¹⁸

№	Ижрочи ташкилот номи	2009-2011 йиллар		2012-2014 йиллар		2009-2011 йилларда олган баллари, балл	2012-2014 йилларда олган баллари, балл
		Ўртача бир ходимга молиялаштирилган сумма, млн.сўм	Лойиҳада иштирок этувчилар сони, киши	Ўртача бир кишига молиялаштирилган сумма, млн.сўм	Лойиҳада иштирок этувчилар сони, киши		
1	Тошкент тиббиёт Академияси	18,6	130	27,9	118	5900	6940
2	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	13,9	76	26,0	75	3740	4410
3	Тошкент фармацевтикаинститути	14,7	33	28,6	35	2410	1800
4	Тошкентврачлар малакасини ошириш институти	15,7	59	26,6	53	3740	4010
5	Андижон тиббиётинститути	12,8	8	16,6	14	540	620
6	Самарқандтиббиётинститути	10,4	22	23,1	11	960	590
7	Бухоротиббиётинститути	9,7	6	8,8	15	200	720
8	Республикаонкологияилмий маркази	19,7	52	46,6	42	4800	4080
9	Л.М.Исаева номидаги паразитология ИТИ	4,5	35	10,2	27	1090	1720
10	Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар ИТИ	18,9	57	39,9	56	3230	2820
11	Вирусология ИТИ	18,2	42	39,3	35	2480	2100
12	Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ	16,1	76	35,4	60	3290	4140
13	Травматология ва ортопедия ИТИ	25,7	38	50,8	38	3850	4440
14	Гематология ва қон қуйиш ИТИ	26,8	58	53,6	55	1850	3380
15	Педиатрия РИИАТМ	17,8	86	29,3	92	10630	11880
16	Акушерлик ва гинекология РИИАТМ	19,0	55	45,3	47	4900	5330
17	Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ	25,1	39	38,5	45	5760	7980
18	Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ	17,0	45	43,6	35	3430	1650
19	Дерматология ва венерология РИИАТМ	11,9	63	27,2	62	7220	8130
20	Республикаихтисослашганэндокринология илмий амалий Маркази	18,8	40	51,7	25	4470	3720
21	Республика ихтисослашган хирургия Маркази	24,6	77	52,0	65	10010	9890
22	Республика ихтисослашганкардиология Маркази	20,1	64	46,6	62	7380	14750
23	Республика ихтисослашган урология Маркази	14,0	6	30,2	5	520	1200
24	Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази	18,7	86	33,4	83	9300	5273
25	Республика неврохирургия Маркази	10,9	33	20,4	27	2450	2430
	Жами:	-	1286	-	1182	104150	114003

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари 2009-2014 йиллар.

3.1.1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, 25 та тиббиёт муассасаларини гуруҳлашимиз керак бўлади. Гуруҳлашни амалга оширишда бир муҳим белгиси орқали гуруҳларга ажратишимиз керак. Бизнинг тадқиқотимизда муҳим белги дебсоғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларни ўртача бир кишига молиялаштириш миқдори ҳисобланади. Шундай экан гуруҳлашни молиялаштирилган сумма орқали 5 та гуруҳга ажратамиз.

Гуруҳлар оралиғи чегараси аниқлашда икки шаклда ечиш мумкин: бири - ҳамма гуруҳлар учун ораликни тенг миқдорда белгилаш, иккинчиси - уни тенгмас шаклда, кўпайиб ёки озайиб келувчи миқдорларда ифодалаш. Бизнинг тадқиқотимизда эса биринчи ҳолдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун гуруҳ оралиғи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади¹⁹:

$$i = \frac{X_{\max} - X_{\min}}{K}$$

Буерда:

X_{\max} – гуруҳлаш белгисининг энг катақиймати;

X_{\min} -унинг энг кичикқиймати;

K -тузиладиган гуруҳлар сони.

2009-2011 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини ўртача бир кишига молиялаштириш суммаларини тенг ораликқа эга бўлган 5 та гуруҳга ажратиб оламиз.

$$i = \frac{X_{\max} - X_{\min}}{k} = \frac{26,8 - 4,5}{5} = 4,46$$

1-гуруҳ 4,5 – 8,96 млн. сўм

2-гуруҳ 8,96 – 13,42 млн. сўм

3-гуруҳ 13,42 – 17,88 млн. сўм

¹⁹Соатов Н.М., Аюбжонов А.Ҳ., Мухиддинова Н.Н. Статистика. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011. 61-64-бетлар.

4-гурух 17,88 – 22,34 млн. сўм

5-гурух 22,34 – 26,8 млн. сўм

Ушбу гуруҳланган ораликларга кирувчи тиббиёт муассасаларини танлаб олиб қуйидаги гуруҳланган жадвални тузамиз (3.1.2-жадвал).

3.1.2-жадвал

2009-2011 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳлаш жадвали²⁰

Бир ходимга молиялаштирилган суммалари бўйича гуруҳлар, млн. сўм	Ижрочи ташкилот сони	Молиялаштирилган сумма, млн. сўм		Лойиҳада иштирок этувчилар сони, киши	Олган баллари, балл		Ўртача бир иштирокчи га тўғри келган балл
		Жами	Ўртача бир ташкилотга тўғри келиши		Жами	Ўртача бир ташкилотга тўғри келиши	
1	2	3	4=3/2	5	6	7=6/2	8=6/5
1-гурух 4,5-8,96	1 (9)	4,5	4,50	35	1090	1090	31,1
2-гурух 8,96-13,42	5 (5, 6, 7, 19, 25)	55,7	11,14	132	11370	2274	86,1
3-гурух 13,42-17,88	7 (2, 3, 4, 13, 15, 18, 23)	109,2	15,60	381	27760	3965,71	72,9
4-гурух 17,88-22,34	8 (1, 8, 10, 11, 16, 20, 22, 24)	152	19,00	526	42460	5307,5	80,7
5-гурух 22,34-26,8	4 (13, 14, 17, 21)	102,2	25,55	212	21470	5367,5	101,3
Жами	25	423,6	16,94	1286	104150	4166	80,99

Бизнинг таҳлилларимизда соғлиқни сақлаш соҳасидан танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларини бажарган илмий ишларига берилган балларни ўргандик. Энг юқори 101,3 бални 5-гурухга кирувчи 4 та тиббиёт муассасаларига тўғри келди. Яъни, Травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институти, Гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институти,

²⁰Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ ва Республика ихтисослашган хирургия марказлари киради. Кейинги ўринда 86,1 балл билан 2-гуруҳ ҳисобланиб, ушбу гуруҳда 5 та тиббиёт муассасалари киради. Яъни, Андижон давлат тиббиётинститути, Самарқандтиббиётинститути, Бухоротиббиётинститути, Дерматология ва венерология РИИАТМ, Республика неврохирургия марказлари киради. Энг паст 31,1 балл 1-гуруҳга тўғри келди. Яъни, Л.М.Исаева номидаги паразитология илмий тадқиқот институти ҳисобланади (3.1.2-жадвал).

Юқоридаги таҳлилардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларни ўртача бир кишига молиялаштирилиши бўйича гуруҳларга ажратиб, уларнинг илмий ишларига берилган балларни таҳлил қилиб чиқдик.

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларни ўртача бир кишига молиялаштириш суммаларини тенг ораликқа эга бўлган 5 та гуруҳга ажратиб оламиз.

$$i = \frac{X_{max} - X_{min}}{k} = \frac{53,6 - 8,8}{5} = 8,96$$

1-гуруҳ 8,8 – 17,76 млн. сўм

2-гуруҳ 17,76 – 26,72 млн. сўм

3-гуруҳ 26,72 – 35,68 млн. сўм

4-гуруҳ 35,68 – 44,64 млн. сўм

5-гуруҳ 44,64 – 53,6 млн. сўм

Ушбу гуруҳланган ораликларга кирувчи тиббиёт муассасаларини танлаб олиб қуйидаги гуруҳланган жадвални тузамиз:

3.1.3-жадвал

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳлашжадвали²¹

Бирҳодим гамолиялаштирилган суммалар и бўйича гуруҳлар, млн. сўм	Ижрочи ташкилотлар сони	Молиялаштирилган сумма, млн. сўм		Лойиҳа -да иштирок этувчи ходимлар сони, киши	Олган баллари, балл		Ўртача бир иштирокчи га тўғри келган балл
		Жами	Ўртача бир ташкилотга тўғри келиши		Жами	Ўртача бир ташкилотга тўғри келиши	
1	2	3	4=3/2	5	6	7=6/2	8=6/5
1-гуруҳ 8,8 – 17,76	3 (5, 7, 9)	35,6	11,87	56	3060	1020	54,6
2-гуруҳ 17,76 – 26,72	4 (2, 4, 6, 25)	96,1	24,03	166	11440	2860	68,9
3-гуруҳ 26,72 – 35,68	7 (1, 3, 12, 15, 19, 23, 24)	212	30,29	455	39 363	5623,29	86,5
4-гуруҳ 35,68 – 44,64	4 (10, 11, 17, 18)	161,3	40,33	171	14550	3637,5	85,1
5-гуруҳ 44,64 – 53,6	7 (8, 13, 14, 16, 20, 21, 22)	346,6	49,51	334	45590	6512,86	136,5
Жами	25	851,6	34,06	1182	114003	4560,12	96,45

Соғлиқни сақлаш соҳасидан танлаб олинган 2012-2014 йилларда фаолият олиб борган 25 та тиббиёт муассасаларини бажарган илмий ишларига берилган балларни ўргандик. Ушбу даврда ўтган (2009-2011 йиллар) даврга нисбатан сезиларли даражада ўсганини кўришимиз мумкин. Энг юқори 136,5 балга эга бўлган гуруҳга 7 та тиббиёт муассасалари киритилди. Яъни, Республика онкология илмий маркази, Травматология ва ортопедия ИТИ, Гематология ва қон қуйиш ИТИ, Акушерлик ва гинекология РИИАТМ,

²¹Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

Республика ихтисослашган эндокринология илмий -амалий маркази, Республика ихтисослашган хирургия маркази ва Республика ихтисослашган кардиология марказлари киради. Кейинги ўринда 86,5 балл билан 3-гуруҳ ҳисобланиб, ушбу гуруҳга 7 та тиббиёт муассасалари киради. Яъни, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент фармацевтика институти, Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ, Педиатрия РИИАТМ, Дерматология ва венерология РИИАТМ, Республика ихтисослашган урология маркази ва Республика Шошилинич Тиббий Ёрдам илмий марказлари киради. Энг паст 54,6 балл 1-гуруҳга тўғри келди. Яъни, Андижон давлат тиббиёт институти, Бухоро тиббиёт институти ва Л.М.Исаева номидаги паразитология ИТИлари ҳисобланади.

Умуман олганда биринчи (2009-2011 йиллар) даврга қараганда иккинчи (2012-2014 йиллар) даврда тиббиёт муассасалари томонидан илмий грантлар бўйича амалга оширилган илмий ишлар бирмунча ўсганини кўришимиз мумкин.

3.1.4-жадвал

2009-2011 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини ўртача бир ходимга нисбатан молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳлаш²²

Бирходимга молиялаштирилган суммалари бўйича гуруҳлар, млн. сўм	Лойиҳаларда иштирок этувчилар сони, киши (f)	Интервал ўртаси (x)	x*f	(x - \bar{x})	(x - \bar{x}) ²	(x - \bar{x}) ² · f
4,5-8,96	35	6,73	235,6	-11,47	131,56	4604,6
8,96-13,42	132	11,19	1477,1	-7,01	49,14	6486,5
13,42-17,88	381	15,65	5962,7	-2,55	6,50	2477,5
17,88-22,34	526	20,11	10577,9	1,91	3,65	1918,9
22,34-26,8	212	24,57	5208,8	6,37	40,58	8602,3
Жами	1286	-	23461,98	-	-	24089,8

$$\bar{x} = \frac{\sum x \cdot f}{\sum f} = \frac{23461,98}{1286} = 18,2 \text{ млн. сўм}$$

²²Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

2009-2011 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий текшириш ва инновация жараёнларини ўртача бир кишига молиялаштириш суммаси 18,2 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Агар ушбу суммани ($18,2:36=0,5056$ млн. сўм) 36 ойга бўлсак ўртача ҳар бир ходимга бир ойда молиялаштириш суммаси келиб чиқади. Яъни ҳар ойга ўртача 505,6 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Демак, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда фақатгина умумлаштирувчи кўрсаткич – ўртача миқдорни ҳисоблаш билан чекланмасдан, балки шу ўртачадан алоҳида миқдорларнинг қанчалик тофовутда эканини таҳлил қилиш ҳам лозим.

Ўртача арифметик миқдорнинг математик хусусиятларидан бири шундан иборатки, алоҳида миқдорлар билан уларнинг ўртачаси ўртасидаги фарк йиғиндиси нолга тенг. Шунинг учун ҳам ўртача мутлақ тафовутни ҳисоблашда фарқлаш ишорасига эътибор берилмайди, улар модуль бўйича ҳисобга олинади. Натижада умумий олинган йиғинди иқтисодий, реал маънога эга бўлмайди, шу сабабли статистика амалиётида бу кўрсаткич деярли қўлланилмайди. Унинг ўрнига дисперсия, яъни ўртача квадрат тафовутни ҳисоблашимиз керак бўлади. Яъни:

$$\sigma^2 = \frac{\sum(x - \bar{x})^2 \cdot f}{\sum f} = \frac{24089,8}{1286} = 18,732 \text{ млн. сўм}$$

Олинган натижа тортилган ўртача квадрат тафовутни (дисперсияни) беради.

σ^2 квадрат илдиздан чиқарилиб, тортилган ўртача квадратик тафовут аниқланади:

$$\sigma = \sqrt{18,732} = 4,328 \text{ млн. сўм}$$

Ниҳоят, ўртача квадратик тафовут билан ўртача миқдорнинг нисбати, яъни вариация коэффиценти аниқланади:

$$v = \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{x}} = \frac{4,328 \cdot 100}{18,2} = 23,78 \%$$

Бу коэффициент қиймати фоизда ифодаланган бўлиб, 0 билан 100 орасида ётади. У 0 га қанча яқин турса, ўзгарувчанлик шунча кучсиз ва қанча 100 га яқинлашса, шунчалик ўзгарувчанликнинг кучлилигидан далолат беради. Демак, бизнинг юқорида олиб борган таҳлилларимиз бўйича ўртача миқдор ва белги қийматлари ўртасидаги ўзгарувчанлик (тафовут) кучли бўлмай 23,78 % ни ташкил этмоқда.

3.1.5-жадвал

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини ўртача бир ходимга нисбатан молиялаштириш суммаси бўйича гуруҳлаш²³

Бирходимга молиялаштирилган суммалари бўйича гуруҳлар, млн. сўм	Лойихаларда иштирок этувчилар сони, киши (f)	Интервал ўртаси (x)	x*f	(x - \bar{x})	(x - \bar{x}) ²	(x - \bar{x}) ² · f
8,8 – 17,76	56	13,28	743,7	-28,02	785,12	43966,7
17,76 – 26,72	166	22,24	3691,8	-19,06	363,28	60305,1
26,72 – 35,68	455	31,2	14196,0	-10,1	102,01	46414,6
35,68 – 44,64	171	80,32	13734,7	39,02	1522,56	260357,8
44,64 – 53,6	334	49,12	16406,1	7,82	61,15	20424,9
Жами	1182	-	48772,32	-	-	431469,1

$$\bar{x} = \frac{\sum x \cdot f}{\sum f} = \frac{48772,32}{1182} = 41,3 \text{ млн. сўм}$$

2012-2014 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида танлаб олинган 25 та тиббиёт муассасаларининг илмий тадқиқот ва инновация жараёнларни ўртача бир кишига молиялаштириш суммаси 41,3 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Агар ушбу суммани (41,3:36=1,1472 млн. сўм) 36 ойга бўлсак ўртача хир бир ходимга бир ойда молиялаштириш суммаси келиб чиқади. Яъни хар ойга ўртача 1147,2 минг сўмни ташкил қилмоқда.

²³Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

$$\sigma^2 = \frac{\sum(x - \bar{x})^2 \cdot f}{\sum f} = \frac{431469,1}{1182} = 365,033 \text{ млн. сўм}$$

Олинган натижа тортилган ўртача квадрат тафовутни (дисперсияни) беради.

σ^2 квадрат илдиздан чиқарилиб, тортилган ўртача квадратик тафовут аниқланади:

$$\sigma = \sqrt{365,033} = 19,106 \text{ млн. сўм}$$

Ниҳоят, ўртача квадратик тафовут билан ўртача миқдорнинг нисбати, яъни вариация коэффициентини аниқлаймиз:

$$v = \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{x}} = \frac{19,106 \cdot 100}{41,3} = 46,3 \%$$

Бизнинг таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, 2009-2011 йилларда вариация коэффициенти 23,78 %ни ташкил қилган бўлса, 2012-2014 йилларда ушбу кўрсаткич 46,3 %ни ташкил қилмоқда. Демак, 2009-2011 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда ўзгарувчанлик кучлироқ бўлганлигини кўришимиз мумкин.

3.2. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш кўрсаткичларини корреляцион-регрессион таҳлили

Айни вақтда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими босиб ўтган йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда дунёда турли хил касалликлар тобора кучайиб бораётгани давлатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги

маърузасида таъкидлагиндек: “... Шу муносабат билан қўйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

биринчидан – қишлоқ врачлик пунктлари, юқори технологиялар асосидаги ихтисослашган марказлар ва тез тиббий ёрдам станциялари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларга доир топшириқларни амалга ошириш юзасидан таклифларни ва тегишли хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш зарур;

иккинчидан – врачлар ва тиббиёт ходимлари малакасини ҳам мамлакатимизда, ҳам етакчи хориж клиникаларда ошириш бўйича таъсирчан тизими яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор. Зарур бўлса, уларни оддий рағбалантириш бўйича таклифлар киритиш керак;

учинчидан – 340 номдагидори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх бўйича сотилишини назорат қилувчи органлар билан бирга қатъий тартибга солиш зарур”²⁴

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштириш кўрсаткичларини боғланишларини таҳлил қилишда корреляцион-регрессион таҳлилдан фойдаланамиз.

Корреляцион боғланишларни ўрганишда икки тоифадаги масалалар кўрилади. Улардан бири ўрганилаётган ҳодисалар (белгилар) орасида қанчалик зич (яъни кучли ёки кучсиз) боғланиш мавжудлигини баҳолашдан иборат. Бу корреляцион таҳлил деб аталувчи усулнинг вазифаси ҳисобланади.

Корреляцион таҳлил корреляция коэффициентларини аниқлаш ва уларнинг муҳимлигини, ишончилигини баҳолашга асосланади.

Корреляция коэффициентлари иккиёқлама характерга эга. Уларни ҳисоблаш натижасида олинган қийматларни Х билан У белгилар ёки, аксинча, У билан Х белгилар орасидаги боғланиш меъёри деб қараш мумкин.

Корреляцион боғланишни текширишда кўзланадиган иккинчи вазифа бир ҳодисанинг ўзгаришига қараб, иккинчи ҳодиса қанча миқдорда ўзгаришини

²⁴Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017, 20-бет.

аниқлашдан иборат. Афсуски, корреляцион таҳлил усули - корреляция коэффициентлари буҳақида фикр юритиш имконини бермайди. Регрессион таҳлил деб номланувчи бошқа усул мазкур мақсад учун хизмат қилади.

Регрессия сўзи лотинча regressio сўзидан олинган бўлиб, орқага ҳаракатланиш деган луғавий маънога эга. Бу атамани статистикага кириб келиши ҳам корреляцион таҳлил асосчилари Ф.Гальтон ва К.Пирсон номлари билан боғлиқдир.

Регрессион таҳлил амалий масалаларни ечишда муҳим аҳамият касб этади. У натижавий белгига таъсир этувчи белгиларнинг самарадорлигини амалий жиҳатдан етарли даражада аниқлик билан баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга регрессион таҳлил ёрдамида иқтисодий ҳодисаларнинг келажак даврлар учун истиқбол миқдорларини баҳолаш ва уларнинг эҳтимол чегараларини аниқлаш мумкин.

Регрессион ва корреляцион таҳлилда боғланишнинг регрессия тенгламаси аниқланади ва у маълум эҳтимол (ишонч даражаси) билан баҳоланади, сўнгра иқтисодий-статистик таҳлил қилинади.

Шу сабабли ҳам регрессион ва корреляцион таҳлил қуйидаги 4 босқичдан иборат бўлади:²⁵

- 1) масала қўйилиши ва дастлабки таҳлил;
- 2) маълумотларни тўплаш ва уларни ўрганиб чиқиш;
- 3) боғланиш шакли ва регрессия тенгламасини аниқлаш;
- 4) регрессия тенгламасини баҳолаш ва таҳлил қилиш.

1. Масала қўйилиши ва дастлабки таҳлил. Аввало ўтказилаётган текширишнинг вазифаси ва мақсадига асосан натижавий белги ва унинг регрессия тенгламасида иштирок этиш шакли, яъни белгини миқдорий характерлайдиган кўрсаткич аниқланади. Сўнгра, натижавий белгига таъсир этувчи омилларнинг рўйхати белгиланади, улардан назарий ва мантикий таҳлил ёрдамида энг муҳим ва моҳиятли бўлганлари танлаб олинади. Аммо назарий ва

²⁵Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриёти. 2003, 412-бет.

мантикий таҳлил йўли билан муҳим омилларни ва уларнинг регрессия тенгламаларида иштирок этиш шакллари белгилаш ҳақидаги масалани тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бу жараён кейинги босқичларда ҳам давом эттирилади.

2. Маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш. Маълумотлар тўплашни бошлашдан аввал текширилаётган тўпламни макон ва замонда чегаралаш, шунингдек, унинг бирлигини аниқлаш керак. Масалан, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш билан унинг омиллари ўртасидаги боғланиш ўрганилаётган бўлса, тиббиёт муассасалари ва илмий марказлари бўйича олинган бир неча йиллик маълумотлар тўплам бўлиши мумкин. Маълумотлар қандай объектлар тўпламига тегишлилигига қараб ҳар бир тиббиёт муассасаси, илмий марказва бошқа бирлик тўплам бирлиги бўлади.

Ҳар қандай статистик тўпламни регрессион ва корреляцион усуллар ёрдамида таҳлил қилиш мумкин эмас. Бунинг учун тўплам қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- маълумки, регрессия тенгламаси натижавий белгининг ўртача миқдори билан омиллар ўртасидаги боғланишни характерлайди. Демак, натижавий белгининг ўртача миқдори сохта бўлмаслиги учун тўплам сифат жиҳатидан бир жинсли бўлиши керак;

- регрессия ва корреляция кўрсаткичлари ўзаро боғланишнинг объектив қонуниятларини ишонарли даражада акс эттириши, яъни катта сонлар қонунига асосан тасодифий хатоларнинг таъсири деярли йўқолиб кетиши учун тўпламнинг миқдори етарлича кўп бўлиши зарур;

- тўпламнинг бирликлари ўзаро боғланмаган, эркин бўлиши талаб қилинади, яъни ҳар бир объект бирлигининг кузатиш маълумотлари бошқа бирликлар натижаларига боғлиқ бўлмаслиги керак;

- натижавий белги тақсимоти омилларнинг барча қийматларида нормал тақсимот қонунига бўйсунуши ёки унга яқин бўлиши зарур.

Тўпламнинг сифат жиҳатидан бир жинсли эканлигини, унинг бирликлари ўзаро боғланмаганлигини ва натижавий белгининг нормал тақсимот қонунига

бўйсунлигини текшириш маълумотларни таҳлил қилиш демакдир. Маълумотларни таҳлил қилишда x^2 , Фишер (F), Стъудент (t) ва бошқа мезонлардан фойдаланилади. Агар тўпلام юқоридаги талабларга жавоб бермаса, боғланишнинг регрессия тенгламаси объектив бўла олмайди.

3. Боғланиш шакли ва регрессия тенгламасини аниқлаш. Танлаб олинган омиллар регрессия тенгламасида турли кўринишларда иштирок этиши мумкин. Маълумотларни дастлабки таҳлил қилиш натижаларига асосан регрессия тенгламаси бирор кўринишда деб фараз қилинади. Масалан, чизиқли

$$\hat{y}_x = a_0 + \sum_{i=1}^k a_i x_i$$

ёки чизиқсиз:

$$\hat{y}_x = a_0 + \sum_{i=1}^k a_i x_i + \sum_{j=1}^k \sum_{i=1}^k b_{ij} x_i x_j + \sum_{j=1}^k c_j \cdot \ln x_i$$

ва ҳ.к.

Регрессия тенгламасини аниқлашда омилларнинг барча кўринишлардаги ифодалари (x_i , x_i^2 , $x_i x_j$, $\ln x_i$ ва бошқалар) алоҳида-алоҳида омил деб қаралади.

Регрессия тенгламасига киритиладиган омиллар ўзаро чизиқли функционал ёки жуда кучли корреляцион боғланишда бўлмаслиги керак. Агар ўзаро кучли боғланган омиллар моделга киритилса, улар маълум даражада бир-бирини такрорлайди ва натижада регрессия кўрсаткичлари бузилади. Бу ҳолдан қутулиш учун барча омилларнинг ўзаро боғланиш кучи ўлчанади (масалан, жуфт корреляция коэффиценти билан) ва бир-бирини такрорлайдиган омиллар аниқланиб, уларнинг натижавий белги билан кучсизроқ боғланишда бўлганлари тенгламадан чиқарилади. Сўнгра регрессия тенгламасининг параметрлари (G_0 , a_1 , a_2 ,, a_k) топилади.

Регрессия тенгламасини баҳолаш ва таҳлил қилиш. Регрессия тенгламаси аниқлангандан кейин, унда иштирок этаётган омилларнинг натижавий белгига таъсирининг муҳимлиги ва бу тенглама корреляцион боғланишни характерлаш даражаси маълум эҳтимол (ишонч даражаси) билан махсус кўрсаткичлар ва

мезонлар ёрдамида баҳоланади. Агар модель ва унга киритилган барча омиллар талаб этилган эҳтимол билан моҳиятли бўлса, у адекват модель дейилади.

Модель адекват бўлмаган ҳолда, унинг кўриниши ўзгартирилади. Янги модель олдингисидан моҳиятсиз омилларни чиқариш йўли билан ёки бутунлай бошқа кўринишда аниқланиши мумкин. Демак, адекват моделларни аниқлаш жараёни кўп босқичлидир. Адекват моделларга асосланиб, корреляцион боғланиш иқтисодий – статистик таҳлил қилинади.

Статистикада бир омилли адекват моделларни аниқлаш усули жуфт корреляция, кўп омилли адекват моделларни аниқлаш усули эса кўп ўлчовли (омилли) корреляция дейилади.

Ўрганилаётган белгилар ўртасидаги корреляцион боғланишни чизиқли тенглама $y=A+BX$ билан ифодалаш учун унинг параметрларини (A, B) аниқлаш кифоя. Аввал уқтириб ўтилганидек, тўпламнинг барча бирликларида белгиларнинг боғланиш характери турлича бўлади.

Демак, тўплам бирликларида регрессия тенгламасининг параметрлари ўзига хос турли қийматларни (A_i, B_i) қабул қилади, яъни унинг ҳар бир бирлиги учун регрессиянинг индивидуал чизиқли тенгламасини ёзиш мумкин:

$$y^{(i)} = A_i + B_i x_i$$

Регрессиянинг индивидуал тенгламаларини аниқлаш учун ўрганилаётган объектнинг бирликлари устида кўшимча кузатишлар ўтказиб, етарлича миқдорда маълумотлар тўплаш керак. Аммо аксарият ҳолларда зарурий маълумотларни тўплаш имконияти бўлмайди.

Шунинг учун натижавий белгининг ўртача даражаси (\hat{Y}_x) билан омил белги (X) ўртасидаги корреляцион боғланишни ифодалайдиган регрессиянинг чизиқли тенгламаси

$$\hat{y}_x = a_0 + a_1 x$$

(бу ерда a_0 - озод ҳад, a_1 - регрессия коэффициенти) аниқлаб, амалий масалаларни ечишда қўлланилади. Регрессия тенгламасида натижавий белги

умумийлашган (ўртача) миқдор бўлганлиги учун унинг параметрлари (a_0, a_1) ҳам индивидуал параметрларнинг (A_i, B_i) ўртача миқдоридир, яъни

$$a_0 = \bar{A}_1 a_1 = \bar{B}_1$$

Регрессия тенгламасининг параметрлари (a_0, a_1) ўртача арифметик миқдорнинг қуйидаги хоссасига асосланиб «энг кичик квадратлар» усули билан топилади: белги вариантлари (x) билан ўртача арифметик миқдор (\bar{x}) ўртасидаги тафовутлар квадратларининг йиғиндиси $\sum (x - \bar{x})^2$ улар билан бошқа ҳар қандай миқдор ($x_0 \neq \bar{x}$) ўртасидаги тафовутлар квадратларининг йиғиндисидан кичикдир, яъни $\sum (x - \bar{x})^2 < \sum (x - x_0)^2$.

Ўртача миқдорнинг келтирилган хоссасига кўра ушбу функционалнинг $\varphi(a_0, a_1) = \sum (y - \hat{y}_x)^2 = \sum (y - a_0 - a_1 x)^2$ қиймати натижавий белгининг бошқа ихтиёрий қиймати (y_0) учун аниқланган тафовутлар квадратларининг йиғиндисидан кичик бўлади. Демак, номаълум параметрлар (a_0, a_1) шундай аниқланиши керакки, уларнинг аниқланган қийматларида функционал $\varphi(a_0, a_1)$ ўзининг энг кичик қийматига эришсин. Маълумки, функция минимум қийматларга эришадиган нуқталарда унинг хусусий ҳосилалари нолга тенг бўлади: $\frac{\partial \varphi}{\partial a_0} \cong \frac{\partial \varphi}{\partial a_1} \equiv 0$. Бундан регрессия тенгламасининг параметрларини аниқлаш учун қуйидаги нормал чизикли тенгламалар системаси келиб чиқади:

$$n a_0 + a_1 \sum x = \sum y$$

$$a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 = \sum xy$$

Бу ерда:

n - тўпламнинг ҳажми (бирликлар сони);

x_1, x_2, \dots, x_n - омил белгининг ҳақиқий қийматлари;

y_1, y_2, \dots, y_n - натижавий белгининг ҳақиқий қийматлари.

Системанинг параметрларга нисбатан умумий ечими ушбу кўринишда ёзилади:

$$a_0 = \frac{\sum y \cdot \sum x^2 - \sum xy \cdot \sum x}{n \sum x^2 - (\sum x)^2}$$

$$a_1 = \frac{n \sum y - \sum x \sum y}{n \sum x^2 - (\sum x)^2}$$

Регрессия тенгламасида X-омил белги олдидаги a_1 коэффициент иқтисодий таҳлил учун катта аҳамиятга эга. У регрессия коэффициенти деб номланади ва X-омилнинг самарадорлигини кўрсатади: омил бир бирликка ошганда натижа ўртача қанча миқдорга ошиши (ёки пасайиши)ни ифодалайди.

Республикаимиз соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги 25 та институтлар ва илмий марказлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг молиялаштириш суммаси ва унда иштирок этаётган ходимларга ўртача тўғри келган маблағ суммаси ўртасидаги боғланишни ўрганиб чиқамиз.

3.2.1-жадвал

Нормал чизиқли тенгламалар тизимининг коэффициентларини ҳисоблаш тартиби²⁶

№№	Ижрочи ташкилот номи	2009-2011 йиллар		x^2	$x*y$	$y_x=0,31698073+0,00016619*x$
		Молиялаштирилган маблағ, млн.сўм (x)	Лойиҳада иштирок этаётган бир ходимга ўртача бир ойда тўғри келган маблағ, млн сўм (y)			
1	Тошкент тиббиёт академияси	2424,1	0,518	5876260,8	1255,6	0,720
2	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	1057,7	0,387	1118729,3	408,9	0,493
3	Тошкент фармацевтика институти	485,2	0,408	235419,0	198,2	0,398

²⁶Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

4	Тошкент врачлар малака ошириш институти	926,5	0,436	858402,3	404,1	0,471
5	Андижон Давлат тиббиёт институти	102,2	0,355	10444,8	36,3	0,334
6	Самарқанд тиббиёт институти	229,5	0,290	52670,3	66,5	0,355
7	Бухоро тиббиёт институти	58	0,269	3364,0	15,6	0,327
8	Республика Онкология Илмий Маркази	1025,6	0,548	1051855,4	561,9	0,487
9	Л.М.Исаева номидаги паразитология илмий тадқиқот институти	157,5	0,125	24806,3	19,7	0,343
10	Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар ИТИ	1078,6	0,526	1163378,0	566,9	0,496
11	Вирусология илмий текшириш институти	762,7	0,504	581711,3	384,7	0,444
12	Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ	1226,2	0,448	1503566,4	549,5	0,521
13	Травматология ва ортопедия ИТИ	976,6	0,714	953747,6	697,2	0,479
14	Гематология ва қон қуйиш ИТИ	1552	0,743	2408704,0	1153,6	0,575
15	Педиатрия РИИАТМ	1533,6	0,495	2351929,0	759,7	0,572
16	Акушерлик ва гинекология РИИАТМ	1044,5	0,528	1090980,3	551,0	0,491
17	Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ	977,4	0,696	955310,8	680,4	0,479
18	Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ	763,1	0,471	582321,6	359,5	0,444
19	Дерматология ва венерология РИИАТМ	749,4	0,330	561600,4	247,6	0,442
20	Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказ	752,5	0,523	566256,3	393,2	0,442
21	Республика ихтисослашган хирургия маркази	1891,9	0,683	3579285,6	1291,2	0,631
22	Республика ихтисослашган	1288	0,559	1658944,0	720,0	0,531

	кордиалогия маркази					
23	Республика ихтисослашган урология маркази	83,9	0,388	7039,2	32,6	0,331
24	Республика Шошилинич Тиббий Ёрдам Илмий Маркази	1606,2	0,519	2579878,4	833,3	0,584
25	Республика неврохирургия маркази	360,2	0,303	129744,0	109,2	0,377
	ЖАМИ:	23113,1	11,8	29906349	12296,49	11,8

Тенгламадаги a_0 ва a_1 параметрларни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$a_0 = \frac{\sum y \cdot \sum x^2 - \sum xy \cdot \sum x}{n \sum x^2 - (\sum x)^2} = \frac{11,8 \cdot 29906349 - 12296,49 \cdot 23113,1}{25 \cdot 29906349 - 23113,1 \cdot 23113,1} = 0,31698073$$

$$a_1 = \frac{n \sum y - \sum x \sum y}{n \sum x^2 - (\sum x)^2} = \frac{25 \cdot 11,8 - 23113,1 \cdot 11,8}{25 \cdot 29906349 - 23113,1 \cdot 23113,1} = 0,00016619$$

Шундай қилиб, корреляцион боғланиш регрессиясининг тўғри чизикли тенгламаси қуйидаги кўринишни олади:

$$y_x = 0,31698073 + 0,00016619 \cdot x$$

Ушбу тенглама ёрдамида y қатордаги исталган қийматини аниқлаш мумкин. Масалан:

$$y_x = 0,31698073 + 0,00016619 \cdot 2424,1 = 0,720$$

.....

$$y_x = 0,31698073 + 0,00016619 \cdot 360,2 = 0,377$$

Бу ерда a_1 регрессия коэффиценти натижавий белги (y) билан омил белги (x) ўртасидаги боғланишни белгилаб беради. Бу эса омил белги бир бирликка ортганда натижавий белги неча бирликка ошади деган саволга жавоб беради.

Бизнинг таҳлилимизда $a_1 \approx 0,00016619$ га тенг демак лойиха миқдорини 1 млн сўмга ошириш натижасида лойихада ишлаётган ходимларга тўғри келадиган ўртача миқдори 0,166 минг сўмга ошишига олиб келади.

Нормал чизиқли тенгламалар тизимининг коэффициентларини ҳисоблаш тартиби²⁷

№№	Ижрочи ташкилот номи	2012-2014 йиллар		x^2	$x*y$	$y_x=0,56778529+0,000225732*x$
		Молиялаштирилган маблағ, млн. сўм	Лойиҳада иштирок этаётган бир ходимга ўртача бир ойда тўғри келган маблағ, млн сўм			
1	Тошкент тиббиёт академияси	3292,7	0,775	10841873,3	2552,3	1,311
2	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	1951,1	0,723	3806791,2	1409,9	1,008
3	Тошкент фармацевтика институти	1000,8	0,794	1001600,6	794,9	0,794
4	Тошкент врачлар малака ошириш институти	1405,6	0,738	1975711,4	1037,7	0,885
5	Андижон Давлат тиббиёт институти	232,1	0,461	53870,4	106,9	0,620
6	Самарқанд тиббиёт институти	254,2	0,642	64617,6	163,2	0,625
7	Бухоротиббиёт институти	132,0	0,245	17424,0	32,3	0,598
8	Республика Онкология Илмий Маркази	1955,1	1,293	3822416,0	2528,1	1,009
9	Л.М.Исаева номидаги паразитология илмий тадқиқот институти	276,5	0,284	76452,3	78,7	0,630
10	Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ	2233,3	1,108	4987628,9	2474,0	1,072
11	Вирисология илмий текшириш институти	1376,7	1,093	1895302,9	1504,2	0,879
12	Санитария, гигиена ва касб касалликлари	2126,2	0,984	4520726,4	2092,9	1,048

²⁷Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

	ИТИ					
13	Травматология ва ортопедия ИТИ	1931,8	1,412	3731851,2	2727,9	1,004
14	Гематология ва қон қуйиш ИТИ	2948,7	1,489	8694831,7	4391,3	1,233
15	Педиатрия РИИАТМ	2695,9	0,814	7267876,8	2194,4	1,176
16	Акушерлик ва гинекология РИИАТМ	2129,8	1,259	4536048,0	2680,8	1,049
17	Терапия ва тиббий тикланиш РИИАТМ	1732,1	1,069	3000170,4	1852,0	0,959
18	Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ	1524,9	1,210	2325320,0	1845,5	0,912
19	Дерматология ва венерология РИИАТМ	1685,6	0,755	2841247,4	1273,0	0,948
20	Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказ	1291,7	1,435	1668488,9	1853,9	0,859
21	Республика ихтисослашган хирургия маркази	3381,4	1,445	11433866,0	4886,3	1,331
22	Республика ихтисослашган кордиалогия маркази	2886,6	1,293	8332459,6	3733,2	1,219
23	Республика ихтисослашган урология маркази	151,2	0,840	22861,4	127,0	0,602
24	Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази	2769,1	0,927	7667914,8	2566,2	1,193
25	Республика неврохирургия маркази	551,8	0,568	304483,2	313,3	0,692
	ЖАМИ:	41916,9	23,7	94891834,5	45219,9	23,7

Тенгламадаги a_0 ва a_1 параметрларни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$a_0 = \frac{\sum y \cdot \sum x^2 - \sum xy \cdot \sum x}{n \sum x^2 - (\sum x)^2} = \frac{23,7 \cdot 94891834,5 - 45219,9 \cdot 41916,9}{25 \cdot 94891834,5 - 41916,9 \cdot 41916,9} = 0,56778529$$

$$a_1 = \frac{n \sum y - \sum x \sum y}{n \sum x^2 - (\sum x)^2} = \frac{25 \cdot 23,7 - 41916,9 \cdot 23,7}{25 \cdot 94891834,5 - 41916,9 \cdot 41916,9} = 0,000225732$$

Шундай қилиб, корреляцион боғланиш регрессиясининг тўғри чиқли тенгламаси қйидаги кўринишни олади:

$$y_x=0,56778529+0,000225732*x$$

Ушбу тенглама ёрдамида у қатордаги исталган қийматини аниқлаш мумкин. Масалан:

$$y_x=0,56778529+0,000225732*3292,7=1,311$$

.....

$$y_x=0,56778529+0,000225732*551,8=0,692$$

Бу ерда a_1 регрессия коэффиценти натижавий белги (у) билан омил белги (х) ўртасидаги боғланишни белгилаб беради. Бу эса омил белги бир бирликка ортганда натижавий белги неча бирликка ошади деган саволга жавоб беради.

Бизнинг таҳлилимизда $a_1 \approx 0,000225732$ га тенг демак лойиха миқдорини 1 млн сўмга ошириш натижасида лойихада ишлаётган ходимларга тўғри келадиган ўртача миқдори 0,226 минг сўмга ошишига олиб келади.

Демак, юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштириш маблағлари 2009-2011 йиллардагига қараганда 2012-2014 йилларда кўпайганини кўришимиз мумкин.

3.3. Республика соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштириш кўрсаткичларини динамик таҳлили

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадидасоғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлагиндек: “Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва

даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жорий йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Дастурда белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга яқин фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсони бўлган 350 нафардан ортик болаларда кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Лекин биз учун қанча маблағ кетгани эмас, балки юзлаб болаларимизнинг саломатлиги тиклангани муҳимдир”²⁸.

Ҳар қандай жамиятда иқтисодий-ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар ўзгариб, ўсиб, тараққий топиб боради. Оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эскидан янгига қараб боради. Статистика ижтимоий ҳодисаларни фақат мавжуд ҳолатда олиб қарамай, балки уларнинг вақт ичида ўзгаришини ҳам ўрганади. Ижтимоий ҳодисаларнинг вақт ичида ўзгариши статистикада динамика деб, шу жараёни таърифловчи кўрсаткичлар қатори эса динамика қатори деб юритилади. Динамика қаторларини таҳлил қилишда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар ўрганилаётган ҳодисанинг ўсиш ёки пасайиш йўналишини кузатишда, айрим қонуниятларни аниқлашда жуда муҳим роль ўйнайди.

Динамика сўзи грекча “dynamikos” сўзидан олинган бўлиб, кучга тегишли, кучли деган луғавий мазмунга эга. Бу атама ҳаракат ҳолатини, ўсиш ёки ривожланишни англатади.

Маълумки, моддий дунёда, турмушимизда барча ҳодиса ва жараёнлар доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда, тараққиёт эса оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эскидан янгига қараб боради. Статистика ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни нафақат мавжуд ҳолатда олиб қарайди,

²⁸Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” мавзусидаги маърузаси. 8 декабрь 2016 йил Халқ сўзи газетаси.

балки шу билан бирга уларнинг вақт давомида ўзгаришини, ривожланишини ҳам ўрганади. Ҳодисаларнинг вақт ичида ўзгариши статистикада динамика деб, шу жараёни таърифловчи кўрсаткичлар қатори эса динамика қаторлари деб юритилади.

Динамика қаторлари икки унсурдан таркиб топади: бири вақт моментлари ёки даврлар санаси, иккинчиси - уларга тегишли кўрсаткичлар.

Ривожланишда, динамикада қаралаётган ҳодиса меъёри (кўрсаткичи) вақт ўлчамига ва жой (макон) ўлчамига эга. Ўрганилаётган ривожланиш вақтининг умумий узунлигини ораликларга бўлиб қарасак, ҳар бир кесилиш нуқтаси момент (муайян он, пайт, фурсат) деб аталади, бир моментдан иккинчисигача ўтган вақт оралиғи (йил, квартал, ой, кун ва ҳ.к.) эса давр деб юритилади. Кетма-кетликда қаралаётган вақт моментлари ёки даврлар санаси динамика қаторининг биринчи таркибий унсури ҳисобланади.

Ҳодиса меъёрини муайян моментга нисбатан белгиласак, у ҳолда унинг захираси, яъни шу он ҳолатига бўлган миқдори (сони ва ҳ.к.) аниқланади. Агар ҳодиса меъёрини маълум давр учун ўлчасак, у ҳолда унинг муайян вақт оралиғидаги оқими, яъни ушбу давр давомидаги умумий миқдори (ҳажми ва ҳ.к.) аниқланади.

Демак, ўрганилаётган ҳодисанинг вақт моментларига ёки даврларга тегишли кўрсаткичлари динамика қаторининг иккинчи унсурини ташкил этади. Улар қатор даражалари деб аталади ва “У” орқали белгиланади.

Ҳар бир динамика қатори бошланғич U_0 , охириги U_n , муайян оралик U_i ва ўрта \bar{U} даражаларга эга.

Турмушимизда воқеалар турли шаклларда кечса ҳам, аммо уларнинг вақт қаторларида маълум тартиб, қоида, мунтазам равишда такрорланувчи бир текис (силлик) ёки тўлқинсимон ўзгаришлар кузатилади.

Динамика қаторларини таҳлил қилиш жараёнида бир қатор кўрсаткичлар ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар ўрганилаётган ҳодисанинг ўсиш ёки пасайиш тенденциясини кузатишда, айрим қонуниятларни аниқлашда жуда муҳим рол

ўйнайди. Кўрсаткичларни ҳисоблаш айриш ёки бўлиш усулида амалга оширилади. Натижада қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлинади:

- 1) мутлақ қўшимча ўсиш (ёки камайиш);
- 2) ўсиш (ёки камайиш) коэффициенти ёки суръати;
- 3) қўшимча ўсиш (ёки камайиш) коэффициенти ёки суръати (фоизда);
- 4) 1% қўшимча ўсишнинг (ёки камайишнинг) мутлақ қиймати.

Бу кўрсаткичлар иккита давр даражасини таққослаш натижасида олинади. Одатда таққословчи даража сифатида қаторнинг биринчи даражаси ёки олдинги йил даражаси қабул қилиб олинади. Агар ҳар бир даража ўзидан олдинги даража билан таққосланса (масалан, таққослаш йилма-йил бўлса), у ҳолда олинган кўрсаткич *занжирсимон*, агар ҳамма даража фақат доимий битта (масалан, бошланғич) давр даражаси билан таққосланса, у ҳолда олинган кўрсаткич *ўзгармас асосли (заминий)* кўрсаткич бўлади. Юқорида қайд қилинган кўрсаткичларини батафсил кўриб чиқамиз.

1. Мутлақ қўшимча ўсиш ёки камайиш- ҳар қайси кейинги давр даражасидан бошланғич ёки ўзидан олдинги давр даражасини айриш йўли билан аниқланади.

$$\Delta_{\text{зам.}} = y_i - y_0 \quad (\text{базисли усул})$$

ёки

$$\Delta_{\text{занж.}} = y_i - y_{i-1} \quad (\text{занжирсимон усул})$$

Бу ерда:

Δ - мутлақ қўшимча ўсиш ёки камайиш,

y_i - жорий, таққосланувчи давр даражаси,

y_0 - базис, таққосланадиган давр даражаси,

y_{i-1} - олдинги давр даражаси.

Бу кўрсаткич таққосланувчи давр даражаси таққосланадиган давр даражасига нисбатан қанча бирликка катта (кичик) эканлигини кўрсатади. Мутлақ ўзгариш кўрсаткичи таҳлил жиҳатидан камчиликлардан холи эмас, чунончи у ҳодиса ўзгаришидига интенсивликни яққол ифодаламайди. Шунинг

учун ҳам динамика қаторларини таҳлил қилаётганда улар нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш билан тўлдирилади.

2. Ўсиш ёки камайиш коэффициенти ёки суръати ($K_{к.к.}$) - ҳар қайси кейинги давр даражаси бошланғич ёки ўзидан олдинги давр даражасига нисбатан қанча мартаба ёки фоизга катта ёки кичик эканлигини кўрсатади. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун ҳар қайси кейинги давр даражасини бошланғич ёки ўзидан олдинги давр даражасига бўлиш, суръатда эса яна юзга кўпайтириш керак.

$$K_{\text{зам.}} = \frac{Y_i}{Y_0} \cdot 100 \quad \text{ёки} \quad T_{\text{зам.}} = \frac{Y_i}{Y_0} \cdot 100 \quad (\text{базисли усул}).$$

$$K_{\text{занж.}} = \frac{Y_i}{Y_{i-1}} \cdot 100 \quad \text{ёки} \quad T_{\text{занж.}} = \frac{Y_i}{Y_{i-1}} \cdot 100 \quad (\text{занжирсимон усул}).$$

Жорий давр даражасини базис давр даражаси билан таққослашдан олинган натижа 1 дан катта бўлса, у жорий давр даражаси базис давр даражасига нисбатан неча марта кўп эканлигини, суръатда эса неча фоиз ташкил этишини англатади. Агар кичик бўлса, у ҳолда жорий давр даражаси базис давр даражасининг қанча қисмини (ёки фоизини) ташкил қилишини кўрсатади. Ўсиш ёки камайиш суръати неча процентга кўп ёки оз эканлигини аниқлаш учун қўшимча ўсиш ёки камайиш суръати аниқланади.

3. Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати (T) ҳам икки усулда аниқланиши мумкин. Биринчи усулда ҳар бир кейинги давр даражасидан бошланғич давр даражаси айирилиб, 100 га кўпайтирилади ва бошланғич давр даражасига бўлинади:

$$\Delta_{T_{\text{зам}}} = \frac{(Y_i - Y_0) \cdot 100}{Y_0} \quad \text{ёки} \quad \Delta_{T_{\text{зам}}} = \frac{Y_i \cdot 100}{Y_0} - 100 \quad (\text{базисли усул}),$$

Иккинчи усулда ҳар бир кейинги давр даражасидан олдинги давр даражаси айирилиб, 100 га кўпайтирилади ва ўзидан олдинги йил даражасига бўлинади:

$$\Delta_{T_{\text{занж}}} = \frac{(Y_i - Y_{i-1}) \cdot 100}{Y_{i-1}} \quad \text{ёки} \quad \Delta_{T_{\text{занж}}} = \frac{Y_i \cdot 100}{Y_{i-1}} - 100 \quad (\text{занжирсимон усул}).$$

Агар ўсиш ёки камайиш суръатлари ҳисобланган бўлса, у ҳолда қўшимча ўсиш (камайиш) суръатини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\Delta_T = T - 100.$$

Занжирсимон қўшимча ўсиш (камайиш) суръати айрим ҳолларда ўзгармас ёки муттасил пасайиб бориш тенденциясига эга бўлиши мумкин. Аммо бундан қўшимча ўсиш сўниб бормоқда деган хулоса келиб чиқмайди. Буни исботлаш мақсадида 1% қўшимча ўсиш (камайиш)нинг мутлақ қиймати деган кўрсаткич ҳисобланилади. Бунинг учун мутлақ қўшимча ўсиш қиймати занжирсимон қўшимча ўсиш суръатига бўлинади:

$$1\% \text{ қиймати} = \Delta_{\text{зам}} / \Delta_{\text{занж}} = Y_{i-1} / 100$$

Қайд қилинган кўрсаткичларни ҳисоблаш тартибини мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида илмий текшириш ва инновация жараёнларини молиялаштириш кўрсаткичлари орқали таҳлил қилиб чиқамиз.

3.3.1-жадвал

Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказида 2010-2014 йилларда лойихаларни молиялаштирилган суммаси тўғрисида маълумот, жорий нархларда²⁹

Йиллар	Молиялаштириш суммаси, минг сўм	Абсолют қўшимча ўсиш, минг киши		Ўсиш ёки камайиш суръати, %		Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати		1% қўшимча ўсиш (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши	
		Базисли усул ($y_i - y_0$)	Занжирсимон ($\delta_i - y_{i-1}$)	Базисли усул ($\frac{y_i}{y_0} \cdot 100$)	Занжирсимон ($\frac{y_i}{y_{i-1}} \cdot 100$)	Базисли усул ($\frac{y_i \cdot 100}{y_0} - 100$)	Занжирсимон ($\frac{y_i \cdot 100}{y_{i-1}} - 100$)	$\frac{(y_i - y_{i-1})}{y_{i-1}} \cdot 100$	Занжирсимон усул $\frac{y_{i+1}}{100}$
А	1	2	3	4	5	6=4-100	7=5-100	8=3:7	9=1:100
2010	40299	-	-	-	-	-	-	-	-
2011	57142	16843	16843	141,8	141,8	41,8	41,8	403,0	403,0
2012	74000	33701	16858	183,6	129,5	83,6	29,5	571,4	571,4
2013	90798	50499	16798	225,3	122,7	125,3	22,7	740,0	740,0
2014	107686	67387	16888	267,2	118,6	167,2	18,6	908,0	908,0

²⁹Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

3.3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010-2014 йилларда Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказда лойиҳаларни молиялаштирилган суммаси динамикаси келтирилган. 2010 йилга нисбатан 2014 йилда абсолют қўшимчи ўсиш 67387 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Ўсиш ёки камайиш суръати эса, 2010 йилга нисбатан 2014 йилда 267,2 фоизни ташкил қилган. Қўшимча ўсиш суръати 2010 йилга нисбатан 2014 йилда 167,2 фоизни ташкил қилган. 1 фоиз қўшимча ўсиш 2011 йилда 403,0 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 908 минг сўмни ташкил қилган.

Динамика қаторларини таҳлил қилиш усулларидан яна бири тўғри чизиқли динамика қаторларини аналитик текислаш усули ҳисобланади.

Динамика қаторларини таҳлил қилишда пайдо бўладиган асосий масалалардан бири ўрганилаётган ҳодисадаги умумий қонуниятларни тўғри аниқлашдир. Кўпгина ҳолларда дастлабки динамика қатор маълумотларини ҳар хил жойлашганини (гоҳ юқори, гоҳ пастда), натижада ўрганилаётган ходисамизнинг умумий тенденциясини ноаниқлигини кўрамиз. Бундай ҳолларда тегишли қонуниятни аниқлаш мақсадида ҳир хил усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Аналитек текислашда: қатор даражасидаги умумий тенденция ва унинг характери аниқланади. Қаторнинг характериға қараб тўғри чизиқли, парабола ёки гипербола ва бошқа чизиқлар танлаб олинади. Танлаб олинган математик тенгламадаги a_0 ва a_1 параметрлари кичик квадратлар $\sum (Y - \bar{Y}_t)^2 \Rightarrow (\bar{Y}_T)$ қатор ҳисобланади.

Тўғри чизиқли тенглама қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$Y_t = a_0 + a_1 t$$

Тенгламани a_0 ва a_1 параметрларини қуйидаги нормал тенгламалар системасини ечиш орқали топилади:

$$\begin{cases} a_0 n + a_1 \sum t = \sum Y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum Y_t \end{cases}$$

Бу ерда:

Y – динамика қаторлари ҳақиқий даражаси;

n – даражалар сони.

Ҳисоблашни соддалаштириш учун ($\sum t=0$)га тенглаштириб оламиз, y ҳолда юқоридаги тенглама қуйидаги кўринишни олади:

$$\begin{cases} a_0 n = \sum Y \\ a_1 \sum t^2 = \sum Y t \end{cases}$$

$$Y \text{ ҳолда } a_0 = \frac{\sum t}{n}, a_1 = \frac{\sum Y t}{\sum t^2}$$

a_0 ва a_1 параметрларни аниқлаш учун $\sum Y$, $\sum Y t^2$ ва $\sum t Y$ ларни ҳисоблашимиз лозим. Қуйида берилган маълумотлар асосида номаълум кўрсаткични ҳисоблаб чиқамиз. Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказда 2010-2014 йилларда лойихаларни молиялаштирилган суммасини аналитик текислаймиз.

3.3.2-жадвал

Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказида 2010-2014 йилларда лойихаларни молиялаштирилган суммасини тўғри чизиқли динамика қаторларини аналитик текислаш жадвали, жорий нархларда³⁰

Йиллар	Молиялаштириш суммаси, минг сўм	Шартли йиллар, t	t^2	$Y*t$	\bar{Y}_t
2010	40299	-2	4	-80598	40299
2011	57142	-1	1	-57142	57142
2012	74000	0	0	0	73985
2013	90798	1	1	90798	90828
2014	107686	2	4	215372	107671
	$\sum Y = 369925$	$\sum t = 0$	$\sum t^2 = 10$	$\sum Y t = 168430$	$\sum \bar{Y}_t = 369925$

³⁰Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

a_0 ва a_1 параметрларни ҳисоблаймиз:

$$a_0 = \frac{\sum Y}{n} = \frac{369925}{5} = 73985; a = \frac{\sum \bar{Y}_t}{\sum t^2} = \frac{168430}{10} = 16843$$

Ҳисобланган параметрлар асосида динамика қаторларини текисланган тўғри чизиқли тенгламасини тузамиз: $\bar{Y}_t = 73985 + 16843 \cdot t$

Келтирилган тенглама жадвалда келтирилган t нинг қийматини қўямиз ва натижада Y_t ни текисланган назарий қийматларини оламиз.

$$2010 \text{ йил учун } = \bar{Y}_t = 73985 + 16843 \cdot (-2) = 40299$$

$$2011 \text{ йил учун } = \bar{Y}_t = 73985 + 16843 \cdot (-1) = 57142$$

$$2012 \text{ йил учун } = \bar{Y}_t = 73985 + 16843 \cdot 0 = 73895$$

$$2013 \text{ йил учун } = \bar{Y}_t = 73985 + 16843 \cdot 1 = 90828$$

$$2014 \text{ йил учун } = \bar{Y}_t = 73985 + 16843 \cdot 2 = 107671$$

Текисланган даражалар 3.1.2-жадвалнинг охириг устунида кўрсатилган.

Тўғри чизиқли текислаш натижасида олинган тенгламадаги регрессия коэффиценти ($a_1 = 16843$) 2010-2014 йиллар давомида Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология Илмий Амалий Марказда лойихаларни молиялаштирилган суммасинийилига ўртача 16843 мингсўмга ортганлигидан далолат беради.

IVбоб. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ ВА ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

4.1. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш муассасаларида илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш амалиётидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи яратилди. Табиийки, бунда давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасида илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими – қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Вилоят марказларида эса катталар ва болаларга ихтисослашган тиббиёт муассасалари бунёд этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган тиббий марказлар, кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Аҳолининг тиббий хизматларга бўлган талабини қондиришда соғлиқни сақлаш соҳасининг молиявий барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, соғлиқни сақлаш тизимини самарали молиялаштиришнинг мақсади-аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланишларида конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, тиббий хизматлар ташкил этилишининг ижтимоий тенгсизлигини камайтириш ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодийни модернизациялаштириш босқичида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Республикаимизда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий ислохотлар ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 1998 йилда “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Концепцияси” ва “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури”³¹ ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И. А. Каримов ушбу масала хусусида тўхталиб, «Соғлиқни сақлаш соҳасидақишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилди. Бундай тиббиёт масканларининг сонини янада оптималлаштириш, замонавий диагностика ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Оптималлаштириш натижасида камқувватли ва самарасиз фаолият кўрсатаётган 243 та қишлоқ врачлик пункти тугатилди.

Бўстонлик, Ўзбекистон, Шаҳрисабз, Хива ва Жомбой туманларида патронаж тиббиёт ҳамширасининг ўз функционал вазифаларини нечоғлиқ тўлиқ бажариши ва фаолиятининг якуний натижа-ларидан келиб чиққан ҳолда, унинг иш самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш тизими тажриба тариқасида жорий этилди. Бу йил ушбу тажрибани мамлакатимизнинг яна 18 та туманида қўллаш мўлжалланмоқда»³²-деб таъкидлаб ўтганлари беъжизга эмас. Жумладан, тизимни ислох қилишнинг давлат дастури республикаимиз соғлиқни сақлаш тизимини тубдан янгилаб, соҳада амбулатория-поликлиника ва профилактика тиббиётига кенг имкониятлар яратиб, уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини таъминлашнинг ўзига хос бўлган «ўзбек модели» шакллантирилди. Таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларда қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиши, уларни молиялаштиришнинг аҳоли жон

³¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.- Тошкент, 2009. –№25. 282-модда.

³²Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январь, № 11 (6194).

бошига тўғри келувчи харажатлар миқдоридан келиб чиқиб, амалга ошириш услубиятини жорий этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Соғлиқни сақлаш тизимида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу биринчи навбатда, аҳолининг соғлигини сақлашда юқори натижаларга мувофиқ бўлмоқда. Бугунги кунда бир қатор халқаро институтларнинг баҳосига кўра, аёлларга қулай шароитлар яратиш ва оналикни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистан жаҳоннинг 125 та давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Ҳозирга келиб ушбу кўрсаткич Марказий Осиёда энг яхши, МДҲ ва Осиёда эса, юқори саналади. Шунингдек, ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқ бўйи ва МДҲ бўйича ҳудудий идораси томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурлари регионал модель сифатида тан олинди.

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 13 апрелдаги, «2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2009 йил 1 июлдаги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўп эзгу ишлар қилинди.

Мамлакатимизда 1991 йилдан буён оналар ва болалар ўлими уч баравар камайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Мамлакатимизда бу кўрсаткич фақат шаҳарларимиздагина эмас, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Шу ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонимиз «Savethechildren» («Болаларни асрайлик») ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи 10 мамлакат қаторига киритилди. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакат аҳолиси таркибида қариялар улуши ошиб, ёшлар улуши озаймоқда. 2010 йилдаги аҳолини

рўйхатга олиш натижаларига кўра, Хитойда 60 ёшдан ошган аҳоли улуши 13,3 фоизга етган. 14 ёшгача бўлган болаларнинг улуши эса аҳоли умумий сонининг 20 фоизидан ҳам пастга тушганлиги айтилмоқда. Хитой аҳолисининг сони 1,34 млрд. кишига тенг. Тахминларга кўра, 2020 йилга келиб ушбу мамлакатда 1,43 млрд. киши яшайди. 2033 йилда эса ушбу кўрсаткич 1,5 млрд. кишига қадар кўпаяди.

Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида Давлат бюджетининг харажатларида соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш орқали аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш таъминланмоқда. Бюджетдан ажратилган маблағларнинг самарадорлигини ошириш, тизимда инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни мақбуллаштириш, бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ, ўз вақтида амалга ошириш, тўлов интизомини мустақкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад аҳолини қулай ва сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш муаммоларини бартараф этиш, соҳанинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган. Хусусан, аҳоли соғлиғини сақлаш кўрсаткичларини халқаро андозалар даражасига етказиш, тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмларини янада мақбуллаштиришга йўналтирилмоқда.

Республика соғлиқни сақлаш тизими хизмат кўрсатиш соҳасига киради. Иқтисодчилар хизматларга кўпинча моддий қимматдорликларга қаратиладиган барча фойдали фаолият турларини киритишади, яъни у ёки у фаолият турини хизматлар соҳасига киритишнинг асосий мезони бўлиб, ушбу соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўринмайдиган характери ҳисобланади. Хизматларни асосан ҳис қилиб бўлмайди ва улар бир нарсага эгалиқни олиб келмайди. Бу ҳолат биринчи навбатда жаҳон хизматлар кўрсатишида катта ҳиссага эга бўлган хизматларни ажратиб кўрсатиш билан боғлиқдир. Жумладан, транспорт ва туризм хизматлари билан савдо қилишнинг $\frac{1}{4}$ қисми тўғри келади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга, такрор ишлаб чиқариш жараёнларини инсон манфаатлари учун бўйсундиришга қаратилган. Уни ҳар томонлама шахс сифатида ривожланишини таъминлашга қаратилган иқтисодий тизимни яратишдир. Жамиятимизнинг ривожланиш даврида соғлиқни сақлаш тизими иқтисодимизнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳаси ва ўзига хос тармоғи бўлиб, бу тизимнинг асосий вазифаси – фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларга юқори малакали тиббий-профилактик ёрдам кўрсатишни таъминлашдан иборатдир. Соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий ислохотлар даврида бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан унда ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари ва субъектлари сингари мулкчиликнинг турли турли ўрин ишлари шаклланиб келмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида тиббий муассасалар мулкчиликнинг турли шаклидан ва ташкилий-ҳуқуқий мақомидан қатъий назар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлашни давлат мунтазам равишда ўз назорати остига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, ишшароитини яхшилаш, дам олишга шароит яратиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашда асосий тамойиллигича қолади. Жумладан, аҳолининг саломатлигига, жисмоний ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир этади: яшаш тарзи шароитлари – 48-50%, табиий муҳит – 20-22%, инсон генетикаси(насли) – 18-20%, соғлиқни сақлаш тизими – 8-14%. Инсоннинг саломатлигига соғлиқни сақлаш тизими бор-йўғи 8-14%таъсир этишлигига қарамаздан, ушбу тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш аҳолининг соғлиғини сақлашда муҳим рол ўйнайди.

Шу жумладан, иқтисодий муаммоларнинг ечими соғлиқни сақлаш тизими учун ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш соҳаси иқтисодиёт нуқтаи назаридан икки жабҳада таҳлил этилмоғи мақсадга мувофиқдир:

- соғлиқни сақлаш тизимининг самараси ёки соғлиқни сақлаш тизимини жамият ривожланишидаги ўрни ва давлат томонидан соғлиқни сақлаш тизими учун мақсадли, тежамкорона ишлатиш зарурати;

- соғлиқни сақлаш тизимини ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш қобилияти, иқтисодий эркинлаштириш ва институционал ислохотларга мослашувчанлиги.

Мамлакатимизда бозор иқтисодийнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни аниқ ижтимоий йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Ислохотлар бошидан давлат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодийни қуриш йўлидан борди. Ислохотларни амалга оширишнинг мураккаб шароитида соғлиқни сақлаш соҳаси ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридан. Мамлакат бюджетидан ҳам, халқаро жамғармалар томонидан ҳам молияланаётган кўплаб ижтимоий дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Уларнинг барчаси соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштириш, тиббий ходимлар малакасини ошириш, мамлакат аҳолисига тиббий хизматлар кўрсатишни яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар аҳолининг тиббий хизматга ўсиб бораётган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва миллат соғлиғи соҳасида мустақил ижтимоий ва демографик вазиятни таъминлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш имконини бермаяпти. Давлат бюджети ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича оғир юкни ўз зиммасига олган, қуйида кўрсатиб ўтилган рақамлардан кейинги йилларда соғлиқни сақлашга давлат ҳаражатлари улушининг ошиб бориши тенденцияси кузатилмоқда.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий жиҳатдан бой ёш авлодни тарбиялашда соғлиқни сақлаш тизимини роли беқиёсдир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг бир қанча йўналишлар бўйича, аввало, оилага, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилишнинг дунёнинг энг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий асослари яратилди ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қанча Давлат дастурлари қабул қилинди. Мамлакат стратегик тарққиёти билан уйғун равишда ишлаб чиқилган ҳамда шошилишч тиббий хизмат тизимини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш босқичида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И. А. Каримов ушбу масала хусусида тўхталиб, «Фақат 2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу эса касалликларни барвақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини бермоқда.

Ана шундай амалий ишларимиз натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди»³³, деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Шу нуқтаи назардан, республикаимизда аҳолини сифатли тиббий хизматлар билан таъминлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини

³³Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январь, № 11 (6194).

молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Илмий изланишлар натижасида аниқланганки, қон-томир касалликлари гуруҳида даволаш-профилактик чора-тадбирларни ташкил этилганда сарфланган маблағ билан иқтисодий самаранинг нисбати 1:12 ни, онкологик касалликлар гуруҳида 1:19 ни, полиомиелит хасталигини тугатиш оқибатида эса иқтисодий ҳаражат ва самара мос равишда 1:63 нисбатни ташкил этади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, жамиятнинг ривожланишида ижтимоий ислохотлар давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан ҳисобланади. Бу ўринда, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бўлган барча муаммолар ва вазифалар иқтисодий-сиёсий ислохотлар стратегияси ва мазмунига мос тушиши лозим. Аҳоли саломатлиги – мамлакатнинг бойлиги. Мамлакат иқтисодиётининг, илм-фан равнақининг, маданиятнинг ривожланиши аҳоли соғлиғининг салоҳиятига боғлиқ. Шу жиҳатдан айтиш жоизки, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти соғлиқни сақлаш тизими самараси ва ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Демак, аҳоли соғлиғи салоҳияти жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларида ўз ифодасини топади. Масалан, аҳолининг табиий ўсиш суърати, умумий ўлим кўрсаткичи, гўдаклар ўлими (1 ёшгача бўлган), оналар ўлими ва бошқа кўрсаткичлар. Муайян мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини белгиловчи мезонлар, бошқача қилиб айтганда, иқтисодий-ижтимоий индикаторлари бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши салмоқли қисмни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини ва унинг бюджет маблағларига нисбатан улушини ошириш лозим. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда яратилган зарурий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини оширишга бизда етарлича салоҳият ва имкониятлар мавжуд.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хулоса қилишимиз мумкинки, республика бюджетига тиббиёт муассасаларининг жами бюджетдан ташқари

маблағлари ҳажми ортиб борган. Бундан ташқари, ҳудудларда ўзини - ўзи молиялаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳамда ташкил этилган шарт-шароитлар бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини ошириш ва улар динамикаси барқарорлигини таъминлаш талаб этилади (1-расмга қаранг). Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори ва давлат соғлиқни сақлаш тизимида бюджетдан ташқари маблағлар ҳажми ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш натижасида қуйидаги тенденция аниқланди: $y=0,0017x-223,97$ (аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори мустақил ўзгарувчи, $R^2=0.9659$).

Тадқиқотлар кўрсатадики, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори ортиб борса, аҳолининг пуллик тиббий хизматларга бўлган талаби ҳам шунга мутаносиб ўсиб борар экан. Шунини таъкидлаш лозимки, аҳоли жонбошига тўғри келувчи ЯИМ миқдорининг 132335,3 сўмга ортиши ҳисобига аҳоли жон бошига пуллик хизматлар ҳажмининг бир сўмга кўпайишини аниқлаймиз.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И. А. Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1652-сонли қарори республикамизда соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш доирасида ўзига хос аҳамият касб этади.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи харажатлар услубидан фойдаланиб тизимни молиялаштиришни қуйида келтирилган формулага асосан амалга ошириш мақсадга мувофиқ³⁴:

³⁴ Рахмонов Д.А. «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш» 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012.

$$X_{жс} = \frac{M_{кк} \times M_{км} + M_{дк} \times M_{дм} + M_{км} \times M_{вк} + M_{чм} \times M_{чх}}{1000} + \frac{X_{их} + X_{тс}}{C_a}$$

Бу ерда:

$X_{жс}$ – жон бошига харажатлар;

$M_{кк}$ – 1000 киши йилига стационарда амалга ошириладиган касал ўрни-кун меъёри сони;

$M_{км}$ – стационарда бир касал ўрни-кун учун ўртача молиялаштириш меъёри; $M_{дк}$ – 1000 кишининг кундузги стационарда йилига даволаниш куни, меъёри;

$M_{дм}$ – кундузги стационарда 1 кунлик даволанишга ўртача молиялаштирилиш меъёри;

$M_{км}$ – бир врач учун катновларга молиялаштириш, меъёри;

$M_{вк}$ – 1000 кишининг йилига врачга катновлари сони меъёри;

$M_{чм}$ – 1000 кишига тез тиббий ёрдам чақирувлар сони, меъёри;

$M_{чх}$ – бир тез тиббий ёрдам чақируви учун харажатлар меъёри;

$X_{их}$ – соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш харажатлари;

$X_{тс}$ – МТС (мажбурий тиббий суғурта) тизими маъмурий харажатлари;

C_a – аҳоли сони.

Илмий тадқиқот ишида, республикаимиз соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда «Нативавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш» услубиятини қўллаш лозимлиги борасидаги таклиф. Президентимиз томонидан таъкидланган «Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг моддий-техник, илмий ва амалий базаси янада яхшиланади, улар акциядорлаштирилади, марказларнинг тиббиёт ходимларини рағбатлантириш, яқуний натижалар учун уларнинг масъулиятини ошириш механизмлари жорий

этилади”³⁵. Мазкур услубиятни қўллаш учун қуйидаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ:

- молиялаштиришни дастурлаштиришда соғлиқни сақлаш тизимининг умумий функциялари доирасида барча тиббиёт муассасалари фаолиятларини координация қилиш;

- тиббий хизматларни ўзида мужассамлаштирган узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқишни кенгайтириш;

- натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш жараёнини ташкил қилиш ва уни амалга ошириш юзасидан ҳуқуқий-меъёрий базани шакллантириш;

- бюджетдан маблағ олувчи тиббиёт муассасалари фаолиятида улар эришиши лозим бўлган натижаларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқиш;

- эришилган натижаларнинг самарадорлигини аниқлаб, уларни баҳолаб бориш учун натижалар мониторингини амалиётга жорий этиш;

- натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш жараёнини ишлаб чиқиб молиялаштириш ишларини такомиллаштириш лозим.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини ошириш борасида бир қанча ишлар қилинди, жумладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги самарали ишларда буни яққол кўриш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ривожланган мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш тажрибасини, келажакдаги истиқболни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодий ривожланган давлатларда аҳолининг барча қатлами тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиши, тиббий-профилактик жараёнларда қимматбаҳо технологияларнинг қўлланилиши, тиббий хизматлар нарҳининг ўсиши, маъмурий харажатларнинг кўпайиши соғлиқни сақлаш тизимида харажатларнинг ўсишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, ҳозирги кунда тиббий хизматлар нарҳининг ўсишини

³⁵ Каримов И.А. «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзuidaги халқаро симпозиум очилишидаги нутқи. Халқ сўзи 29 ноябрь.

пасайтиришга, унинг самарадорлигини, сифатини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Кўпгина ривожланган мамлакатлар тиббий суғурталаш жамғармалари ёрдамида самарали соғлиқни сақлаш тизими шакллантирилиб, ялпи харажатларни қоплашда бу жамғармалар асосий манба сифатида қабул қилинган.

Ривожланган давлатлар тажрибасида тиббий суғуртанинг турли ташкилий шакллари мавжуд. Суғурта тизими молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб, унинг қуйидаги шакллари мавжуд: давлат, ижтимоий, хусусий, тиббий, аралаш суғурта тизимлари. Бундан ташқари, тиббий суғурта тизими ижтимоий ва давлат жамғармаларидан ҳам тўла молиялаштирилиши мумкин.

Ҳозирги кунда кўпчилик иқтисодий ривожланган давлатларда тиббий суғурта тизимини, суғурталаш жараёнларини давлат томонидан унификациялаш ва суғурта жамғармаларини марказлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу ҳолда молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ҳамда ҳисобот тизимини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга, жумладан, тиббий хизматларга муайян нархларни белгилаш. Бундай нархлар прејскуранти касалликларнинг клиник-статистик гурҳларига асосланади. Бир турдаги беморлар гуруҳини даволашда тиббий хизмат нархларини табақалаштириш, кўламини аниқлаш имконини беради. Даволаш нархи касалликларнинг клиник-статистик гуруҳлари асосида шакллантирилган меъёрлари бўйича белгиланади ва у кўпгина давлатларда кенг қўлланилади.

Жаҳон тажрибасида аҳолининг барча қатлами учун тиббий хизмат олиш имконини берадиган тиббий суғурта тизимини идеал модели мавжуд эмас. Шу билан биргаликда, хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганмасдан туриб, республикада тиббий суғурта тизимини эорий этиб бўлмайди. АҚШ да фуқароларнинг соғлиғини хусусий ва оилавий суғурталаш (74% ни ташкил этади) асосан, корхоналар томонидан гуруҳли суғурталаш услубида амалга оширилади, ҳамда “Медикер” (65 ёшдан ошганлар ва ногиронлар учун – 13% ни ташкил қилади) Давлат миллий дастури ва “Медикейд” (кам таъминланган

аҳоли қатлами учун – 9% ни ташкил этади) штатларнинг ижтимоий дастурлари ва хусусий суғурта манбалари ҳисобидан қопланади. АҚШ аҳолисининг 95 фоизи касалланиш ёки жароҳатланиш ҳодисасидан суғурталанган.

Бир қанча мамлакатларда амбулатория-поликлиника бўғинида амалиётчи врачлар гуруҳи рағбатлантирилади. Врачлар гуруҳи муайян бир ҳудудда яшайдиган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун мажбурият олади, бу ҳолда тиббий суғурта ташкилоти томонидан белгиланган бадаллар олдиндан тўланган бўлишлари шарт. Шунинг учун врачлар тиббий-диагностик хизматларни кўрсатишдан кўра, профилактик, соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга ҳаракат қиладилар, чунки улар бундан кўпроқ манфаатдор бўладилар. Ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимлари қатор афзалликлари билан бирга бир қанча нуқсонларга эга. Мисол учун, АҚШ да 1988 йилда Харрис хизмати аҳоли ўртасида ўтказилган сўровлар натижасини эълон қилган: аҳолининг 10 фоизи мавжуд соғлиқни сақлаш тизимини “яхши” деб баҳолаган ва унга “баъзи бир” ўзгартириш киритиш етарди деб, ҳисоблаган. Аҳолининг 89 фоизи эса соғлиқни сақлаш тизимининг “таъмирлаш” лозим деб, ҳисоблаган. Канадада соғлиқни сақлаш тизимини 61% америкалик, Британия соғлиқни сақлаш тизимини эса 29% америкалик афзал кўрган (таққослаш учун: сўров ўтказилганда 56% канадалик мавжуд соғлиқни сақлаш тизимини “яхши” деб баҳолаган).

Америкалик 24 млн. аҳоли зарур тиббий хизматни ололмаган, 14 млн. америкалик эса тиббий хизмат қиммат бўлгани учун тиббий хизматни олиш имкониятига эга бўлмаган (Канада аҳолисининг 1% идан камроғи тиббий хизматни ололмаган). “НБС Ньюс” хизматининг 1989 йилда ўтказилган сўровлари натижасида 92% америкалик тиббий хизматга нархларнинг ўсишдан ташвишда эканлиги, 2/3 қисми эса миллий соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлашини билдирган. Демак, АҚШ да аҳолининг турмуш даражаси тиббий хизматдан баҳраманд бўлишини белгилайди. Шунингдек, онкологик касалликлар, мия қон томирлари, грипп ва зотилжам, қандли диабет 1960 йил

кўрсаткичлари даражасида. Бир ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи бўйича, 20 та ривожланган мамлакатлар ичида охириги ўринда туради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тиббий суғурталашни босқичма-босқич жорий этиш учун асос тайёрланмоқда. Бу мақсадларда мавжуд даволаш-профилактик муассасаларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, таъсисчилар ҳисобига қурилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, хусусий даволаш профилактик муассасалар барпо этилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий суғурта ҳамда хусусий тиббий суғурта бадаллари мавжуд. Ижтимоий суғурта бадаллари тиббий хизматларга ишлатилиши назарда тутилмаган тўловлардир. Ушбу мақсадли солиқлар иш беручилар томонидан иш ҳақи фондидан чегирмалар тарзида ёки ходимлар томони-дан шахсий иш ҳақидан бадал бериш тарзида тўланади. Улар давлат бюджетидан ажратилган ва шу сабабли бюджетдан ташқари жамғармалар деб номланган ижтимоий суғурта жамғармаларида тўплаб борилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи юртимиз раҳбари раҳнамолигида давлатимиз сиёсатида муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида кенг кўламли ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги (2007 йил 19 сентябр) Фармонида аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъинлаш мақсадида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, тиббий муассасаларини замонавий янги, жумладан, хориждан олиб келинадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида катта имтиёзлар жорий этилди.

Ушбу Фармонга мувофиқ, эндиликда юртимизда фаолият кўрсатиб турган тўртта тиббиёт маркази тажрибасидан келиб чиққан ҳолда яна 6 та, жумладан, Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси ва аёлларларнинг репродуктив саломатлик марказлари негизда

шу тизимга ихтисослашган марказ ташкил этилмоқда. Ана шу мақсадда, йил бошиданок давлат бюджети ҳисобидан керакли миқдорда маблағ ажратилди. Аини пайтда, ушбу маблағ эвазига тиббий муассаса тубдан реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланяпти. Бундан ташқари 2009 йилда ушбу ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ Япония давлати томонидан уч ярим миллион АҚШ доллари ҳажмидаги грант асосида замонавий даволаш диагностика аппаратлари билан жиҳозланиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда мазкур марказнинг Нукус, Қарши, Жиззах ва Наманганда ҳам филиаллари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

4.2. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий изланиш ва инновация жараёнларга жалб этилган маблағлардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ этиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро андозалар ва талаблар асосида шакллантириш муҳим масалага айланди. Амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, молиявий маблағлар билан таъминлашнинг такомиллашган шакллари жорий этиш ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлагандек: “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш ҳажми 2,5 баробар кўпайди”³⁶ – ушбу сўзлар замирида соҳада амалга оширилган ислохотларнинг натижаси ўз аксини топган десак хато бўлмайди.

Жорий этилаётган чора-тадбирлардан кўзланган асосий вазифа республикамизда халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш

муассасаларини молиялаштиришда давлат сарф-харажатларини мумкин бўлган меъёргача камайтириш ва аҳолини тиббий хизматлар билан ялпи қамраб

³⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзuidaги халқаро симпозиум очилишидаги нутқи. //Халқсўзи, 29 ноябр №231(5398).

олувчи маблағлардан самарали ва натижавий фойдаланишни таъминловчи янгича бир тизимни яратиш муҳим бўлиб қолмоқда. Фикримизча, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришмарказлаштирилган бошқарув усуллари ва ривожлантиришнинг бозор иқтисодиётига хос механизмларини излаш заруратини намоён этмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришга бундай ёндашувнинг долзарблиги республикада иқтисодиётнинг институционал ва таркибий такомиллашуви, иқтисодиётнинг изчил ривожланишида ушбу соҳага халқаро амалиётда тажрибадан ўтган тамойил ва услублар жорий этилиши билан ҳам изоҳланади. Ушбу тажрибаларни таҳлил этиш соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш тенденцияларини башорат қилиш усуллари ишлаб чиқишга имкониятлар яратади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини самарали молиялаштиришнинг асосий мақсади - аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланишларида конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, тиббий хизматлар ташкил этилишининг ижтимоий тенгсизлигини камайтириш ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда бюджет давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш, хўжалик конъюктурасига таъсир кўрсатиш ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишнинг қудратли воситаси ҳисобланади. Бугунги кунда давлат бюджети унинг хилма хил функцияларини ақс эттирадиган мураккаб, кўп кўринишли ҳужжат ҳисобланади. Аввало, бюджетда давлат харажатлари ва даромадлари тартиби ўз аксини топади. Харажатлар бюджет маблағларининг сарфланиш йўналишларини ва мақсадларини кўрсатади. Ўз таркибига кўра, бюджетнинг харажат моддалари қонунда белгиланган.

Жамият тараққиётининг юксалиши инсоният салоҳиятининг бардавомлигига боғлиқдир. Инсониятнингсаломатлиги нечоғлик заруратлигини қалбан ҳис этган Юртбошимизнинг тиббиёт тизими ва аҳоли соғлигига бўлган эътибор ҳамда ғамхўрликларини эътироф билан тилга олиш жоиздир. Мустақилликнингилк кунларидан бошлаб, барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш

тармоғида ҳам тубдан ўзгаришлар бўлиб, бу давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб келмоқда. Ҳар бир инсон бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга эришишнинг омиллари кўп. Аммо улардан энг муҳимлари тинч ва осойишта, сихат-саломатликда ҳаёт кечиришдир. Истиқлол бизга ана шундай бебаҳо неъматлардан баҳраманд бўлиш имконини берди. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ўзига хос миллий модели шакллантирилади. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, илғор даволаш усуллари ва фан ютуқларини амалиётга жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада тиббиёт тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бераётгани ҳаммамизга маълум. Кейинги йилларда нафақат пойтахтимиз, балки вилоятларда ҳам турли мураккаб жарроҳлик операциялари муваффақиятли ўтказилаётгани бунинг тасдиғидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш натижасида мустақиллик йилларидан бери умр давомийлиги 67 ёшдан 72,5 ёшгача ошди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида оналар ўлими 1,2 баробар, болалар ўлими эса 1,3 баробарга камайди. Биргина ўтган йилга назар ташлайдиган бўлсак, республикамизда 4201 та амбулатор поликлиника муассасаси, шу жумладан, 3165 та қишлоқ врачлик пункти фаолият олиб бормоқда. Уларга қатновлар сони охириги беш йилда 25,5 фоизга ошиб, жумладан аҳоли жон бошига бу кўрсаткич 28 фоизга кўпайди. Стационар даволаш муассасалари шифо ўрин фондидан самарали фойдаланиш мақсадида кам қувватли ва норентабель шифохоналар қисқарди. Яъни уларнинг сони 1 минг 151 тадан 783 тага қадар, ўринлар сони ҳам шунга мутаносиб равишда 148 минг 361 тадан 126 минг 994 тага камайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қатор нуфузли тиббиёт марказларининг хирург, акушер-гинеколог, терапевт, педиатр, невропатолог, кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, оториноларинголог, уролог, ортопед-травматолог, нейрохирург, онколог, дерматолог ва пульмонолог каби ўнлаб мутахассислари янги йилда навбатдаги янги ташаббус билан чиқишди.

Инсонлар соғлиги ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун устуворлиги асосий ўрин тутиши барчамизга маълум. Шундай экан, олиб борилаётган ислохотлар натижасида меъерий-ҳуқуқий негизларни такомиллаштириш мақсадида бешта ҳаракатдаги Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида", "Давлат санитария назорати тўғрисида", "ОИТС касаллиги профилактикаси тўғрисида", "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида", "Алкоголизм, наркомания ёки токсикоманияга чалинган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида"ги Қонунларига ўзгартишлар киритилди. Шу билан бирга 7 та янги "Одам иммунотанқислиги вируси орқали юзага келувчи касаллик профилактикаси тўғрисида", "Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида", "Фуқароларга психиатрия ёрдами кўрсатиш тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида", "Қон ва унинг компонентлари донорлиги тўғрисида", "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари кучга кирди.

2015 йилнинг 5- январидан бутун мамлакатимиз бўйлаб ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг соҳалар бўйича савиясини янада ошириш ҳамда мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда "Маҳорат дарслари" ("Мастер-класс")ни ўтказишни бошлашди. Ушбу йирик ижтимоий акция доирасида мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда илмий текшириш институтларининг тиббиёт фанлари докторлари, етук олим ва

нуфузли мутахассислари маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда энг мураккаб ва нозик операцияларни вилоят даволаш муассасаларининг ўзида муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Юртимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар боис барча вилоятлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари, чекка туманлар шифохоналари ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётгани чуқурлаштирилган тиббий кўрик ва “Маҳорат дарслари” (“Мастер-класс”)ни самарали ўтказишда кўл келмоқда. Юксак малакали шифокорлар ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаси, кўп тармоқли оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг ўзидаги замонавий тиббий технологиялар ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйишмоқда. Қишлоқлар аҳолиси, диспансер ҳисобида турадиган беморлар, ногиронлар, ёшлар ва хотин-қизларга зарур кўмак ҳамда тавсиялар бериб келинмоқда.

Мамлакатимиз шифокорларининг бу каби ташаббуслари шарофати билан кўпчилиكنинг узоғи яқин бўлмоқда. Табиийки, мамлакатимиз пойтахтидан малакали шифокорларнинг чекка ҳудудларга бориб, у ерда истиқомат қилувчи каттаю кичикнинг аҳволидан хабар олиши, саломатлиги билан қизиқиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Шунинг учун бўлса керак, бу галги “Маҳорат дарслари”нинг қамрови янада кенгайиб, 20 га яқин тиббиётнинг турли соҳа мутахассисларидан иборат 300 нафарга яқин малакали шифокорлар юртимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлиб аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Юртимизда яратилган миллий моделнинг алоҳида ажралиб турадиган тарафларидан бири шундаки, бизда энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи фуқароларга ҳам худди шаҳарлардаги каби малакали тиббий ёрдам кўрсатилади. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Маҳорат дарслари” ҳам бунга бир мисолдир. Ушбу ижтимоий акцияда марказимизнинг энг тажрибали мутахассислари билан иштирок этиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш баробарида маҳаллий тиббиёт ходимларининг соҳалар бўйича савиясини янада оширишда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан соғлом ва мустаҳкам оилаларни барпо этиш соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўриқдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, шу асосда ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказадиган поликлиникалар замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Энг муҳими, янги оила қураётган 2 мингдан ортиқ ёшларда турли касалликлар аниқланиб, улар амбулатор ва стационар шароитда даволанди.

“Соғлом она – соғлом бола” лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта кадам бўлди.

2015 – йил “Кексаларни эъзозлаш йили”да Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган бундай кенг қамровли тадбирлар янада кенгайиб, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар жараёни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-2107-сонли Фармони асосида ривожланиб, унинг натижасида республикада соғлиқни сақлашнинг миллий модели яратилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасининг ошишига ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари яхшиланишига эришилди.

Дарҳақиқат, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабатунде Осотимеин тизимдаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларини юксак баҳолар экан, бунинг исботи сифатида шуни айтиб ўтишимиз жоизки, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари томонидан ҳам алоҳида тилга олинмоқда. Хусусан, ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги

дастурларини жорий этишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани, айниқса, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Европа минтақасидаги мавжуд 53 та мамлакат ичидан фақатгина 4 та давлат, жумладан, Ўзбекистоннинг оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тиббий хизматининг миллий модели юқори баҳоланиб, ана шу мамлакатлар учун намунавий модель сифатида қабул қилинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Яна бир қувончли жиҳат шундаки, ўтган йили Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли – "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилганлиги ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлаб, мамлакатимиз ушбу кўрсаткичлар бўйича рейтингда тўққизинчи ўринни эгаллади. Хулоса ўрнида айтишимиз жоизки, ушбу ҳамкорлик замирида инсонлар саломатлиги ётар экан, бу борада юртимиз тиббиёт ходимларининг жаҳон тиббиётида ўз ўрни борлиги, уларнинг касбига бўлган масъулияти юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Мартабали меҳмоннинг фикрича, мамлакатимиз тиббиёти илғор ютуқлар сари янада юксалиб, илм-фан ривожини тараққий эттиришда муҳим омил бўлаётганлигини амалдаги ислохотлар билан бевосита уйғунлашиб бораётганлигида кўриш мумкин. Дарвоқе, бундай эзгу ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад инсон саломатлигига қаратилар экан, бу жараёнда барчамиз бирдек масъул ва ҳамфикр ҳолда иш юритишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети, асосан, солиқлар ёрдамида тўпланадиган ҳамда давлат томонидан ўзининг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун ишлатиладиган пул маблағларининг марказлаштириладиган фондларидир. Давлат бюджети қонун кучига эга, республика Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Давлат бюджети даромад ва харажатлар баланси шаклида тузилади ҳамда мамлакат бюджети фондини шакллантириш манбалари ва ундан фойдаланиш йўналишларини акс эттиради. Шунинг учун хилма-хил алоқаларни акс эттирувчи бюджет кўрсаткичлари

аниқ-равшан белгиланиши умумдавлат миқёсидаги кучли молиявий назорат учун асос яратади.

Мамлакатимизда иқтисодийни модернизациялаштириш босқичида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Республикамизда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий ислохотлар ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И. А. Каримов ушбу масала хусусида тўхталиб, «Биз учун бебаҳо бойлик бўлган халқимизнинг соғлиғини сақлаш мақсадида 2015-йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ва замонавий диагноз ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди»³⁷, - деб таъкидлаб ўтганлар.

2015 йилнинг 3 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил учун давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига бағишлаб ўтказилган кўшма йиғилишда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат, фан, таълим,

³⁷Каримов И.А. “Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийни модернизациялаштириш таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. // “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 16 январь, № 11 (6446).

маданият ва спорт, соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича кўзда тутилган параметрлар муҳокама қилинди: - “2016 йилда соғлиқни сақлаш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,8 фоизни ташкил этиб, мазкур тизимни ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган дастурлар доирасида барча тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш имконини беради. 2016 йилнинг Давлат бюджети лойиҳасида соғлиқни сақлаш ташкилотларининг дори-дармон ва озиқ-овқат харажатлари 2015 йил тасдиқланган бюджетига нисбатан 1,15 баравар ўсиш билан назарда тутилиши таклиф этилмоқда. Давлат бюджетининг ижтимоий таъминот харажатлари жорий йилга нисбатан 1,16 баравар оширилиш кўзда тутилган”.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан соғлом ва мустаҳкам оилаларни барпо этиш соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, шу асосда ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказадиган поликлиникалар замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Энг муҳими, янги оила қураётган 2 мингдан ортиқ ёшларда турли касалликлар аниқланиб, улар амбулатор ва стационар шароитда даволанди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда ҳар 100 мингга чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Республикаимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастурини тубдан янгилаб, соҳада амбулатория-поликлиника ва профилактика тиббиётига кенг имкониятлар яратиб, уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини таъминлашнинг ўзига хос бўлган «ўзбек модели» шакллантирилди. Таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларда қишлоқ врачлик пунктлари ташкил

этилиши, уларни молиялаштиришнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи харажатлар миқдоридан келиб чиқиб, амалга ошириш услубиятини жорий этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджетининг харажатларида соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш орқали аҳолини манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлаш таъминланмоқда. Бюджетдан ажратилган маблағларнинг самарадорлигини ошириш, тизимда инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни мақбуллаштириш, бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ, ўз вақтида амалга ошириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад аҳолини қулай ва сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш муаммоларини бартараф этиш, соҳанинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган. Аҳоли соғлиғини сақлаш кўрсаткичларини халқаро андозалар даражасига етказиш, тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмларини янада мақбуллаштиришга йўналтирилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, республикаимизда аҳолини сифатли тиббий хизматлар билан таъминлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда:

✓ мамлакатимиз ижтимоий соҳасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

✓ республикаимиз соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг илғор хорижий тажрибаларини ўрганиб, амалиётда ижодий қўллаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

✓ Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг тенденцияларини аниқлаш;

✓ республикаимиз соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг тутган ўрнини ўрганиш;

✓ мамлакатимиз соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш амалиётидаги муаммоларни аниқлаш ва уни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши жараёни аниқ ижтимоий йўналтирганлиги билан ажралиб туради. Ислохотлар бошидан давлат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш йўлидан борди. Ислохотларни амалга оширишнинг мураккаб шароитида соғлиқни сақлаш соҳаси ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакат бюджетидан ҳам, халқаро жамғармалар томонидан ҳам молияланаётган кўплаб ижтимоий дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Уларнинг барчаси соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштириш, тиббий ходимлар малакасини ошириш, мамлакат аҳолисига тиббий хизматлар кўрсатишни яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар аҳолининг тиббий хизматга ўсиб бораётган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва миллат соғлиғи соҳасида мустақил ижтимоий ва демографик вазиятни таъминлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш имконини бермаяпти. Давлат бюджети ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича оғир юкни ўз зиммасига олган, қуйида кўрсатиб ўтилган рақамлардан кейинги йилларда соғлиқни сақлашга давлат ҳаражатлари улишининг ошиб бориши тенденцияси кузатилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида бир қанча йўналишлар бўйича, аввало, оилага, оналик ва

болалик манфаатларини ҳимоя қилишнинг дунёнинг энг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий асослари яратилди ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қанча Давлат дастурлари қабул қилинди. Мамлакат стратегик тараққиёти билан уйғун равишда ишлаб чиқилган ҳамда шошилишчи тиббий хизмат тизимини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқларқўлга киритилди. Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий жиҳатдан бой ёш авлодни тарбиялашда давлат бюджетининг харажатларида соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикасида иқтисодийни модернизация қилиш шароитида соғлиқни сақлаш тизимида бозор ислохотларини шакллантириш, бозорга хос муносабатларни вужудга келтириш ва тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини самарали ташкил этиш аксарият жиҳатдан уни бошқариш ва мавжуд салоҳиятидан унумли фойдаланиб, мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ўзига хос хусусиятларини, энг асосийси унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни нуқтаи назаридан давлатнинг мунтазам назорати, ҳомийлиги, амалий, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ёрдами зарурияти туғилмоқда.

Мамлакатимизда 2017 йилда ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,9 фоиз қишлоқ хўжалиги 6,2 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Бюджет даромадлари тўлиқ шаклланиши, харажатлари тўғри йўналтирилиши мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ортиб боришида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун давлатимизда бюджет ва унинг ижросига жиддий эътибор қаратиб келинади.

Келгуси йилги Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у биринчи навбатда, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. 2017 йилда Давлат бюджетида асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий кўллаб-қувватлаш, иш хақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда бошқа биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга йўналтирилган. Бу, ўз навбатида, аҳоли реал даромадларининг ўсиши, шу орқали турмуш даражаси ва харид қобилиятининг янада ошишига хизмат қилади.

